


Кенг кўламли,
фикрий, сақофий журнал

Ал-Ваъй

Ал-Ваъй сўзи

Халқаро Валюта Фонди



Халқаро Валюта фондига
муурожаат қилиш ўз жонига
қасд қилишга қўшимча, касал-
лик давосини касалликнинг
ўзидан излаш ҳамдир

Амирликлар, Саудия ва Миср
раҳнамолигидаги янги дин...
Амирликларнинг Исломи ўз-
гартиришдаги роли (1)

Консенсус демократия:
Янги инқирозлар ва
муаммолар (1)

Уйғониш ва ҳазорий
тикланиш (1)



409

Ўттиз бешинчи
йил чиқиши
Сафар 1442ҳ
Октябрь 2020м

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Урибгу сонда

- Халқаро Валюта фондига мурожаат қилиш ўз жонига қасд қилишга қўшимча, касаллик давосини касалликнинг ўзидан излаш ҳамдир 3
- Амирликлар, Саудия ва Миср раҳнамолигидаги янги дин... Амирликларнинг Исломни ўзгартиришдаги роли (1)..... 13
- Аср лойиҳаси: «Битта камар, битта йўл» 29
- Консенсус демократия: Янги инқирозлар ва муаммолар (1) 41
- Уйғониш ва ҳазорий тикланиш (1) 51
- **Олам муслмонлари хабарлари** 61
- **Қуръони Карим суҳбатида** 66
- **Жаннат боғлари:** Умматимнинг ҳар бири мағфират қилинади, гуноҳларини ошкор қилувчиларгина бундан мустасно.. 71
- **Сўнги сўз:** Қасиданавислар (раводидлар) Эрон режимининг энг муҳим ташвиқот қуролларидан биридир 75
- Foreign Policy таҳлиллари Яқин Шарқ келажагининг пессимистик манзарасини акс эттиради..... 76

بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ФОНДИГА МУРОЖААТ ҚИЛИШ ЎЗ ЖОНИГА ҚАСД ҚИЛИШГА ҚЎШИМЧА, КАСАЛЛИК ДАВОСИНИ КАСАЛЛИКНИНГ ЎЗИДАН ИЗЛАШ ҲАМДИР

1 – Ливандаги молиявий ва иқтисодий кризис ҳамда Халқаро Валюта Фондига мурожаат қилишнинг нотўғрилиги:

Ливан банкротлик ёқасига олиб келган молиявий ва иқтисодий кризисдан ҳамда қарийб юз миллиард долларга етган қарзлар фоизларини тўлай олмасликдан азият чекиб келмоқда. Ҳукумат хорларча Халқаро Валюта Фондидан қарз олишга ҳаракат қилмоқда. Бунга эътироз билдирган нодавлат иқтисодчилар ва мутахассис экспертлар деярли учрамайди. Бундан олдинроқ Ливан иқтисодиётини қайта тиклашга уриниш сифатида ўтказилган бир қатор халқаро конференциялардан кейин, хусусан, Париж 1, 2, 3 конференцияларидан сўнг Франция пойтахти Парижда ўтказилган «Кедр конференцияси»га умид боғланган эди. Ливан жамоатчилигида «Кедр конференцияси Ливанни қутқаради», деган фикр пайдо бўлганди. Маълумки, Халқаро Валюта Фондидан ва шунга ўхшаган мустамлакачи фондлар сифатида айбланган фондлардан оғир иқтисодий ва молиявий аҳволга тушиб қолган давлатларгина қарз сўраб мурожаат қилади. Бу давлатлар қутулишнинг шошилини чораси сифатида Халқаро Валюта Фондига мурожаат қиладилар. Шубҳасиз, бу нотўғри ва жиноий мурожаатдир. Чунки Халқаро Валюта Фонди билан қарз олиш тўғрисида келишувга эришилса, демак бу ерда ушбу давлатлар билан Фонд ўртасида мустаҳкам келишув ўрнатилган ва адолатсиз мажбурий шартлар қўйилган бўлади. Ушбу келишув ва шартларга риоя қилиш мажбуриятининг ўзига хос хусусияти халқаро қонунларга мувофиқ бўлади. Мана шундан кейин қарздор давлатларнинг зиммасидаги қарзни шартлари билан тўламагунча давом этадиган машаққатли йўли бошланади. Бу давлатлар қарзларини тўлай олмагани сайин шартлар ҳам қаттиқлашиб бораверади. Ливан дефицитга учраб, фоизлар мураккаблашмоқда, қолаверса, фоизларнинг мураккаблашиши икки баробарга ошмоқда... Ливаннинг Халқаро Валюта Фондига мурожаат қилишидан олдин қарзи қарийб юз миллиард долларни ташкил қилар экан, у янги қарзларни қандай тўлай олсин?! Биз

кўрпмизки, Ливан ҳукмдорлари иқтисодни қишлоқ хўжалиги, саноат ва экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга таянадиган ҳақиқий иқтисодга айлантириш орқали вазиятни муолажа қилиш ўрнига Халқаро Валюта Фондига мурожаат қилдилар. Улар Халқаро Валюта Фондига мурожаат қилишлари билан Ливанни ҳалокат гаровига айлантирдилар. Бу билан Ливаннинг аҳволи иқтисодий кризисни бошдан кечирган бошқа мамлакатлар аҳволига ўхшаб қолди. Зеро, Халқаро Валюта Фондига мурожаат қилган бошқа мамлакатларнинг аҳволи мурожаат қилишидан олдинги аҳволдан анча ёмонлашган. Шарқий Европа давлатлари, Лотин Америкаси давлатлари, шунингдек, булардан бошқа Африка ва Осиё давлатлари бунга тирик гувоҳдир. Ақл-фаросатли киши бошқалардан сабоқ олган кишидир. Бироқ кўриниб турибдики, Ливан ҳукмдорлари орасида ақл-фаросатли киши йўқ.

2 – Халқаро Валюта Фонди мустамлакачи Ғарб давлатларининг қуролларидан биридир:

Халқаро Валюта Фонди қарз берувчи халқаро муассаса бўлиб, унинг таркибида иқтисод соҳаси бўйича мутахассислар ва халқаро экспертлар мавжуд. Ушбу мутахассис ва экспертлар қарз олишни истаган мамлакат вазиятини ўрганишади. Шунинг учун улар бу мамлакатнинг кучли ва кучсиз томонларини ўша мамлакат аҳолисидан кўра кўпроқ билишади. Халқаро Валюта Фонди ўзини қарз олмоқчи бўлган мамлакат манфаатини ва унинг молиявий вазиятини тўғрилашни хоҳлаётган қилиб кўрсатади. У қарзнинг қайтарилишини таъмин этиш учун шафқатсиз услубни қўллайди. Бу услуб шундай ўрганилган шартларни ўз ичига оладики, бу шартлар қарздор мамлакатни қарзлар денгизига ботишига ва уни тўлай олмай қолишига ҳисса қўшади. Бу – қарз миқдорининг икки баробар кўпайишига олиб келиб, қарздор давлатларни Халқаро Валюта Фондига қарзидан икки баробар кўпроқ тўлашга мажбур қилади. Халқаро Валюта Фонди ўзгармас умумий рецептга таянади. Давлатлар ўртасида ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий шароитлар тафовутли бўлишига қарамай, барча давлатларга шу рецептларни юклайди. Колумбия университети иқтисодиёт профессори Жозеф Стиглиц Халқаро Валюта Фондининг рецептлари қарздор мамлакатлар манфаатларига қаратилмаганини таъкидлайди. Унга кўра, агар Халқаро Валюта Фондининг рецептлари қарздор мамлакатлар манфаатларига қаратилган бўлганида, бу рецептлар ҳар бир давлатнинг хос хусусиятларини ҳисобга олмайдиган шаклда ўзгармас бўлмаган ҳамда ушбу давлатларнинг вазиятлари ҳар хиллигига қараб рецептлар ҳам ҳар хил бўлган бўлар эди... Ҳа, агар бундай фондлар ўз пулларини қайтариб олишни истаса, нега қарздор мамлакатга ишлаб чиқаришга асосланган ҳақиқий

иқтисодни барпо қилиш тўғрисида маслаҳат бермайди? Ўз пулларини қайтариб олишни кафолатлаш учун нега ўзи даъво қилганидек ёрдам бермайди?

Халқаро Валюта Фондининг барпо бўлиш шароитлари, мустамлакачиликка қаратилган пинҳоний томонлари, бой давлатларга, хусусан, Америкага қарамлиги ҳақида айтадиган бўлсак, иккинчи жаҳон уруши тугашидан олдин буюк Ғарб давлатлари янги глобал иқтисодий тартиб ўрнатишга ҳаракат қилишди. Уларнинг мақсади шу тартиб орқали ўз манфаатларини рўёбга чиқариш ҳамда буни амалга оширадиган шакл ва воситаларни топиш эди. Сўнг 1944 йили урушдан кейинги дунёда пул масаласи қандай бўлиши кераклигини муҳокама қилишга бағишланган «Бреттон Вудз» конференцияси бўлиб ўтди. Бу конференцияда валюта айирбошлаш ҳамда валюталарни олтин ўрнига долларга боғлаш тартиби ўрнатилди. Конференция ғояларини амалга ошириш учун иккита халқаро муассаса таъсис этилди. Улар: Халқаро Валюта Фонди ва Халқаро Тикланиш ва Тараққиёт Банки. Бу муассаса таъсис этилганидан бери унга Қўшма Штатлар ва Ғарбий Европа давлатлари ҳукмронлик қилиб келмоқда. Ўша пайтда Қўшма Штатлар дунё олтин захирасининг учдан икки қисмига эгаллик қилар эди. Шунинг учун бу давлатлар Халқаро Валюта Фонди захирасининг катта қисмини ўзларида сақлаб қолишди. Халқаро Валюта Фонди низоми ва ундаги давлатларнинг овоз бериш ҳуқуқи уларнинг Фонддаги сармоясига қараб белгиланган эди. Қўшма Штатларнинг Халқаро Валюта Фондида энг катта улушга эга эканлиги, унга Фонд қарорлари ва сиёсатларини ўз манфаатларини ифода этадиган, унинг бутун дунёдаги ҳукмронлигини ва нуфузини ёйишини кучайтирадиган қилиб йўналтириш имконини берарди. Бу эса, бошқа давлатларни қарз берувчи альтернатива банклар ва фондларни таъсис этишга ундади. Улар Американинг ҳукмронлигидан халос бўлиш учун континентал даражада Осиё ва Африка Ривожланиш Банки каби фонд ва банкларни таъсис этишди. Лекин бундай банк ва фондлар ҳам уларни таъсис этган давлатлар қўлидаги уларнинг ҳукмронлигини ёядиган, нуфузини ўрнатадиган ҳамда бошқа давлатлар бойликларини талон-торож қиладиган қурол бўлиб қолаверди. Мана шулардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, бундай фондлар мустамлакачи давлатларнинг қуролларидан биридир.

3 – Халқаро Валюта Фондининг тавсиялари ва шартлари шафқатсиз ва хўрловчидир:

Халқаро Валюта Фондининг тавсиялари асосан тежамкорлик режаларини жорий қилишга асосланади ҳамда қарздор давлатларни фуқаролари олдидаги масъулиятларидан воз кечишга,

жумладан, нон, озиқ-овқат маҳсулотлари, ёнилғилар ёки дори-дармон каби асосий товарлардан қўллаб-қувватловни олиб ташлашга ундайди. Бунинг оқибати одатда фуқароларнинг кўпчилигини ташкил этувчи камбағалларга ва ўрта табақадаги фуқароларга етади... Шунингдек, бу тавсиялар солиқлар жорий қилишга асосланади. Бундан ташқари, қарздор давлатлардан соғлиқни сақлаш ва таълим хизматларига, шунингдек, умумий турда давлат қарамоғидаги барча хизматларга сарф-харажатни камайтиришни талаб қилади. Буларнинг барчаси давлат бюджетини қўллаб-қувватлаш, бинобарин, қарзни тўлаш имкониятига эга бўлиш баҳонасида талаб қилинади. Бу биринчи навбатда камбағалларга унинг оқибатларини кўтара олмайдиган даражада таъсир қилади. Бу эса, режимни ўзгартиришни талаб қилган халқ норозиликларига олиб келади. Бундай муассасаларга ҳукмронлик қилувчи давлатлар – агар халқ норозиликларига ўзлари учун манфаатни кўришса – улардан фойдаланиб қолишга ҳаракат қилишади. Ливанда ҳам худди шундай бўлди. Ливан қарзларини фоизи билан тўлай олмай, банкротлик ёқасига келиб қолди. Одамларнинг турмуш шароити ва хизматлар ёмонлашди. Бу эса, вазиятнинг портлашига ҳамда бутун коррупцион сиёсий синфни ўзгартиришни талаб қилган халқ кўзғолони юз беришига олиб келди. Бу ерда шуни айтиб ўтиш керакки, Ливанда юз берган ва ҳозир юз бераётган воқеалар Халқаро Валюта Фонди билан келишувга эришилган пайтда содир бўлмоқда. Тоқат қилиб бўлмайдиган бундай оғир вазият Халқаро Валюта Фонди билан келишув тузилганидан кейин янада оғирлашади. Бу масалада эътиборли нарса шуки, одатда бундай кўзғолонларда айблов ҳукмдорларга қаратилади, уларнинг ортида турган Ғарб давлатларига қаратилмайди. Шунингдек, ортида Ғарб давлатлари турган Халқаро Валюта Фондининг хатарли ролига эътибор берилмайди. Қолаверса, бу ерда уни халоскор томон деб биладиганлар ҳам бор.

4 – Халқаро Валюта Фонди шартлари ва тавсиялари амалга оширилиши жиддий иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий оқибатларга олиб келади:

Иқтисодий ва ижтимоий оқибатларга келсак, Халқаро Валюта Фонди қарздор давлатларга жорий қилган рецептлари амалга оширилишидан олдин, уларнинг ижтимоий ва иқтисодий вазиятга салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини ҳисобга олмайди. Аксинча, у шундай сиёсатга амал қиладики, бу сиёсат ушбу мамлакатлар иқтисодини қулатиш билан хавф солади. Чунки бюджет тақчиллиги ҳамда импорт ва экспортнинг номуносивлиги инфляция даражасининг юқорилашига, маҳаллий валютанинг тушиб

кетишига, ишсизлик кўрсаткичининг кўтарилишига, ойлик-маошлар кўрсаткичи тушиб кетишига, ялпи маҳаллий маҳсулот ҳажми ва иқтисодий ўсиш даражаси пастлашига олиб келади. Буларнинг барчаси ижтимоий вазиятнинг ёмонлашиши билан тугайди. Чунки жамиятнинг ўрта табақаси қашшоқ табақага айланади, қашшоқлик даражаси ошади ва одамларнинг аксарияти қашшоқликнинг энг қуйи даражасида бўлиб қолади. Биз буларнинг барчасини Ливанда яққол кўрмоқдамиз ва ҳозир кўриб турганимиз, Халқаро Валюта Фонди билан ҳар қандай келишув имзоланиши билан кучайиши ҳам мумкин. Чунки нарх кўтарилади, одамларнинг асосий эҳтиёжларини таъмин этиш имконияти пасаяди. Бундай вазият хатарли оқибатларни келтириб чиқариши ҳам сир эмас... Кейин, қарздор давлатлар қарзларини ва уларнинг фоизларини тўлай олмайдиган ҳолга тушиб қолганидан сўнг, Халқаро Валюта Фонди ҳукуматларга «қайта қуриш» номи остида дастурларни юклайди, иқтисодий ислохотлар ўтказишни ҳамда давлат сектори муассасаларини хусусийлаштиришни талаб қилади. Булар билан бир қаторда, Халқаро Валюта Фондига ҳукмронлик қилувчи давлатлардан кириб келадиган товарлардан божхона тўсиқларини олиб ташлаш ва тарифларни бекор қилиш тўғрисида кўрсатмалар беради. Халқаро Валюта Фонди бундан катта давлатларда қайддан ўтган ширкатлар учун маҳаллий бозорни очишни мақсад қилади. Шундай қилиб, маҳаллий бозор ўша ширкатлар маҳсулотларининг истеъмол бозорига айланади ва бу бозор улар томонидан назорат қилинади. Айнан шу нарса уни доимий мижозга айлантиради.

Халқаро Валюта Фонди сиёсатининг сиёсий оқибатларига келсак, ёмонлашиб бораётган иқтисодий вазият, фондларнинг шарт ва тавсиялари ҳамда ҳукмрон элитанинг коррупцияси натижасида ҳукмдорларга қарши халқ норозиликлари келиб чиқади. Манфаатлар устида ўзаро рақобатлашаётган катта давлатлар халқ норозиликларини янги сиёсий шаклга киритишга ҳаракат қилишади ва бунда фуқаролик жамияти ташкилотларидан фойдаланишади. Бундай ташкилотлар Ғарб томонидан очиқ ва ошқора қўллаб-қувватланади. Булар катта давлатларнинг бундай ҳолатлардан қандай қилиб сиёсий фойда олишига яққол мисолдир.

Шунингдек, қарздор давлатларнинг ожиз аҳволга тушиб қолиши аянчли сиёсий натижаларга олиб келади. Масалан, БМТ қарорларини маъқуллаш ҳолатларида улар қарздор давлатлардан ўз позицияларига мос позицияни эгаллашни талаб қилишади ёки уларнинг ерларида ҳарбий базаларни барпо этишади. Бинобарин, қарздор давлатлар талон-торож қилувчи мустамлакачига қарамга ва унинг орқа ҳовлисига айланади. Биз Ливан бошдан кечирган кризис пайтида Америка ва Франциянинг очикдан-очик

аралашувига гувоҳ бўлдик. Бу аралашувда сиёсий вазият билан иқтисодий вазият ўртасидаги боғлиқликни кўрдик. Масалан, Макрон ва АҚШ давлат котиби ёрдамчиси, агар Ливан сиёсий ислохотларни олиб бормаса Жаҳон Банки ва Халқаро муассасалар унга ҳеч қандай ёрдам кўрсатмаслиги тўғрисида баёнот берди. Шунингдек, биз Макроннинг юртдаги сиёсатчиларга мамлакатни қутқариш учун тузилаётган ҳукуматни қандай тузиш лозимлигини зўрлик билан кўрсатиб бераётганига ҳамда агар улар унинг кўрсатмасига қарши чиқишса, уларга санкция жорий қилиш билан таҳдид қилаётганига ҳам гувоҳ бўляпмиз. Яна кўряпмизки, Америка нефть қазиб олинишини атайлаб кечиктирмоқда. У (Исроил) билан келишилган ҳолда маълум денгиз ҳавзаларидагина нефть қазиб олинишини шарт қилмоқда. Бошқача айтганда, нефть қазиб олинишини «аср келишуви» доирасида (Исроил) билан тузиладиган сулҳга боғламоқда... Чунки Трамп бу келишув орқали «Янги Яқин Шарқ»ни барпо қилишни истамоқда. Америка Ливан масаласига ўзининг минтақани қайта шакллантиришга боғлиқ бўлган режалари асосида қарайди. Бу режага кўра, (Исроил)га қаратилган адоват Эронга қарши адоватга алмаштирилиши керак.

5 – Давлатларни ташқи судхўрлик қарзларига ботириш Ғарб мустамлакачилигининг янги қиёфасидир:

Халқаро Валюта Фонди қарз беришда дунё давлатларининг барчасига нега бир хил сиёсат қўллайди? Чунки биз дунё давлатлари билан Халқаро Валюта Фонди тузган шартномаларнинг бир хиллигига ва уларнинг вайрон қилувчи натижалари ҳам бир хиллигига гувоҳ бўлмоқдамиз. Бунинг жавобига келсак, олдин айтиб ўтганимиздек Халқаро Валюта Фондига бой мустамлакачи давлатлар эгалик қилади ва унинг сиёсатини ҳам шу давлатлар белгилайди. Бу давлатлар қарздор давлатлар иқтисодини назорат қилиш ҳамда уларнинг сиёсий ва ижтимоий низомларини урушсиз бошқариш учун Халқаро Валюта Фондидан восита сифатида фойдаланишади. Шунинг учун бу давлатлар дунё давлатлари иқтисодини вайрон қилишда айбланишади. Халқаро Валюта Фонди орқали берилган ташқи қарзлар Ғарбнинг давлат ва халқларни мустамлака қилиш услубларидан бири ҳисобланади. Дунё давлатлари қарзлари 2018 йили 7,3 триллион долларга етгани тахмин қилинади. 2019 йили 20та араб давлатининг қарзи триллион доллардан ошган. 2018 йили Ливаннинг қарзи 79,3 миллиардга етган. Аҳоли сони ва ялпи маҳаллий маҳсулот ҳажмига нисбатан олиб қараганда Ливан қарздор давлатлар орасида биринчи ўринда туради.

6 – Ҳукмдорларнинг ўз халқи бойликларини ўғирлаши ташқи қарз муаммосининг энг муҳим сабабларидан биридир

Ташқи қарз муаммосининг энг муҳим сабабларидан бири малай ва коррупциячи ҳукмдорлардир. Чунки улар малай бўлгани учун барча сиёсатларида уларни бошқараётган буюк давлатлар кўрсатмалари билан иш тутишади. Улар коррупциячи бўлгани учун давлат пулларини талон-торож қилиш, ўғирлаш ва давлатлар бюджетига тенг келадиган бойликларни тўплаш ниятида бўлишади. Жамоатчилик уларни ўғри ҳамда пул ва сиёсат савдогарлари, деб билади. Улар ўзларининг молиявий манфаатларига мос иқтисодий сиёсатнигина маъқуллашади ва ўзгармас формулага мувофиқ иш тутишади. Бу формула, хазинани одамлардан тортиб олган пуллар билан тўлдириш, сўнг бу пулларни сиёсатчилар ҳамёнига туширишдир...

Бундан ташқари, бу ҳукмдорлар талон-торож қилган пулларини, банк тизимидаги «банк сири» ҳамда «офшор ҳисоблар», дея номланган усулдан фойдаланиб, мамлакат ташқарисидagi кофир Ғарб банкларига қўйишади. Чунки улар вазият издан чиқиб, одамларнинг уларга қарши қўзғалиши мумкинлигини ҳис қилганлари боис, Ғарб банкларини ўз пуллари учун хавфсиз жой, деб ҳисоблашади. Араб давлатларидан ноқонуний йўллар билан олиб чиқиб кетилган пуллар кўпроқ Швейцария, Америка, Британия ва Франция банкларига қўйилади. Женевадаги Араб-Швейцария савдо-саноат палатасига таяниб тайёрланган Deutsche Welle ҳисоботида кўра, араб давлатларидан талон-торож қилиниб, Швейцария банкларига қўйилган пуллар миқдори тахминан 200 миллиард доллардир. Умуман олганда арабларнинг чет элга қўйилган пуллари миқдори тахминан бир неча триллион долларни ташкил этиши айтилади. Ҳисоботда Швейцария билан бир қаторда арабларнинг пулларини ўзида сақлаган энг кўзга кўринган томонлар, жумладан, Британияга қарашли Кариб денгизи ороллари, Лихтенштейн, Невада штатлари, Жанубий Дакота, Вайоминг ва Делавэр каби жойлар мисол тариқасида келтириб ўтилади. Эътиборли томони шундаки, бу пуллар коррупциячи ҳукмдорларга ҳамда ўз бойликларини бир неча ўн йиллар давомида ноқонуний йўллар билан қўлга киритган ишбилармонларга тегишлидир.

Бу ҳолат одамларни икки ўт орасида яшашга, яъни ҳукмдорлар ўғирлиги ва қарзни тўлаш ўртасида яшашга мажбур қилади. Ғарб эса, икки нарсадан фойдаланади: Биринчи: Бошқа юртлар устидан ҳукмронлик қилиб, ҳеч бир шартсиз ўз ширкатлари ва мустамлакачи фондларини киритиш орқали юртлар бойликларини талон-торож қилади. Иккинчи: Ҳукмдорлар томонидан чет эл банкларига қўйилган пулларни ўз юртларининг иқтисодий муомаласи (айланмаси)да ишлатади. Ер усти ва остидаги

бойликлар Фарб ва малай ҳукмдорлар томонидан талон-торож қилинганидан кейин юрт аҳлига бирор нарса қолдими?

Ҳукмдорларга қарши бош кўтарган кўзғолончилар буни англаб етишлари лозим. Агар улар судхўрлик низомининг Аллоҳ унга уруш очган ҳамда бутун башарият унга уруш очиши вожиб бўлган адолатсиз низом эканлигига эътибор бермасалар, узоқни кўра олмаган бўладилар. Зеро, бу низом камбағални янада камбағаллаштиради, бойни янада бойитиб, унинг ҳукмронлигини кучайтиради. Агар ислоҳ қилишни истаган кишилар бу зулм ортида Фарбнинг жирканч қўли борлигига эътибор бермасалар, улар ҳам узоқни кўра олмаган бўладилар. Фақат ҳукмдорларни айблаш етарли эмас. Биз бу борада айбланишга лойиқ тўрт томон бор деб биламиз. Улар: 1) Судхўрликни қонунийлаштирган капиталистик низом. 2) Конституциявий низом. 3) Фарб ҳукмдорлари. 4) Минтақадаги малай ҳукмдорлар.

7 – Ливаннинг молиявий-иқтисодий муаммосига ҳақиқий ечимнинг йўклиги:

Ливаннинг молиявий-иқтисодий муаммоси глобал муаммолар қаторига киради. Унда заиф давлатлар бой давлатларнинг ўлжасига айланади. Чунки Халқаро Валюта Фондига мурожаат қилиш ҳамда қарздорлик кризисини ҳал қилишга қаратилган молиявий тадқиқот олиб бориши учун McKinsey институти каби молиявий институтлардан ёрдам сўраш муаммони янада кучайтиради... Кейин, бу тарзда қарз олиш мамлакатни ривожлантириш йўлида ҳеч нарсани рўёбга чиқармайди, аксинча, оёққа туриб олиш учун давлат қабул қилиши керак бўлган «ўзига таяниш» стратегиясининг аҳамиятини камайтиради. Сиёсий қарашлари ҳар хил бўлишидан қатъий назар мансабдор шахслар Ливан иқтисодини қишлоқ хўжалиги, саноат ва экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришга асосланган ҳақиқий иқтисодга айлантириш орқали вазиятни тузатишга ҳаракат қилишлари лозим. Бу эса, давлат томонидан маҳаллий ишлаб чиқаришни, хусусан, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилишини қўллаб-қувватлаш учун режа тузиш ва стратегиялар қабул қилиш орқали бўлади. Деҳқон ва фермерларга маҳсулот етиштиришлари учун қулайлик яратиш, деҳқончиликка яроқли кенг ер майдонларидан фойдаланиш, одамларнинг маҳсулотларга бўлган ички эҳтиёжларини таъмин этиш, маҳсулотлар учун ташқи бозорларни таъмин этишга ёрдам кўрсатиш, бундай маҳсулотларнинг ташқаридан олиб келинишига йўл бермаслик, шунингдек, ҳам ички ва ҳам ташқи томондан Ливанга фойда келтирадиган саноат тармоқларини барпо этишга рағбатлантириш керак. Булардан кейин давлат импорт ва экспортни назоратга олиши лозим. Айнан

шундай йўл тутиш ташқарига хорларча қарз сўраб қўл чўзишдан беҳожат қиладиган ҳақиқий иқтисодни яратади. Шунини ҳам айтиб ўтиш керакки, Ливанда катта бойликларга эга бўлган сармоядорлар бор бўлиб, улар мана шундай иқтисодни барпо этишга ҳисса қўшишлари мумкин.

Шу ўринда эътиборни тортиш лозим бўлган нарса шуки, Ливан яқин келажакда нефть қазиб олувчи мамлакат бўлади. Америка минтақани қайта шакллантириш учун белгилаган режаларида буни албатта ҳисобга олади. У Ливанда иқтисодий кризис аланга олиб кучайиб бораётганига қарамай, нефть қазиб олинишини кечиктиришни истайди. Ҳозирги пайтда Америка Ливанни қарзга ботириш орқали нефть қазиб олиш бошланганида ўзига пул оқиб келишини таъмин этишга ҳаракат қилмоқда. Бундан ташқари у нефть қазиб олиш ҳуқуқининг энг катта қисмини ўз ширкатлари эгаллашини истамоқда. Шунинг учун Ливан аҳли, мамлакат нефть қазиб олувчи мамлакатга айланса қарздорликдан халос бўламиз деган ишончда бўлиб қолмаслиги керак. Мана Саудия, у нефть қазиб олувчи мамлакат бўлса ҳам, Фарб томонидан минтақадаги урушларга, шу жумладан Ямандаги урушга тортилгани туфайли қарздор мамлакатга айланди...

Ливандаги молиявий-иқтисодий муаммоларнинг ҳақиқий ечими:

Америка томонидан бошқарилаётган ҳозирги глобал низомда шу кун учун аҳамиятли бўлган тўғри ечимни топиш мумкин бўлса-да, лекин бу ечимни қўллаш мумкин эмас. Чунки ушбу муаммоларни келтириб чиқарган Фарб бу муаммоларнинг ўзи белгилаган ечимдан бошқа ечимлар билан ҳал қилинишига йўл бермайди. У ташқи қарз муаммосини келтириб чиқарди, шунингдек, Халқаро Валюта Фонди каби молиявий муассасаларни вужудга келтирди. Унинг мақсади булар орқали халқлар бойликларини талон-торож қилишдир... У дунёда можароларни келтириб чиқариб, бу можаролар ўзининг манфаатларига мувофиқ ҳал қилиниши учун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Хавфсизлик Кенгаши каби ташкилотларни тузди. Ливаннинг молиявий-иқтисодий муаммоси ҳам ушбу жирканч режанинг бир қисмидир. Шунга кўра, Ливан ҳукмдорлари ҳақиқий иқтисодни барпо этиш зарурлигини тушуниб етишсагина, Ливандаги молиявий-иқтисодий муаммони ҳал қилиш мумкин. Аммо икки сабабга кўра уларнинг буни тушуниб етишларига умид йўқ: Биринчи: Ливан ҳукмдорлари коррупциячи бўлиб, улар ҳокимиятда қолишга қатъий қарор қилишган. Иккинчи: Ўзини бу ҳукмдорларга альтернатива деб билган томонларнинг ечим ҳақидаги кўз-қараши ҳокимиятдагилар кўз-қарашидан фарқ қилмайди. Улар учун муаммо коррупциялашган конституциявий бошқарув низомини ўзгартириш

ҳамда Ғарб ва унинг адолатсиз сиёсатидан ажралишга эмас, балки фақат коррупциячи ҳукмрон элитани ўзгартиришга чекланган.

Шунинг учун Ливан ҳамда ундан бошқа давлатлар муаммосининг халқаро раббоний низомдан бошқа ҳақиқий ечими йўқ. Зеро, раббоний низом инсонга инсон деган эътиборда қарайди, моддани ундан устун қўймайди ва бу низомда судхўрлик бўлмайди. У бойликни фуқаролар ўртасида тақсимлайди ва унинг халқлар қисматига ҳукмронлик қилиб, уларни хорлайдиган бир сиқим одамлар қўлида тўпланиб қолишига йўл бермайди. Бу низом одамлар томонидан белгиланган, одамларни эксплуатация қилиб, қул қиладиган низом эмас, балки меҳрибон ва билимдон Зот томонидан нозил қилинган раббоний низомдир. Аниқ қилиб айтганда, у бойликни тақсимлаб, уни бир гуруҳ очкўз капиталистлар қўлида тўпланиб қолишига йўл бермайдиган ҳақиқий иқтисодга асосланган Халифалик давлати низомидир. Гарчи Ғарб мусулмонлар давлатларини парчалаб, уларни ҳақиқий иқтисодга асосланмаган давлатчаларга бўлиб юборган бўлса-да, Халифалик давлати ерлар, халқлар ва бойликларни бирлаштиради... Мана шу бирлик соясида бутун мусулмонлар ҳузур ҳаловатда яшайдилар. Улар сув ва тўғонлар баракотларидан баҳраманд бўладилар. Бўлиниш натижасида уларнинг ўртасида келиб чиқадиган муаммолар бўлмайди. Конлар ва нефть каби умумий мулк бўлган улкан бойликлардан Халифалик давлати фуқароси бўлган мусулмон ва ғайримусулмонлар бир хилда фойдаланадилар. Олтин қондасига асосланган пул тизимида валюта барқарорлигидан баҳраманд бўладилар. Судхўрлик, монополия ва булардан бошқа пулнинг кам сонли одамлар қўлида тўпланиб қолишига олиб борадиган ишлар тақиқланади... Бу низом Ислом низоми бўлиб, уни яқинда тикланажак иккинчи рошид Халифалик давлати татбиқ этади ва у башарият тарихининг порлоқ даврига асос солади.

«مَنْ تَكُونُ خِلَافَةً عَلَىٰ مِنْهَا النَّبُوءَةُ»

«... Сўнг Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик бўлади». □

**АМИРЛИКЛАР, САУДИЯ ВА МИСР РАҲНАМОЛИГИДАГИ ЯНГИ
ДИН
АМИРЛИКЛАРНИНГ ИСЛОМНИ ЎЗГАРТИРИШДАГИ РОЛИ (1)
Ҳомид Абдулазиз**

«Янгилаш»нинг тўғри маъноси ҳамда унинг механизм ва қоидалари:

«Диний хитобни янгилаш» мусулмонларни ғарблаштириш тарафдори бўлган ғарбпараст кимсалар истагандек. уни ўзгартириш ёки алмаштиришни асло англатмайди. Аксинча, диний хитобни янгилаш динни муҳофаза қилишдир. Янгилашда ислоҳ қилиш жараёни бўлади, бузиш эмас. Диний хитобни янгилаш шаръий бир талаб бўлиб, қандай амалга оширилиши ҳам белгилаб берилган. Зеро, мусулмонларни динни маҳкам ушлаш ва унга амал қилишга тарғиб қилувчи кўп оятлар мавжуд. Бундан ташқари, шундай ҳадиси шарифлар ҳам борки, уларда динимизни янгилаш, тушуниш ва амал қилишга муҳтож эканлигимиз таъкидланган. Чунки тушунмасдан ёки амал қилмасдан муҳофаза этиш, киши қанча олим бўлмасин, унга фойда бермайди. Шунинг учун мусулмонлар диний хитобларини янгилашга ва диний илмларни ёйишга муҳтождирлар. Айниқса, илм олимларининг вафот топиши билан озайиб кетади. Ўз навбатида, бу оммани саводсизлик ва залолатга нишон қилади, бинобарин, ҳалокатга олиб боради. Ушбу диний хитобни янгилаш ғоясини рўёбга чиқариш учун, энг аввало шубҳа ва ташвиқотлар ҳамда турли хил мишмишларни олдини оладиган амалий қоидаларни жорий қилиш лозим. Токи, бу билан исломий ақиданинг ўзгармас асослари мустаҳкамланиб, диндаги аниқ ҳақиқатларни ўрганиш рўёбга чиқсин.

Диний хитобни янгилаш мақсадига эришишнинг энг муҳим қоидалари қуйидагилардан иборат бўлса, ажаб эмас:

1 – Янгилашга даъват қилиш ваколоти. Аллоҳ Таоло бундай дейди:

﴿وَمَا أَرْسَلْنَا مِنْ قَبْلِكَ إِلَّا رِجَالًا نُوْحِي إِلَيْهِمْ فَسُئِلُوا أَهْلَ الذِّكْرِ إِنْ كُنْتُمْ لَا تَعْلَمُونَ﴾

«(Эй Муҳаммад), Биз сиздан илгари ҳам кишиларни Ўзимиз туширган ваҳи билан (пайғамбар қилиб) юборганмиз. Агар билмайдиган бўлсангизлар, аҳли илмлардан сўранглар!»

[Наҳл 43]

Демак, янгилаш Уммат орасидаги илмда собит бўлганларнинг ҳамда аҳли ҳал ва ақднинг вазифасидир. Илмни даъво қилган ва илмга юзаки ёндашадиган кишиларнинг иши эмас.

2 – Объективлик ва холислик бўлиши лозим. Чунки янгиловчи албатта ҳақиқатни излайдиган ва ҳақиқатга содиқ қолиб, кўр-кўрона тақлиддан узоқ бўлиши шарт.

3 – Усулни ва исломий собит асосларни маҳкам ушлаш.

4 – Инсон ақлининг чекли, қосир, зиддиятли ва яшаб турган муҳитдан таъсирланувчи эканини тан олиш. Чунки инсоний ақл ҳар қанча камолотга етган бўлмасин, камчиликдан холи эмас. Аллоҳнинг Китоби ва Росулининг суннатидан иборат шаръий нусус-матн эса, ақлдан устун туради.

5 – Динни янгилашдан мурод унга кириб қолган нарсалардан уни тозалашдир, унга нарса киритиш эмас. Шунингдек, дин аҳкомларини асос ва собит асосларга биноан тўғри услубда шарҳлашдир.

6 – Диний нусусларни тафсир қилиш ва шарҳлашда араб тили қоидаларига, исломий фикҳ ва унинг қонунларига амал қилиш.

7 – Бирор ишга уни обдан текшириб, чуқур синчковлик билан ўрганмасдан туриб ҳукм чиқармаслик.

Янгилаш иддаоси билан динни ўзгартириш:

Ким исломий фикҳ тарихини ўқиса, шунга гувоҳ бўладики, фикҳ китобларидаги фикҳий масала ва аҳкомлар Росулulloh ﷺнинг замоналарида бўлмаган баъзи инқирозларни ҳал этиш учун битилган. Мужтаҳид янги инқирозларни муолажа қилиш учун шаръий нусуслардан шаръий ҳукми истинбот қилишга куч сарфлар эди. Бироқ Ислом сақофати-таълимоти янги ғарбча тушунчалар билан аралашиб кетгач, ҳолат ўзгарди. Бу ғарбча тушунчаларда сақофатлар ўртасини мослаштиришга чақирилди. Ҳатто динлар ўртасида кенг бағирлик, деган нарса оммалашиб, бу нарса динлар ва ҳазоратлар ўртасида курашиш учун эмас, балки мулоқот қилиш учун бўлди. Бунинг устига, баъзи фуқаҳолар масалаларга «кўпга келган бало» дея, панжа орасидан қарашди ва бу айрим мусулмонларни – субъектив сабабларга кўра – Ғарб ҳазорати ордидан кетишга ундади. Фикрий ва ақлий бегоналашув таълимоти пайдо бўлди. Бу таълимот тез орада мусулмон киши ақлига таъсир қилди ва бундан ғарбга эргашишга, замонавий бўлишга чақирувчи фикрий оқимлар пайдо бўлди. Алалоқибат, қуйидагича динни ўзгартириш, алмаштириш ва ёмон таъвил қилиш кенг ёйилди:

1. Исломни ўз мазмунидан ажратиб, уни сиёсий исломий тузумлигини йўқ қилиш. Исломдан янги замонга лойиқ эмас, дея жиҳодни, шаръий жазони, истинбот қилишнинг барқарор усулини йўқ қилиш. Ақлан топилган манфаатни асосга, кофир Ғарб билан яқин бўлишни ғояга айланттириш.

2. Динлар ўртасини – Ғарб фалсафасига мувофиқ – яқинлаштиришга чақириш, ғайбга тааллуқли айрим ишларни фақат тажрибавий илм назарияси билан шарҳлаш. Бошқача айтган янги бир умуминсоний динни тарғиб қилиш.

3. Ғарблаштириш байроғини кўтариш: бу – бир фикрий ҳаракат бўлиб, ҳаётнинг барча турли-туман соҳасида Ғарбни намуна қилиб олишга асосланди. У ҳижратнинг ўн тўртинчи асри бошларида ғарблаштириш билан бошланди.

4. Ирқчиликка чақириш: Бу ҳаракат ҳижратнинг ўн тўртинчи асри ўрталарида бошланиб, шаръий нусусларни янгича услубда ўқиб ўрганишга ҳамда уларни илмий ва фикрий модернизация ютуқларига мос равишда тафсир қилишга даъват қилди. Бу борада қўлланган услублардан бири, эътибор – қиймат ва мазмундадир, шакл ва сиртда эмас, деган даъво бўлди. Ушбу ҳаракатдагилар хотин-қизларнинг мутлақ эркинлигига ва ифбатидан ажралишга чақиришди. Шунингдек, Исломни сиёсий тизимдан ажратиб, бошқа динлар каби руҳонийлик дини, дейишди. Тушуниш ва истинбот қилишда янги қоидаларни яратишди. Диний турфа хилликка (плюрализмга) ва бировга бағрикенг бўлишга, яъни, мусулмон бўлмаган кишини кофирга чиқармасликка даъват қилишди. Биз Миср оммавий ахборот воситаларида демократияни ёқлашда Ғарб модели ҳозирги замонда эргашиш мумкин бўлган энг яхши моделдир, дейишдан ташқари, ҳатто насронийларни кофир, деганларга қарши ташвиқот олиб борилганига гувоҳ бўлдик.

5. Глобаллашувни қабул қилиш: Шарқий лагер мағлубиятга учраши ордидан йигирманчи асрнинг саксонинчи йиллари охирида АҚШ дунё етакчилигига яқка ҳоким бўлди ва глобаллашувни тарғиб қилди. Яъни, барча халқларни ўзининг фикрий, сақофий ва ахлоқий тизимига киритиб, уларга глобаллашувга рози бўлиш ва қўшилишни, динни унинг доирасида янгилашни буюрди.

6. Динни янгилаш (ўзгартириш)ни куч билан тиқиштириш: Ғарб бу ишда ғарбпараст давлатлар ҳукуматларидан ўз ҳамкорларига пул жиҳатидан саховатпешалик кўрсатди ва таълим дастурларини Ғарб системасига мувофиқ ўзгартириш орқали диний хитобни янгилашга даъват қилди. Минбарлар ва ахборот воситалари хитобини ғарбча қолипга солишга ва банкларда судхўрликка рухсат беришга, хотин-қизлар ва гомосексуализм масаласида чиқарилувчи халқаро қарорларни қабул қилишга, аёл кишининг ўранишини шаръий буйруқ эмас, шахсий эркинлик масаласи, деб ҳисоблаб, унинг либоси шариат томонидан эмас, балки тақлид ва мода томонидан белгиланишига ҳамда эркакнинг оила раҳбарлигини бекор қилишга чақирди. Буларнинг

барчасидан асосий мақсад, Исломни ҳаётдан ажратиш ва мусулмон юртларига илмонийликни олиб киришга қаратилди.

Ушбу динни янгилаш мафкурасини юртларимиздаги учта шарманда режим, яъни, Амирликлар, Саудия ва Миср режимлари мазкур Ғарб тушунчасига мувофиқ қабул қилишди. Бу мафкурани татбиқ қилишди ва татбиқ этилишини назорат қилишди, бу ишнинг охиригача мукамал адо этиш учун бор имкониятларини сарфлашди. Бу ҳаракатлари билан кофир Ғарбни рози қилиш ва унинг мусулмон юртларидаги фикрий, сиёсий ва ҳарбий ҳукмронлигини таъминлаш, бир вақтнинг ўзида, унинг ҳокимият тепасида қолишини кафолатлашни мақсад қилишди.

Амирликларнинг динни ўзгартиришдаги роли:

Бирлашган Араб Амирликлари ҳали бирлашмасидан олдиноқ ўз тупроқларида сиёсий исломий ҳаракатлар пайдо бўлганини англаб етган. Бу – Ислоҳ Жамияти ва Амирликларнинг Мисрдан қайтган талаба фуқаролари таъсис этган Тавжих Ижтимоий ҳаракатлари эди. Лекин ўз иттифоқларини мураккаб бирлашиш асосига қурган Бирлашган Араб Амирликлари кўп ўтмай бу ҳаракатларнинг шундай давом этишини хавfli деб топди. Бироқ бу ёш давлат эҳтимолли курашнинг харажатларини кўтара олмади. Натижада, исломчилар биринчи ва иккинчи ҳукуматларда ўз таъсир ўринларига эга бўлишга муваффақ бўлишди. Бу ҳаракатларнинг энг авжига чиққан вақти Амирликларда биринчи ҳукумат ташкил қилинган вақтга тўғри келади. Ўшанда 1971 йил Ихвонул Муслимин ўзидан битта вазирни қўйишга муваффақ бўлди. У Ислоҳ Жамиятининг ихвончи асосчиларидан бўлган Абдуллоҳ Салмон бўлиб, Уй-жой қурилиш вазири бўлди. 1977 йил Муҳаммад Абдураҳмон Бакр Исломий Адлия ишлари ва Вақфлар вазири бўлди. Ислоҳ Жамиятидан ҳукумат вазирлигига тайинланган ушбу иккинчи вазирнинг номзоди шайх Рошид ибн Саид томонидан кўрсатилди. 1979 йил учинчи ҳукумат ташкил топганда Салмон таълим вазири мансабига, икки йил ўтгач, Амирликлар университети ректори мансабига ўтирди. 1983 йил июлда вазирлар қайта ташкил этилганда ҳам бу икки шахс ўз ўринларида қолди.

Амирликлар давлати ушбу жамоани аста секин нишонга ола бошлади ва ниҳоят биринчи шахс, Муҳаммад ибн Зойид қудратга келди. Британиянинг Амирликлардаги собиқ элчиси сэр Жон Женкинс унга «Амирликлар шахзодаси Муҳаммад ибн Зойид Ихвонул Муслиминни дунёда энг қаттиқ ёмон кўрувчи шахс», дея баҳо берган.

2011 йил бошида Амирликлар мухолафатчилар орасида кенг кўламли қамоққа олиш кампаниясини бошлади. Кейин 2015 йил «2-сонли федерал қонун» чиқарилди. Бу қонун давлатга

кенгайтирилган стандартларга мувофиқ ташкилотларни тарқатиш ва асосчиларини қамоққа олиш ҳуқуқини беради, ушбу стандартларни фақат ҳукуматнинг ўзи ўзгартиришга ҳақли. Бу зўравонлик кампаниясида ўн бешта давлат фуқаролигидан бекор қилиш ҳолати кузатилди ва Адолат ва Инсон ҳуқуқлари халқаро мониторингига кўра, улардан аксари исломчиларни ташкил қилган.

2018 йил июлда Абу Даби Олий Федерал хавфсизлик маҳкамаси «ихвончилар тармоғи» иши бўйича яна 69 нафар исломчиларни ҳукуматни ағдаришга уриниш айблови билан бевосита ва зимдан қамоққа ҳукм қилди. Ушбу айбланувчилардан 30 нафар Миср фуқароси, бир нафар Амирликлар фуқароси уч ойдан беш йилгача озодликдам маҳрум этилди. Икки нафари оқланди. 21 нафари 3000 дирҳам жарима тўлашга ҳукм қилинди. Икки нафар мисрлик маҳкум жазони ўтаб бўлгандан сўнг Амирликлардан чиқариб юборилди. Давлатдаги Ихвонул Муслимин тарқатилди ва расмий идоралари беркитилди, иш жойлари ва уйларида асбоб-ускуна ва турли мосламалари мусодара қилинди.

Амирликлар исломчиларни Зойид авлоди қабул қилган модернизация лойиҳасига тўсқинлик қилаётган ғов, деб ҳисоблашда давом этмоқда. Бу лойиҳа эса, Дубайни маст қилувчи ичимлик ичувчилар ва одам савдогарлари пойтахтига, ўзида фаҳш ва бузуқликка тўла улкан осмонўпар биноларни мужассам этувчи шаҳарга айлантирди. Бу лойиҳа илмонийлик мафкурасини ёйишни ўзининг асосий бурчи деб билган Зойидлар авлодини ҳаракатга келтирувчи асосий омил бўлиб қолмоқда. Бунга Амирликларнинг Вашингтондаги элчиси Юсуф Атибанинг Қатар давлатига қамал жорий қилинишига изоҳ берар экан айтган мана бу баёноти яққол далилдир: «Қатар билан бўлган низо шунчаки дипломатик эмас, фалсафий баҳсдир. Бу баҳс Саудия, Иордания, Миср ва Баҳрайн давлатларининг Яқин Шарқ келажаги бўйича қарашлари билан боғлиқдир... Шубҳасиз, бу уч давлатнинг ўн йилдан кейин Яқин Шарқ ҳукуматларига оид қарашлари илмоний ҳукуматлар, деган қарашдан иборат».

Амирликлар дунёдаги экстремизм ва терроризм учун жавобгарликни исломий ҳаракатлар бўйнига илди ва ҳар ерда уларга қарши уруш олиб борди. Бу билан ҳам кифояланмай, Европа ва АҚШда фаолият қилувчи исломий ташкилотларга қарши тил бириктирди ва у ерлардаги масжидларни «терроризмни тарғиб қилувчи нафрат ва адоват ўчоқлари», деди. Масалан, бағрикенглик масалалари бўйича вазир шайх Наҳён оли Наҳён «Европадаги масжидлар назоратига эътиборсиз қараш у ерлардаги террористик ҳужумларга сабаб бўлди», деди ва Европа давлатларини масжидлар қурилишига лицензия бериш тўғрисида қаттиққўл қонун

қабул қилишга, кўплаб имомларни ишдан ҳайдашга чақирди. Амирликларга махсус имомлар етиштириб, Европага жўнатишни таклиф қилди. Бундан ташқари, Амирликлар шубҳали исломий ташкилотларга раҳнамолик қилди. Сўфилик йўналишидаги «Тоййиба» муассасаси ана шулардан биридир.

Булар Американинг исломий терроризмга қарши кураш стратегиясига жавобан бўлмоқда. Альтернатива ислом яратишга қаратилган ушбу стратегияга илмонийлар, либераллар, мўътадил исломчилар, шу жумладан сўфилар етакчилик қилмоқда. Масалан, Амирликларда Ҳабиб Али Жифри сингари сўфи маърифатпарвари ҳамда рационализм ва исломий инсонпарварлаштириш тарафдорлари бўлган Аднон Иброҳим каби фигуралар фаолият қилмоқда. Ўлган Муҳаммад Шаҳрур ҳам шулардан бири эди. Ҳаммасидан ҳам ёмони, Бирмада буддистлар мусулмонларга қарши даҳшатли жиноятлар содир этаётган бир пайтда, Амирликларда буддист ибодатхонасининг очилгани бўлди.

Амирликларнинг Ислом Умматига қарши тил бириктируви фақат молиялаштириш, режалаштириш ва дипломатик алоқалар ўрнатишга чекланмади, балки тўғридан-тўғри жанговар аралашувгача етиб борди. Ҳисоботлардан аён бўлишича, Амирликлар Франциянинг Мали ва Марказий Африкадаги мусулмонларга қарши содир этаётган қирғин ва геноцид операцияларида ҳам қатнашган. Буни Франциянинг собиқ президенти Франсуа Олланд эътироф этган. У француз аскарларининг Малидаги исломчиларга қарши аралашувларида Амирликлар шаҳзодасининг ёрдам кўрсатганини таъкидлаган. Амирликлар, шунингдек, Францияга Марказий Африкадаги ҳокимият тепасига исломчиларнинг келганидан хавотирланаётганини ва уларни ҳокимиятдан тушириш операцияларида керакли молиявий кўмак кўрсатишга тайёр эканини билдирди. Бунинг боиси, у исломчиларни исломий жиҳодчи оқимларга ақидавий жиҳатдан яқин, деб ҳисоблайди. Шу сабабли, Франциянинг аралашуви билан Марказий Африка мусулмонларига қарши жирканчли қатлиомлар содир этилди, буни француз кучлари қўллаб-қувватлови остида масиҳий кучлар содир этишди. Бундан ташқари, Амирликларнинг қонли тарихи Афғонистон ва Покистонда салибчи мустамлакачилар лойиҳасига хизмат қилиш учун қатор ҳарбий аралашувларга ҳам бой. Шу боис, АҚШ Марказий Разведка Бошқармасининг собиқ директори Дэвид Петреус «Амирликлар Афғонистондаги узоқ йиллик тарихи мобайнида радикал исломчиларни йўқ қилиш бўйича энг иқтидорли давлат бўлди», деди.

Амирликларнинг Вашингтондаги элчиси Юсуф Атибанинг почтасидан хакерлар қароқчилиги орқали олинган хабарлардан бирида Атиба «Нью-Йорк Таймс» газетаси мухбири Томас Фридманга бундай сўзларни ёзган: «Абу-Даби ваҳҳобийлик сабабли икки юз йил саудияликларга қарши кураш олиб борди. Бизнинг саудияликлар билан қора тарихимиз бошқа давлатларга қараганда кўпроқ. Бироқ Муҳаммад ибн Салмон келгач, Саудияда реал ўзгариш кўряпмиз ва бундан қувоняпмиз. Ниҳоят, умидни кўра бошладик. Энди муваффақиятини ҳам кўришимиз керак».

Амирликларнинг сиёсий Исломга қарши курашда фойдаланаётган воситалари:

1 – «Чегарабилмас мўминлар» муассасаси:

2013 йил май ойидаги Миср ҳарбий инқилобида Амирликларнинг ёрдами билан «Чегарабилмас мўминлар» тадқиқот муассасаси тузилди. Қароргоҳи Марокашда жойлашган бу муассасанинг бош менеджерлик лавозимини суриялик Муҳаммад Оний эгаллаган. Муассаса Қоҳира ва Уммонда филиалларига эга. Унинг бош директори иорданиялик доктор Аҳмад Файзидир. Араб ва ажнабийлар дохил тадқиқотчилар ва ёзувчилар ишлайдиган ушбу муассасадан учта журнал нашр қилинади:

- «Боб» номли ҳар чоракда чоп этиладиган дин, сиёсат ва ахлоқ қоидалари бўйича журнал;
- «Ятафаккарун» номли ҳар чоракда чоп этиладиган фикрий ва маърифий журнал;
- «Зават» номли араб электрон маърифий журнали.

«Чегарабилмас мўминлар» муассасаси диннинг «умумбашарийлигини» даъво қилиб, исломий ҳаракатлар мафкурасига қарши курашни ўз олдига мақсад қилган. Бу муассаса асосий эътиборини минтақадаги умумий маърифий онгни барқарорлаштириш тизимини ўрганишга қаратади. Амалий жиҳатдан муассаса «арабий ва исломий юртлардаги маърифий, фикрий ва ижтимоий ҳодисаларга оид назарий хулосаларни исломий сиёсий ҳаракатларга қарши амалий жиҳатдан қўллаш билан синовдан ўтказиш»га ҳаракат қилади. Шунингдек, «барча ғояларни объектив кўриб чиқиш, инсоннинг ўз ҳақиқати ва ҳаётига бўлган қизиқишини амалга оширадиган ушбу ғояни қабул қилиш жараёнида» очиқ танқид қилиш усулларини қўллайди. Муассасанинг расмий веб-сайтида кўрсатилганидек, ўз олдига қуйидагиларни мақсад қилиб қўйган:

- Ёпиқ ва салбий кўринишдаги мафкура ва маърифатнинг асосларини, фикрий базаларини йўқ қилиш;

– Илмий, маърифий ва рационал асосга қурилган ижтимоий, интеллектуал ва диний тадқиқотлар ва таълимларни қўллаб-қувватлаш;

– Маданий ва диний янгиланиш ҳамда ислоҳ қилиш масалалари бўйича илмий изланишлар олиб боришга қодир илмий қобилият соҳибларини ва тадқиқотчи кадрларни чуқур ва хушёр ҳолда шакллантириш;

– Манфаат ва фаолиятлари муассасанинг миссияси билан кесишадиган тадқиқотчилар, муфаккирлар ва муассасаларни қўллаб-қувватлаш;

– Янгилаш билан астойдил шуғулланаётган оқимлар овозини турли ижтимоий қатламларга етказиш.

Бу муассаса маърифий тасаввурга қодир, деб ҳисоблаган шахсларнинг фикрларини такомиллаштиришга ҳаракат қилади. «Ҳокимият» китоби муаллифи суданлик Муҳаммад Абул Қосим Ҳожимуҳаммад, Тавротдаги ғояларни Қуръони Каримга олиб кириш устида ишлаган яҳудий Барух Эспиноза ва Муҳаммад Шаҳрур ана шу шахслар жумласидан. Муассаса Наср Ҳомид Абу Зайднинг ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари баҳс-мунозараларга сабаб бўлган ёзувларини ҳам қайта тиклади.

«Чегарабилмас мўминлар» муассасаси, шунингдек, қуруқ исломий маърифатнинг ўзидан таълим беришни илгари суриш билан танилган Абдулмажид Шарафий ҳамда турли шрифтларда ёзиш билан шуғулланувчи Ризвон Саид каби қалам аҳлларини ҳам қўллаб-қувватлайди. Ушбу ливанлик Ризвон Саид исломий жамиятларда фуқаровий тинчликни тарғиб қилиш форумида қанташган бўлиб, у «хоҳ Ихвонул Муслимин бўлсин, хоҳ Салафийлик оқими бўлсин, хоҳ Вилояти фақиҳ даъватчилари бўлсин, барча исломий ҳаракатлар тажрибаси даҳшатли муваффақиятсизликка учради», деган гапни кўп марта такрорлаган. У шунингдек – Мисрдаги Азҳар, Тунисдаги Зайтуна, Марокашдаги Қоравийин каби анъанавий диний университетларни ва Саудиядаги диний муассасани реабилитация қилиб, исломчилар ва диктатор тузумлар таъсиридан сақлаб қолган ҳолда, ўз ролларини давом эттиришларига ёрдам бериш керак, деган гапни бир неча учрашувларда такрорлаган.

2 – Оммавий ахборот муассасаси:

Абу-Даби 2019 йил Рамазон мавсуми учун энг машҳур икки сўфи, Ҳаллож ва Ибн Арабийнинг таржимаи ҳолини намойиш этувчи тарихий сериал намойиш қилди. Ҳаллож ҳақидаги «Ошиқ ... хизматкор кураши» ва Ибн Арабий ҳақидаги «Ишқ мақомлари» номли ушбу икки асар орқали нима учун Амирликлар айнан шундай шахсларни кўтариб чиқмоқда, деган табиий савол туғилади. Бунинг

жавоби ҳам табиий ва ҳеч кимга сир эмас: Амирликлар ёш авлодга шундай бир исломий намуна тақдим қилмоқчики, у Ибн Таймия, Изз ибн Абдуссалом каби мужоҳидлар оламидан узоқ намуна бўлсин.

Амирликлар, шунингдек, Ислом динини ёмонотлиқ қилишга ва Европадаги мусулмонлар диаспораси фаолиятини қоралашга қаратилган янги веб-сайт очди. Сайтнинг номи «المجهر الأوروبي لقضايا الشرق الأوسط» (Яқин Шарқ муаммоларига Европанинг назари), деб аталади. Унинг фаолиятини бевосита Рошид Наимий идора қилади. Бу кимса эса, Амирликлар давлат хавфсизлик ва разведкаси ходими ва Абу-Даби шахзодаси Муҳаммад ибн Зойидга яқин фигуралардан биридир. Сайт ўз фаолиятида саудиялик Комил Хаттийга таянади. Бу кимса ваҳҳобий бўлмаган исломий жамоаларга душманона позицияси ҳамда Европадаги мусулмонлар диаспораси фаолиятига яширин ва ошкора ҳужумлари билан танилган.

Сайт муҳаррирлиги билан Сара Бжушкевич деб аталган италиялик ёзувчи хотин шуғулланади. Миландаги «муқаддас юрак» номли католик университетининг аспиранти, деб таништирган Сара Вашингтон университетига экстремизм дастури бўйича тадқиқотчи сифатида тақлиф қилиниб, фаолият олиб борган. Сайтга ажратилган бюджет йилига бир миллион уч юз минг евродан ошади. Амирликлар Европадаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш ва рақибларининг ҳар қандай ҳаракатларига қарши курашиш ҳамда исломий сиёсий ташкилотларини бузиб кўрсатишда асосан мана шу сайтдан фойдаланади.

3 – Билимларни Фарб модели бўйича қайта шакллантириш:

Амирликлар ҳукмдорлари хоҳ ўз мамлакатлари ичкарасида бўлсин, хоҳ ташқарисида, барча инсонлар имон келтирган нарсалар билан тўқнашувчи билим моделини ўрнатишга интилишяпти. Ушбу билим модели фикрлар, кадриятлар, тузумлар ва тарихий пешволарни ўз ичига олади. Бу мамлакат тадқиқот марказлари, нашриётлар ва ток-шоулар воситасида ва бир гуруҳ муфаккирлар ёрдамида диний хитобни янгилашга ва исломий тафаккур биносини қайта қуришга ҳисса қўшяпти. Наср Ҳомид Абу Зайд, Муҳаммад Аркун, Босим Юсуф, Аднон Иброҳим кабилар ана шу муфаккирлар жумласидандир. Амирликлар томонидан ёлланганлар орасида америкалик Ҳамза Юсуф (Ҳансон)ни ҳам кўриш мумкин. Дарҳақиқат, Оқ уй бу кимсани 2001 йил 11 сентябр ҳодисасидан сўнг Ислом олами билан бўлган муносабатлар бўйича маслаҳатчи қилиб тайинлади. Ҳамза бир неча араб давлатларида билим олди ва нақшбандийлик тариқатини танлади. Ҳафсала билан

Кипрга бориб нақшбандийлик тариқати раҳбари Нозим Ҳаққонийни зиёрат қилди. Шайх Абдуллоҳ ибн Байя билан ҳам яхши алоқа ўрнатди ва Америкадаги танишларига Шайхга ёрдам беришни тайинлади.

4 – Тоба муассасаси:

Бу муассасанинг таъсис этилгани жуда эрта, 2005 йилда эълон қилинди. Ўша пайтда тарғиботчи Али Жифрининг юлдузи порлаган пайт эди. Асли Ҳазрамавддан бўлган ва Ямандаги кўҳна сўфилик мадрасасини тамомлаган шайх Жифрига Амирлик томонидан йирик маблағ тўкиб берилди. Бу маблағ билан Жифри ўз алоқалари доирасини кенгайтирди ва муассасага Ислом оламида эътиборли ва вазнга эга шахсларни жалб қилишга муваффақ бўлди. Муассасанинг маслаҳат ҳайъатида доктор Муҳаммад Саид Бутий, шайх Абдуллоҳ ибн Байя ҳам бор. Муассаса бир нечта нашриётлар бино қилди, улардан асосийлари Абу-Дабидаги Дори Фақиҳ, Вобил Сайб ва Қоҳирадаги Дори Муқаттам нашриётларидир. Бундан ташқари, муассаса Мисрда кўплаб тарғибот дастурлари ишлаб чиқди. Бу нарса уни Азҳар университетидаги айрим обрўли шайхлар билан, айниқса, собиқ Муфтий Али Жума билан мустаҳкам алоқа ўрнатишга ундади. Амирликлар Али Жума орқали Азҳарда ўзининг бир нечта лойиҳаларини амалга оширди ва унга йирик миқдорда хайр-эҳсон берди.

Шуниси ҳам кўпчиликка маълумки, Жифри Сурия халқини систематик равишда қирғин қилиб, қочқинга айлантираётган Башар Асад режимини ҳам қўллаб-қувватлайди. У 2011 йил 24 сентябрда Қоҳирада бўлиб ўтган «Ислохотнинг асл йўли сўфиликдир» номли конференцияда иштирок этиб, Башарнинг режасига ёрдам берди. Конференцияда Тоба муассасаси пешволари ҳам иштирок этишди ва ҳозир бўлганлар Сурияда содир бўлаётган ишлар кўзғолон эмас фитна, дейишди. Бундан, масала шахснинг хатоси эмас, балки бутун сўфилар позицияси экани кўриниб турибди!!

Бундан бизга аён бўлмоқдаки, сўфилик оқими энди ҳақиқатни излайдиган ва нафсни Аллоҳга қуллик қилиш билан тарбиялайдиган диний оқим бўлмай қолди. Балки у ўзини сиёсат майдонига отадиган ва сиёсий кўламдаги маълум режаларни бажарадиган, асосан, ҳукмдорга ёрдам бериб, унга итоат қилишга чақирадиган жамоаларга айланиб қолди.

Араб баҳори ҳамда Амирликларнинг Азҳарни чангалда қаттиқ ушлаб туриши:

Азҳардаги мулозимлар Азҳардаги бирор мансаб курсисига ўтириш учун албатта Ҳусни Муборак режими ва унинг Миллий Демократик партиясини рози қилишлари шарт бўлганини барчамиз

яхши биламиз. Ҳеч ким унутгани йўқ, Ҳусни Муборак Аҳмад Тоййибни Азҳар шайхи лавозимига тайинлаган пайтда бу кимса унинг Миллий Демократик партиясининг сиёсий ишлар қўмитасига аъзо эди... У Азҳар шайхи бўлиш учун партиядан чиқиши керак эди, аммо то Муборак Германияда муолажа олиб қайтгандан кейин ундан партиядан чиқишга рухсат олмагунича партиядан чиқишга рози бўлмаган. Аини шу нарса «25-январ инқилоби кучлари»ни ғазаблантирди. Улар Аҳмад Тоййибни бу мансабда қолишига норози бўлиб, уни ҳам Муборак режими гумашталаридан бири деб эътибор қиладиган бўлишди.

Афтдан, Аҳмад Тоййибнинг ушбу тарқатилган партиянинг сиёсий ишлар қўмитаси билан боғлиқлиги ва «25-январ инқилоби кучлари» томонидан қораланаётгани Азҳар шайхларини ҳукумат партиясига мойил бўлиб, уни қўллаб-қувватлайдиган бирор сиёсий томонни қидиришга ундаган кўринади. Мана шу ерда Амирликлар Азҳар шайхларига ёрдам қўлини чўзди ва уларни ўз истаклари томонга тортди. Амирликларнинг ўз лойиҳаси бўйича мусулмонлар қўзғолонига зарба беришда Азҳардан олдинги линия кучлари сифатида фойдалангани намоён бўлди. Бу иш икки лойиҳа бўйича амалга ошди:

Биринчи лойиҳа: Азҳар хитобини қайта кўриб чиқиш ва қарорларини назорат қилиш, Азҳар университетининг илмий минбарларини текшириб бориш билан шуғулланувчи Азҳар рисоласи бўлимини тузиш. Бўлимга Али Жуманинг яқин шогирди ва Али Жифри билан тўғридан-тўғри алоқа қилувчи кимсалардан бири Усома Азҳарий раҳбар этиб тайинланди. Бу Усома Сисий амалга оширган инқилобдан сўнг Республика президентининг дин ишлари бўйича маслаҳатчиси лавозимига ўтирди ҳамда Азҳардаги бошқа фигураларга нисбатан ёши кичик ва тажрибасиз бўлганига қарамай, ҳозиргача шу лавозимни эгаллаб келяпти. Амирликларнинг Азҳарни ўз чангалида қаттиқ ушлаб туришда ишонган кишиларидан бири мана шу Усома бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Амирликлар бу ишни ўзининг у ердаги нуфузига таҳдид соладиган ҳар қандай мулозимни бўшатиш, ҳатто унинг ҳукмронлиги доирасидан чиқишга уринган шахс Азҳар шайхи бўлса ҳам уни тийиб қўйиш орқали амалга оширади. Бу каби ишга Миср матбуоти гувоҳ. Ўшанда Азҳар шайхи Аҳмад Тоййиб Сисийнинг оғзаки талоқ беришни тақиқлаш тўғрисида фатво чиқариш талабига рози бўлмаганда мана шу Усома унга қарши шиддатли ҳужум қилган эди.

Иккинчи лойиҳа: Азҳари шариф битирувчиларининг бутунжаҳон лигасини иншо этиш. Кейинчалик бу Азҳари Шариф битирувчиларининг Бутунжаҳон Ассоциациясига айланди. Азҳар

шайхи раҳбарлиги остидаги бундай ташкилотни таъсис этишдан мақсад айна даргоҳни битириб чиққанларни, айниқса, хорижлик талабаларни жалб қилиш ва уларни Амирликлар тарғиб қилаётган диний хитоб билан озуқалантириш, исломий ҳаракатларга мойил бўлишларини олдини олиб, бу ҳаракатларни ёмонотлиқ қилиш. Ассоциация кўплаб хорижий саёҳатлар ва молиявий мукофотлар орқали Азҳар уламолари диққатини жалб қилди, турли мусулмон юртларида ўз филиалларини очди. Ассоциациянинг дастурини ўрганган киши унинг терроризм ва экстремизмга қарши кураш ниқоби остида сиёсий Исломга қарши курашувчи Ассоциация эканига гувоҳ бўлади.

Булардан ташқари, иккинчи лойиҳада «Азҳарий» каби турли фазовий телеканаллар ва нашриётлар, тадқиқот марказларини очиш ҳам бор. Улардан асосийлари «Макнизул исломий» жамияти ва Али Жумага яқин кишилардан бўлган Ашраф Саъд Азҳарий мутасаддилик қиладиган «Фулк» жамияти бўлиб, бу жамият Амирликлардан ёғиладиган маблағлар ёрдамида ҳам талабалар, ҳам устозларни жалб қилиш билан шуғулланади.

Грознийда бўлиб ўтган аҳли сунна вал жамоа конференцияси ҳамда Мусулмон Оқсоқоллари кенгаши:

Жамоатчилик ўнгида Саудия-Амирликлар иттифоқи хусусиятлари намоён бўлиб, Муҳаммад ибн Салмон Муҳаммад ибн Зойиднинг таъсири ва нуфузи остига тушди. Афтидан, шунинг оқибати ўлароқ, салафийлар хитоби ҳам бир мунча қисқартирилган кўринади. Фақат «мадҳалий салафийлар» бундан мустасно. Чунки уларга айрим низо ўчоқларида ҳамон эҳтиёж мавжуд. Масалан, Ҳафтарнинг жанговар лойиҳасини қўллаш учун Ливияда мадҳалийлардан фойдаланилаётгани каби. Саудия билан Амирликлар ўртасидаги бу яқинлашув Амирликларни ўз лойиҳасини илгари суришга ундади. Буни у Грознийда бўлиб ўтган аҳли сунна вал жамоа ва мусулмон уламолари конференцияси орқали амалга оширди. Бу конференция салафийликни четга чиқариш ва исломий ҳаракатларга ҳужум қилиш учун яхши имконият бўлди. Бу йўлдан, шунингдек, Тунисдаги Зуйтуна ва Ямандаги Ҳазрамия каби исломий ўқув даргоҳларига кириб бориш учун тўйнуқ очиш мақсад қилинди. Шу орқали бу даргоҳлардан Азҳар ёнида туриб, шахслар жалб қилиш ва уларни айна йўналиш сари сафарбар қилишда фойдаланилди.

Ушбу конференциянинг ўтказилишига мазҳабпарастлик асос бўлган эса-да, бироқ унинг хулосаларидан бири Мусулмон Оқсоқоллари кенгашини тузиш бўлди. Азҳар шайхи Аҳмад Тоййиб раҳбарлигидаги ушбу кенгаш Амирликларнинг минтақадаги

сиёсатига диний ниқоб кийдириш ва унга тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилди.

Амирликлар лойиҳасидаги диний хитоб:

Амирликларнинг диний муассасаларни, асосан Азҳарни назорат остига олиш ва улардан ўзининг сиёсатини ўтказиб, унга тарғиб этишда фойдаланишга қаратилган ушбу лойиҳаси араб баҳоридан сўнг авжига чиққан исломчиларнинг ривожланишига реакция ҳисобланади. Зотан, Амирликларда бирор исломий лойиҳа мавжуд, деб билиш ғирт калтабинликдир. Ушбу лойиҳа хитоби ва дастурига назар ташлаган киши уларда қуйидагиларга диққат қаратилганини гувоҳи бўлади:

1 – Терроризм ва экстремизм масаласини кўтариб, шу орқали сиёсий Ислом жамоаларини айна терроризм ва экстремизмга жавобгар қилиш. Бу Азҳар битирувчиларининг бутунжаҳон лигаси дастурида ҳам, мусулмон жамиятларда тинчликни мустаҳкамлаш конференцияси дастурида ҳам яққол кўриниб турибди. Зеро, ҳар йили Абу-Дабида бўлиб ўтадиган ушбу конференция исломий ҳаракатларни беқарорлик келтириб чиқарадиган ва жамиятларни бузадиган ҳаракатлар қилиб кўрсатишга қаратилган.

2 – Руҳоний сўфилик хитобини кўкларга кўтариб, уни амалий мазмундан узиш ҳамда Ислом динини фақат банда билан Роббиси ўртасидаги алоқа сифатида талқин қилиш, унинг ҳаётга, хусусан сиёсий ҳаётга бўлган алоқасини яшириш.

3 – Жамият онгида шариат уламолари руҳий ва ваъз-насиҳат жиҳатига чекланган, деган тасаввурни яратиш ҳамда уларнинг ақллари билан бошқа дин арбоблари ақлларини таққослаш орқали Ислом динига роҳиблик тусини бериш. Бунга Абу-Дабида бўлиб ўтган Азҳар шайхи билан Ватикан папаси иштирокидаги «инсоний биродарлик» учрашуви яққол далил бўлса керак.

4 – Ислом шариатига қарши курашаётган шубҳали маърифий ва илмий оқимлардан – «янгилашиш» ниқоби остида – кўз юмиш, баъзида, айниқса сиёсий масалада уларни оқлаш. Ушбу оқимлар ҳам, юқорида айтганимиз «Чегарабилмас мўминлар» ташкилоти ҳам Амирликлар томонидан қўллаб-қувватланади.

5 – Амирликлар, Саудия ва Миср режимлари зўр бериб ҳаракат қилаётган сионист вужуд билан муносабатларни нормаллаштириш сиёсатини пардалаш ҳамда фатволар ва сохта назариялар орқали сиёсий деспотизм (мустабидлик) билан шуғулланиш.

6 – Амирликларнинг диний хитобни янгилаш номи остида Азҳар томонидан ўтказилаётган конференцияларда фаол иштирок этиши. Дарҳақиқат, Амирликлар жорий йил бошида Азҳар конференциясида иштирок этиб, унда Амирликлардаги Вақфлар бош идораси раиси доктор Муҳаммад Матар Каъбий имон, Ислом,

ватанга муҳаббат, жиҳод, маъруфга буюриб, мункардан қайтаришнинг аслида қандай бўлиши ҳақидаги ёшлар тушунчасини тўғрилашга чақирди ҳамда уларга муртадлик тушунчасини аниқ ва тўлиқ изоҳлаб бериш кераклигини таъкидлади. У «Террористларнинг нусусларни нотўғри талқин қилиб, бошқа маъно бериб, оқимидан ўзгартиришларига йўл қўймаслик керак», деди. Диний Академик институтларнинг исломий фикрни янгилашдаги роли номли йиғинда бундай сўзларни айтди: «Террористик жамоалар нусусларни ёшларга хато тафсир қилишлари ҳамда уларни зўравонликка ва дин номи билан қотилликка тарғиб қилишлари сабабли Ислом бошқаларга адоватли, инсоният ҳазоратини бузувчи, муҳолифларнинг қонига чанқоқ дин деб кўриладиган бўлиб қолди. Бу жамоалар ватанпарварликни ҳам тан олишмайди, оламни Ислом диёрига ва куфр диёрига бўлишади».

7 – Саҳиҳи Бухорийга ҳужум қилиш. Амирликлардан фанлар академиги Муза Ҳаббош исми аёл уни «қолоқ китоб», деб атаб, «биз ўзимизни 1400 йил аввалги китобларга асир қилмаслигимиз керак», деди. Буни Бағрикенглик бўйича вазир Наҳён ибн Муборак оли Наҳённинг иштирокида айтди. Бу аёлдан илгари Амирликлар фуқаролигига эга бўлган Васим Юсуф исми бир даъватчи Бухорийга ҳам, Росулulloҳнинг Суннатларига ҳам мутлақо имон келтирмаслигини, фақат Қуръони Каримгагина имон келтирганини айтиб чиққан эди.

Мусулмонлар фаолиятини таъқиб қилиб, уларни тазйиқ остига олиш, Амирликлардаги мавжуд бошқа динларга бағрикенглик қилиш:

Яқинда Вашингтон Пост газетасидаги бир мақолада бундай дейилди: «Амирликлар давлатининг Исломни назорат остига олиши юрт мусулмонларининг кундалик ҳаётларига чуқурроқ кириб бормоқда. Чунки ҳукумат барча имом-хатибларни танлаш ва аккредитация қилиш билан шуғулланиб, уларга ҳафталик жума намози хутбалари бўйича кўрсатмалар бермоқда. Ҳатто норасмий равишда исломий таълим олиш учун ҳам ҳукумат томонидан рухсат олиш керак бўлмоқда». Газетага кўра, «Айниқса 2011 йилдаги араб баҳори қўзғолони ортидан, Амирликлар исломий ҳаракатларга ўзининг сиёсий тизими ва миллий хавфсизлиги учун асосий таҳдид, деб қарайди». Вашингтон Постда таъкидланишича, Амирликлар насронийларнинг ва ҳиндуларнинг катта байрамларини, хитойларнинг янги йилларини нишонлашларига ҳамда Исломдан бошқа диндорларнинг ўз тарғибот ва даъватларини ёйишларига рухсат берган.

Амирликларнинг яҳудий вужуди билан муносабати:

Яҳудий вужуди ўзини минтақада мақбул табиий давлат сифатида кўрадиган кунни орзиқиб кутмоқда. Мудом, Ислом аҳкомлари ва фикрлари Уммат қалби тўридан жой олган экан, демак, бу вужуднинг айна орзуси осонликча ушалмайди. Чунки бу аҳком ва фикрлар Умматга бу саратон касаллиги ҳисобланган вужуднинг юртларимизда, ҳатто муқаддас даргоҳларимизда ҳам мавжуд бўлишига ҳаргиз рози бўлмасликка буюрган. Шу боис яҳудийларнинг айна орзулари ушалиши учун албатта Исломни ўзгартириш ва муслмонларни воқеликка таслим бўлишга кўндириш шарт. Айнан мана шу шартни жорий қилиш учун муслмон юртларидаги малай ҳукмдорлар, асосан, Сисий режими билан Амирликлар режими, яқинда уларга қўшилган Ибн Салмон режими саъй-ҳаракат қилмоқда.

Дарвоқе, Амирликлар давлати билан сионистлар ўртасидаги муносабат яқин ҳамкорлик даражасига етди ва алалоқибат, Муҳаммад Даҳлон Амирликлар шаҳзодаси Муҳаммад ибн Зойиднинг хавфсизлик маслаҳатчисига айланди. Бу Даҳлон эса, сионистлар фойдасига жосуслик қилганликда айбланган фаластинлик кимсадир. Шу билан бирга, у кимса Ғазо сектори ичкарасида қамоқхоналар очиш ва Ҳамас ҳаракати фаолларини қамоққа олиб, йўқ қилиш, «Исроил» фойдасига жосуслик қилиш каби сифатлари билан ҳам танилган кимсадир.

Сўнги пайтларда яҳудий вужуди билан Амирликлар режими ўртасида дўстлик очиқ-ойдин намоён бўла бошлади. Икки давлат ўртасида иқтисодий ва маданият соҳаларда ҳамкорликни мустаҳкамлаш учун яширин учрашувлар бўлишига қўшимча, Амирликлар режими яҳудий вужудининг бир неча расмийларини ошқора қабул қилди. Яҳудий вужудининг ташқи ишлар вазири, ўзининг ашаддий ирқчилиги билан танилган Исраэль Кац 2019 йил июнда Амирликларда бўлиб ўтган БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конференциясида қатнашди. Бундан ташқари, Маданият ва спорт вазири ашаддий миллатчи хотин Мири Регев 2018 йил октябрда халқаро дзюдо турнирида «Исроил» жамоасига ҳамроҳлик қилди. Шу билан бирга, босқинчиларнинг собиқ Бош штаби бошлиғи генерал-лейтенант Гади Айзенкотнинг 2018 йил ноябрда Амирликларга яширин сафар қилгани бутун оммавий ахборот воситаларида хабар қилинди.

Муносабатларни нормаллаштириш ҳаво майдонига қадар ривожланди. Бу ривожланиш портларни идора қилиш бўйича дунёдаги бешта энг йирик портларни бошқариш компаниясининг бири саналган ва ҳукуматга қарашли бўлган «Dubai Ports World» авиакомпанияси самолётларидан бирининг «Тель-Авив»даги «Бен-Гурион» аэропортига бир неча марта қўнганидан кейин бошланди.

Мазкур компанияни яҳудий вужуди билан савдо алоқалари боғлаб туради. Уларнинг энг асосийси «Исроил»нинг юк ташиш компанияси саналган «Zim Shipping Company» томонидан жалб қилинган қўшма инвестициядир. Бундан ташқари «Zim Shipping Company» компанияси машъум «накба куни»дан бери яҳудий вужуди томонидан Фаластин халқига қарши содир этилаётган қатор жиноятларга бевосита алоқадор. «Dubai Ports World» авиакомпанияси яҳудий вужуди билан савдо алоқаларини мустаҳкамлашга жиддий эътибор бериб келмоқда. Шу боис, унинг ижройи директори султон Аҳмад ибн Салим айна ҳамкорликни мустаҳкамлаш йўлларини муҳокама қилиш учун 2019 йил августда «Тель-Авив»га сафар қилди.

Амирликларнинг яҳудий вужуди билан муносабатлари ҳукумат раҳнамолигидаги савдо алоқаларини нормаллаштириш билан тўхтагани йўқ. Балки хавфсизлик даражасига кўтарилди. «Bloomberg» телеканали хабарига кўра, Амирликларда «Исроил» компанияси «исроиллик» муҳандислар учун 6 миллиард долларлик хавфсизлик инфратузилмаси лойиҳасини ишлаб чиққан. Форс Кўрфази давлатларидаги айрим авторитар режимлари билан яҳудий вужуди ўртасида имзоланган ҳарбий ва хавфсизлик шартномалари очиқланмай қолаётган бир пайтда, яқинда «Гаарец» газетаси Амирликлар билан «Исроил» ўртасида ҳарбий ва хавфсизлик шартномаси имзоланганини хабар берди. Унга кўра, Амирликлар «Исроил»дан қиймати 846 миллион долларлик ривожланган «Исроил» разведка самолётини сотиб олди.

Амирликлар яҳудий вужуди билан ҳарбий ҳаво машқларида ҳам елкама-елка туриб иштирок этди. Биринчи машқ «Red flag» номи остида АҚШда бўлиб ўтди. Унда АҚШ қўшинлари қаторида Покистон ва Испания қўшинлари қатнашди. Иккинчи машқ Грециянинг ҳарбий ҳаво базасида ўтказилди...

Юқорида айтиб ўтганларимизнинг барчаси Амирликларнинг «Исроил» билан муносабатларни нормаллаштиришни 2020 йил 13 августда расман эълон қилишига муқаддима бўлди. Бу билан барча ҳаром ишлардан очиқчасига ошиб ўтилди. □

АСР ЛОЙИҲАСИ
«БИТТА КАМАР, БИТТА ЙЎЛ»

Набил Абдулкарим (Абу Мусъаб)

Ипак йўлини Ғарб ва Шарқ ўртасидаги иккита нуқтани бирлаштирувчи оддий йўл сифатида тасаввур қилмаслик керак. Бу йўл фақат Ғарб билан Хитой савдогарларини боғлабгина қолмади, балки турли халқларнинг ҳудудларини ҳам босиб ўтди. Бошқача айтганда, бу йўл яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам у орқали ўтадиган алоқа тармоғи бўлган. Ипак йўли бўйлаб нафақат товар ва ҳайвонлар ташилган, балки бу йўл орқали турли хил маданиятлар, динлар, урф-одатлар ва касалликлар тарқалган. Бир сўз билан айтганда, бир жойдан бошқа жойга кўчирилиши ёки бошқа халқларга етказилиши мумкин бўлган барча нарсалар Ипак йўли орқали етказилган. Шундай қилиб, Ипак йўли давлатлар ўртасидаги ўзига хос йўлак вазифасини ўтаб, у орқали Африка соҳилларига ва Европадаги Ўрта ер денгизи қирғоқларига ҳамма нарса етиб борган.

Ипак йўли тарихда Хан ва Тан сулоласи даврида Хитойнинг қадимги пойтахти Чанъандан бошланиб, Марказий Осиё ва Яқин Шарқ орқали Европача чўзилади. Бошида, (милоддан аввалги иккинчи асрдан ўн олтинчи асрига қадар) бу йўл тижорат учун фойдаланилган. У орқали Хитой товарлари, асосан унинг ипаги олиб ўтилган. Шунинг учун уни Ипак йўли, дейилган ва Хитой ҳазоратини жаҳондаги бошқа ҳазоратлар билан боғлаб турган. Шу сабабдан Ипак йўли – одамлар сақофат ва маданиятлари билан ўзаро мулоқот қиладиган йўлак бўлган.

Хитой бир ўзи ипак қурти саноати билан шўҳрат қозониб, илк бор 4500 йил муқаддам ипак ип етиштиришни бошлади. Ипак ишлаб чиқариш узоқ вақтгача сир сақланиб келди ва у Хитойнинг монополияси бўлиб қолди. Айни сирни ошкор қилган одам ўлимга маҳкум эди. Катта давлатлар ўша пайтда бу саноат сирини билишолмади, фақат Хитой уни пухта ўзлаштириб олганидан 3000 йил ўтибгина билишди. Ўша пайтда Хитой айни саноатнинг монополия тахтини эгаллаб, ундан фақат ўзи фойдаланди. У пайтда ипак Хитой империясининг муқаддас удуми ва тарихининг ажралмас қисми саналган. Ҳатто баъзи даврда ипак одамлар ўртасида айирбошланувчи валюта вазифасини ҳам ўтаган.

Ипак йўли А нуқтадан Б нуқтагача бўлган битта йўл эмас эди. Аксинча, у турли миллат ва элатларни босиб ўтадиган йўл бўлиб, турли хил тармоқ-йўналишларни ўзида жамлар эди. Масалан унинг битта йўналиши жанубдан Афғонистон ва Ўзбекистонга, ғарбдан

Эронга етиб борар эди. Яна бир йўналиши эса, Покистон ва Афғонистоннинг Қобулидан ўтиб, Форс Кўрфазининг бошигача, ундан Эрон ва Римга етиб борар эди.

Ипак йўли Ғарб билан Шарқ ўртасидаги савдо-сотиқни осонлаштирган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Ипак йўли Хитойнинг хан халқига тарихий жиҳатдан боғлиқ йўл бўлган. Ҳукмдорларнинг аксари, то императорликдан тортиб, коммунистик партия бошқарувигача ҳамда жамиятнинг таниқли вакиллари хан сулоласидан эди. Хан сулоласига алоқадор халқнинг сони тахминан 1,31 миллиардни ташкил қилиб, улар хитой тилида гапиришади. Лекин улар турли динларга, асосан, буддизм ва даосизмга, озчилиги эса насронийлик ва Исломга мансуб ҳисобланади.

Кейин, Хитойнинг ҳозирги раҳбари Си Цзиньпин ҳам хан миллатидан. Си Цзиньпин номининг халқаро миқёсда порлаши, чунки бу ном Хитойни регионал ўйинчидан халқаро ўйинчига олиб чиқиши кутилмоқда. Бундай ҳаракат барча қийинчиликлари билан бирга, Хитой учун янги тарихдир. «Уолл-стрит жорнэл» Хитой раҳбарига халқаро майдонда энг кучли ва нуфузли, дея баҳо берди.

Хитойнинг «Битта камар, битта йўл» номли лойиҳаси эски Ипак йўли ғояси харобалари устига қурилган ғоядир. Ундан Хитойни қуруқлик ва денгиз транспорти тармоғи орқали бутун дунёга боғлаш ва бу билан айна лойиҳани инсоният тарихидаги энг йирик инфратузилма лойиҳасига айлантириш кўзланган.

Бу Хитойнинг 123 нафар давлат, жумладан, Европа, Африка, Шимолӣ ва Жанубий Америка иштирок этадиган улкан лойиҳаси бўлиб, Хитой шу орқали жаҳон бозорларига ўз маҳсулотларини етказиб беришни тезлаштироқчи. Бошқа томондан эса, Хитой ўзининг хом ашё ва бошқа импортларини дунёнинг чор атрофидаги йирик давлатларнинг, хусусан, АҚШнинг босимига учрамасдан кириб келишини ҳам кафолатлаб олади. Бу ҳақда 2003 йили Хитойнинг собиқ раҳбари Ху Цзиньтао тўхталиб, уни «Малакка бўғози фожиаси» учун ечим эканини таъкидлаган. Яъни, Малакка Хитой, Япония, Тайланд, Ҳиндистон, Индонезия, Сингапур, Тайван ва Жанубий Корея давлатлари ўртасини боғловчи бўғоз ҳисобланади. Шунинг учун, бу бўғоз жуда катта навигация трафигига эга бўғоз бўлиб, Хитой ва Японияга олиб борувчи энг қисқа йўл ҳисобланади.

Шунинг учун Малакка бўғози нефть ва хом ашё етказиб берадиган асосий йўлак ҳисобланади. Аммо у АҚШ ҳарбий назорати остида бўлиб, у ерда унинг бир неча ҳарбий базалари жойлашган. Улардан энг асосийси Ҳинд океанидаги Диего-Гарсия базасидир. Ушбу база Америкага Хитойга босим ўтказиш имконини

берадиган дунёдаги энг йирик ҳарбий денгиз базасидир. Шу сабабдан Хитойнинг янги лойиҳасида кўзда тутган муҳим мақсадларидан бири атрофдаги мамлакатлар бўйлаб турли йўналишларни топиш орқали ўзининг тижорат йўли учун Малакка бўғозидан йироқда алоҳида альтернатива йўл топишдан иборат.

2013 йил охирида Қозоғистондаги «Назарбоев университети»да Хитой раҳбари Си Цзиньпин «Битта камар, битта йўл» лойиҳаси тўғрисида гапириб, Хитойнинг ушбу лойиҳани қабул қилганини билдирди. Аини лойиҳада Ипак йўлини «Иқтисодий Ипак йўли камари» ва «Денгиз Ипак йўли» лойиҳалари орқали қуруқлик ва денгиз орқали қайта тиклаш мақсад қилинган. Денгиз Ипак йўли Хитой қирғоғидан Сингапур ва Ҳиндистон орқали Ўрта ер денгизи томон боради. Қуруқлик томондан эса, олтита йўл бор ва улар қуйидагилар:

1 – Янги Евроосиё қуруқлик кўприги:

Бу кўприк ғарбий Хитойдан то ғарбий Россияга қадар бўлади ва «Иккинчи Евроосиё кўприги», деб аталади. У Хитойдаги икки соҳилбўйи шаҳар (Ляньюньган ва Жичжао)дан бошланиб, Голландиянинг Роттердам шаҳрига ва Белгиянинг Антверпен шаҳрига етиб боради. Шунингдек, Қозоғистон, Россия, Беларусия, Полша ва Германия бўйлаб 10800 километр узунликдаги темир йўлдан ўтиб, ўттиздан зиёд мамлакат ва минтақаларга хизмат кўрсатади. Шунингдек, бу кўприк иншоотлар ва магистрал йўллар, электр узатиш линиялари ва портлар билан боғлиқ барча йўналишларга изчил хизмат қилади.

2 – Хитой-Монголия-Россия иқтисодий йўлаги:

Бу таклиф Хитой томонидан 2014 йил ушбу учлик учрашуви чоғида киритилди ва «Битта камар, битта йўл» лойиҳаси бўйича кўп томонлама биринчи ҳамкорлик режасига айланди. Бунинг икки йўналиши мавжуд:

Биринчи йўналиш: Хитойнинг Пекин-Тяньцзинь-Хэбэй шаҳарларидан Монголиянинг Хух-Хото шаҳригача чўзилиб, Монголия ва Россияга етиб боради.

Иккинчи йўналиш: Хитойдаги Далянь, Шэньян, Чанчунь, Харбин, Маньчжоулидан то Россиянинг Чита вилоятигача етиб боради.

3 – Хитой-Ғарбий Марказий Осиё иқтисодий йўлаги:

Хитойни Араб ярим ороли билан боғловчи бу йўлак Шинжондан бошланиб, Ўрта Осиёни, сўнг Форс Кўрфазини босиб ўтади. Ўрта Осиё томондан беш давлатдан ўтади: Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон. Ғарбий Осиёдан ўн етти давлатдан ўтади: Туркия, Эрон, Саудия Арабистони ва бошқалар.

4 – Хитой-Покистон йўлаги:

Ушбу йўлак иккала давлатни бир қатор магистрал йўллар билан боғловчи 880 километр узунликдаги йўлакдир. Унинг харажати темир йўллар, газ қувурлари ва оптик толали кабеллар билан тахминан 65 миллиард долларга тушган. У «Битта камар, битта йўл» лойиҳасининг асосий қисмига кириб, Покистон атрофида амалга ошган ушбу йўлак 3000 километрни ташкил қилади. Шунингдек, бу йўлак Хитойдаги Қашқардан бошланиб, Покистонинг Гвадар шаҳрида тугайди ҳамда жанубдаги «Иқтисодий камар» билан «21-аср денгиз Ипак йўли»ни боғлайди.

5 – Ҳиндистон-Хитой ярим ороли Хитой иқтисодий йўлаги:

Бу йўлак Марварид дарёсидан бошланиб, Наньнин–Гуанчжоу магистралидан ҳамда юқори тезликка мўлжалланган Гуйлинь–Гуанчжоу темир йўлидан ўтиб, Ханой ва Сингапурга етиб борувчи йўлакдир.

6 – Хитой-Бангладеш-Мьянма иқтисодий йўлаги:

Бу Ҳиндистон билан Хитойдаги икки йирик бозорни боғловчи йўлакдир. 2013 йил декабрда ушбу йўлак билан боғлиқ қўшма ишчи гуруҳининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтиб, унинг якуний баёнотида тўртта ҳукумат ўртасида ҳамкорлик механизми ишлаб чиқилди.

Хитой ипак йўлларини қайта тиклаш лойиҳаси орқали кўп мақсадларни кўзлаган. Бу лойиҳанинг зоҳири иқтисодий бўлиб кўринса-да, аслида бошқа мақсадлар ҳам кўзланган. Бунинг учун Хитой дунёнинг олтмишдан зиёд мамлакатларида тўқсондан ошиқ лойиҳалар учун 1,3 триллион доллар ажратди. Ушбу лойиҳада иштирок этишни истаган ҳар қандай давлат ўзининг инфратузилмаси учун Хитой инвестициясини қабул қилса, бу инфратузилма учун Хитой кредит таклиф қилмоқда. Табиийки, кредитнинг фойдаси Хитойга келади. Лойиҳада иштирок этишни истаган давлат учун яна бир шарт қўйилиб, унга кўра, инфратузилмаларни бино қилиш билан фақат хитойлик компаниялар шуғулланади. Яъни Хитой ўзига фойда келтирадиган иш ўринларини яратиш учунгина пул беради.

Хитой ўз нуфузини шу орқали кучайтиришга уринаётган эса-да, унинг ниятларига Фарб шубҳа билан қарамоқда ва бу шубҳалар айна лойиҳа олдида тобора ортиб бормоқда. Бу шубҳалар мазкур давлатларнинг лойиҳа билан боғлиқ барча конференцияларга фақат вакил жўнатиш билан кифояланишларида ёки уларда қатнашмасликларида кўринмоқда. Гарчи Пекин билан 126 давлат ва 29 ташкилот айна лойиҳа доирасида ҳамкорлик шартномаларини имзолаган бўлса-да, бироқ бу шартномалар

матнига назар ташлайдиган бўлсак, Хитойнинг ушбу йирик лойиҳаси сўзсиз қўллаб-қувватланмаган. Аксинча, баъзи давлатлар уни қўллаб-қувватламай, ҳамкорликни таклиф қилишган, холос. Нью-Йорк Таймс газетасида Хитойнинг ортиқча саноат ишлаб чиқишига туртки бўлаётган нарса унинг мана шу лойиҳаси эканлиги айтилади. Аммо танқидчиларнинг фикрича, ортиқча саноат ишлаб чиқариш Хитой марказидаги компаниялар нуфузини мустаҳкамлашга ҳамда кредит бериш тузоғини қўйишга хизмат қилмоқда. Чунки бу тузоққа Хитой берган кредитлардан фойдаланувчи давлат тушмоқда.

Лекин Хитой ҳар бир давлатга манфаат келтирадиган асосда режа тузди. Яъни, ушбу лойиҳани шундай пухта ишлаб чиқдики, лойиҳадан келадиغان фойда шунга алоқадор ҳар бир мамлакатнинг манфаатлари билан туташди. Бошқача ибора билан айтганда, Хитой ўзининг айрим маҳсулотларини тўла битирмаган ҳолда (чала) ишлаб чиқаради, иқтисодий шерик давлат бу маҳсулотни савдо бозорига етказишдан олдин тўлиқ битиради. Шундай қилиб, глобал иқтисодий тизимни қуришда ўзига хос иқтисодий ҳамкорлик пайдо бўлади. товарлар транзити амалга ошириладиган мамлакатлар транзит фойдасидан ташқари, Хитой банкларидан молиявий имкониятларга эга бўладилар. Бугунги кунда Хитой банклари 175 миллиард доллардан 265 миллиард долларгача кредит ажратмоқда. Шундай қилиб, мазкур давлатларни Хитой лойиҳасига шерик бўлиш истаги аниқ иқтисодий характерга эга. Чунки ушбу лойиҳа келажакда бу давлатлардан ҳар бирининг иқтисодиётини қўллаб-қувватлайди. Шу сабабдан Хитой ўзининг айна мақсадига эришиш йўлида ҳаракат қилар экан, аниқлик ва эҳтиёткорлик режаси бўйича қадам ташламоқда. Шунингдек, у бундай глобал лойиҳани амалга оширишда қанча вақт кетишига эътибор бермай, ўз мақсадига эришиш йўлида тинимсиз олдинга интилмоқда ҳамда қатъийлик билан бирга сиёсий мослашувчанликни ҳам намойиш қилмоқда. Шунинг учун Хитой ҳар бир келишувга ўзига хос факт ва асосларни жорий қилиб, бу билан лойиҳанинг ўзи белгилаган шаклда ривож топишини кафолатлаб олмоқда.

Аммо бу лойиҳага хитойликларнинг ўзи қандай қарашади?

Ушбу лойиҳа яхши акс-садо бермоқда. Чунки у Хитой халқи учун бир неча сабаб-имкониятларни амалга оширади. Жумладан:

– Хитой халқи ва компаниялари учун ўз минтақасидан ташқарида иш ўринлари яратилмоқда. Чунки шу лойиҳага алоқадор бўлган давлатлардаги инфратузилма лойиҳаларига биринчи навбатда инвестиция ётқизувчи унинг ўзидир.

– Лойиҳа Хитой билан дунё ўртасида тезкор, хавфсиз ва чексиз транспортни яратади. Зеро, Хитой дунёда энг йирик корхона ҳисобланади. Шунинг учун хитойликлар ўзларининг ишлаб чиқарган маҳсулотларини экспорт қилиш орқали фойда олишади, бирламчи хом ашёга эга бўлиш осонлашади, транспорт нархлари арзонлашади ва бу ҳаммага тегишли бўлади.

– Энг муҳими, Хитой АҚШнинг денгиз гегемониясидан чиқиб олади. Чунки Хитойнинг импорт ва экспорт товарларининг 85 фоиздан ортиғи АҚШ денгиз назорати ва навигация зоналари орқали ўтади. Бу эса, Хитойнинг ҳарбий ва сиёсий заифлиги билан боғлиқдир. Шу сабабдан Хитой ушбу сиёсий воқелигини ўзгартиришга ҳамда ҳарбий қудратини лойиғича, ўзи интилаётгандек мустақамлашга ҳаракат қилмоқда. Чунки бу унга бугун эмас, балки келажакда ушбу «Битта камар, битта йўл» лойиҳаси орқали халқаро воқеликка чиқиб олишига ёрдам беради.

– Бу лойиҳа камбағал Хитой ғарбини бадавлат Хитой шарқи билан бир хиллаштиришга кенг йўл очади. Шу билан Хитой ўзидаги муҳим масала бўлган қашшоқликка алоҳида эътибор беради. Гарчи Хитой капиталистик тузумга эргашса-да ҳамда ўзининг махсус иқтисодий назарияси мавжуд бўлмаса-да, бироқ у бутун юртни фаровонлик даражасига кўтаришга уринмоқда.

Ушбу лойиҳага нисбатан Европанинг позицияси қандай?

Хитой Грецияга сизиб кирди, ваҳоланки шуни яхши биладики, унинг Грецияда кучайишига бу қари қитъа йўл қўймайди. Лекин шундай бўлса ҳам, Хитой Грециянинг иқтисодий кризисга учраган ҳолатидан фойдаланди. 2016 йил мобайнида пойтахт Афина яқинидаги Пирей шаҳри портидан 51 фоизини эгаллади. Бироқ унинг Италияга кириши кучли зарба бўлди, дейиш мумкин. Яъни, Хитой раҳбари Си Цзиньпин 2019 йилнинг март ойи охирида Италия, Монако ва Францияга муваффақиятли сафар қилди. Кейин ўша йилнинг 8 апрелида Хитой Давлат кенгаши раиси Ли Кэцянь Европага сафар қилиб, Брюсселга борди ва Хитой-Евроиттифоқ раҳбарларининг 21-анжуманини ўтказди. Бу эса, Хитойнинг Европа томон йўналаётганига далолат қилмоқда. Хитойнинг ушбу сафарлари чоғида катта еттилик (G7) аъзоси ҳисобланган Италия Хитой билан «Битта камар, битта йўл» бўйича ўзаро келишув меморандуми имзолаган биринчи Европа давлати бўлди. Шарқий Европа давлатларига келсак, улар 2012 йил Хитой билан «16+1 формати» номли ҳамкорлик бошлашди ва бу ўн олти давлат «Битта камар, битта йўл» лойиҳасини такомиллаштиришди. Шу боис, бугун Хитой билан Европа ўртасидаги савдо ҳажмининг ўсиб бораётганини кўриб турибмиз.

Юз йилдан бери содир бўлмаган ҳозирги ва келажақда бўлажак ушбу кўплаб ўзгаришлар сабабли Европа АҚШ ҳукмронлигидан чиқиш учун Хитой билан кўпроқ ҳамкорлик қилишга интилоқда. Бироқ шунга қарамай, Европа давлатларининг кўпчилигида ушбу лойиҳа билан боғлиқ қўрқувлар-муаммолар мавжуд. Жумладан:

– Ғарб товарларини Африканинг ғарбий ва шарқий минтақаларига ва Европанинг айрим мамлакатларига етказиб берилишининг қисқариши. Бунинг сабаби, Хитой маҳсулотлари арзон бўлади ва бу сифат жиҳатидан бир неча омиллар, масалан, ишчи кучининг ҳам, ишлаб чиқаришнинг ҳам арзонлиги билан боғлиқдир. Бу ва бошқа омиллар Хитой маҳсулотининг рақобатбардошлигини оширади. Шунга қарамай, Хитой Европани – лоақал айни лойиҳа бошланишида – тинчлантиришга уриниб, унга айрим қулайликлар ва имтиёзлар тақдим этмоқда.

– Европаликлар Хитой инвестицияси табиатидан хавфсирашмоқда. Чунки Хитой ядровий сектор, технология, бешинчи авлод каби нозик соҳаларга сармоя ётқизишга уринмоқда. Бунинг сабаби эса, Хитойнинг тўла Европа тараққиётини эгаллашни истаётганига бориб тақалади.

Европаликларда – ушбу ҳукмронликдан сўнг нима бўлади? бизни қаерга олиб кетяпти каби саволлар ўйлантирмоқда. Чунки иқтисодий ҳукмронлик ортидан сиёсий ҳукмронлик келишини улар яхши билишади. Шу тарзда Европа ва келаси воқеалар тақдири муаллақ қолмоқда.

Энг муҳим бошқа қўшни давлатларнинг Хитой лойиҳасига нисбатан позициялари:

Япония:

Бир жиҳатдан, японияликлар инфратузилмалари ривожланиши учун улкан Хитой сармояларининг мавжудлигидан ва бу юртлари манфаатига хизмат қилаётганидан кўнгиллари хотиржам. Аммо бошқа жиҳатдан, минтақадаги Хитой нуфузининг геостратегик кенгая бошлаганидан хавотирдалар. Шунга қарамай, Япония Хитойнинг айни лойиҳасига шерик бўлди. Бу ҳақда Япония бош вазири 2017 йилда унинг давлати айни лойиҳани шартли равишда қўллаб-қувватлашини маълум қилди. 2018 йил май ойида Хитой билан иқтисодий ҳамкорлик шартномаси имзолади.

Россия:

Руслар ҳам японлар билан бир хил ташвишда. Лекин улар Сибир ва Россиянинг Узоқ Шарқи каби баъзи минтақаларини – айниқса, Украина инқироzi сабабли санкцияларни ҳисобга олганда – ривожлантиришга интилоқда. Бироқ, Россия Евроосиё иқтисодий иттифоқига аъзо давлатлар билан Хитой ўртасидаги ҳар қандай икки томонлама муносабатлардан ҳар доим эҳтиёт бўлади.

Ҳиндистон:

Ҳиндистон билан Хитой ўртасидаги душманлик ҳақиқат. Бу турли даражаларда, 2013-2014-2017 йилларда уруш даражасига етди. Яқинда Ҳиндистоннинг Ладах минтақасида тўқнашув келиб чиқди ва бу икки давлат ўртасида ҳарбий ва дипломатик тангликни келтириб чиқарди. Бу ҳақда «Business Standard» газетаси «Хитой халқ озодлик армиясининг 5000дан ортиқ аскарлари Ладахдаги бешта, Галван дарёси бўйидаги тўртта ва Пангонг кўли яқинидаги битта пунктга бостириб кирди...» дея хабар қилган. Бундан ташқари, газ ва нефть қидирув бўйича келишмовчиликлар ҳамда балиқчилик ва бошқалар бўйича муаммолар ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

АҚШ ҳар доим Ҳиндистон тарафини олиб келади. Масалан, АҚШ Вакиллар Палатаси ташқи алоқалар қўмитаси раиси ўзининг расмий баёнотида бундай деди: «Мен Ҳиндистон-Хитой чегарасида амалдаги назорат чизиғи бўйлаб давом этаётган Хитой тажовузидан қаттиқ хавотирдаман. Хитой низоларни халқаро қонунларга мувофиқ ҳал қилиш ўрнига, ўзининг қўшниларга безорилик қилишга доим тайёр эканини яна бир бор исботлади». (Халқаро алоқалар ва ташқи сиёсат бўйича Америкада чиқадиган «Foreign Affairs» номли журнал, 2020 йил 1 июн). Ҳиндистонда ҳокимият тепасига Америка малайлари келгандан сўнг, икки давлат ўртасидаги душманлик америкаликларнинг қўллови билан янада кучайди. Шунинг учун Ҳиндистон Хитой лойиҳасига қарши чиқмоқда ва 2017 йил май ойида бўлиб ўтган форумда қатнашмади. У шунингдек, 2018 йилда бўлиб ўтган «Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти» саммитида ҳам айтилган лойиҳани танқид қилиб, буни ўзининг суверенитетини бузиш, деб ҳисоблашини таъкидлади. Айниқса, Хитой-Покистон иқтисодий йўлаги баҳсли Кашмир вилоятидаги Гилгит регионини кесиш ўтади.

АҚШга келсак:

Қўшма Штатлар Хитойнинг нима қилмоқчи бўлаётганидан жуда ҳушёр турибди. Хитойни ўзининг ички муаммолари билан ва регионал қўшни давлатлар билан машғул қилиб қўйишга анча вақтдан бери ҳаракат қилмоқда. Мисол учун, биз 2010 йил 29 январда Обама маъмуриятининг АҚШ конгрессига Тайванга 6.4 миллиард долларлик қурол сотиш бўйича ўз режасини тақдим этганини, бу «Марк 48» русумли универсал торпедалари эканига гувоҳ бўлдик («DSCA» (АҚШ мудофаа ва хавфсизлик бўйича ҳамкорлик агентлиги) баёноти). 2012 йил 16 сентябрда АҚШ мудофаа вазири Япония сафари чоғида ороллар масаласи бўйича Хитой билан Япония ўртасидаги бу низонинг кўлами кенгайиши мумкинлиги тўғрисида баёнот бериб, «мен бу провокациядан хавотирдаман. Чунки у тарафлардан бирини хатога йўл қўйишига

сабаб бўлиши, бу хато эса жанжални келтириб чиқариши мумкин», деди. Ҳизб ут-Таҳрир амири Ато ибн Халил Абу Роштанинг 2012 йил 20 сентябрда нашр қилинган Хитой-Япония ўртасидаги баҳсли ороллар билан боғлиқ саволга жавоб нашрасида ҳам бундай дейилган:

«... Шундай қилиб, АҚШ бир ўқ билан икки қуённи урди: Японияни оролларни талаб қилишга ундади... Бир тарафдан, Хитой билан Япония ўртасидаги вазиятни таранглаштирди, шу билан Япониянинг Американинг жойлашувига бўлган эҳтиёжи сақланиб қолди, энди японияликларнинг айна жойлашувга рози бўлишлари осон бўлади. Бошқа тарафдан, Америка Хитойни регионал муаммолар билан банд қилиб қўймоқчи. Бунинг учун Хитойни халқаро сиёсатга бўлган ҳар қандай интилишини кесиб, фақат ўз регионидаги сиёсатгагина аралашишига йўл қўяди...».

2014 йил 12 апрелда нашр қилинган «Американинг Хитойга қарши Ҳиндистон сиёсати таъсири» номли саволга жавоб варақасида ҳам бундай дейилади:

«Америка Ҳиндистоннинг Покистон билан бўлган ғарбий фронтдан хотиржам бўлишини таъминлаганидан кейин уни Хитой билан курашиш учун Ҳиндистонни шимолий фронт сари йўллашга ҳаракат қилди. Чунки Покистоннинг Америкага малай ҳокимлари Ҳиндистон фойдасига – Америкага малай Бхаратия Жаната партияси ҳукмронлиги даврида – катта чекинишларга йўл қўйишди».

Шунинг учун биз АҚШни Хитойни ўз регионидан ташқарига чиқармасликка уринаётганига гувоҳ бўляпмиз. Бироқ, Хитой бу масалаларда АҚШ билан ўйнашапти. Яъни, Американи гўё атрофдаги нарсаларни билмайди деб ўйлаб, ўзини Америкага реал воқелик қилиб кўрсатиб қўймоқчи бўляпти. Аслида эса, Америка ўзи учун бундан ҳам каттароқ аҳамиятга эга бўлган масалалар билан банд. Чунки у Хитойнинг дунёни бошқариш сари йўлга чиқадиган мабда-системаси йўқлигини яхши билади. Зеро, Хитой капиталистик система доирасида қолиб кетади, агар Қўшма Штатлар ёки капиталистик тузумни тепасида турганлар ушбу тузумни қайтадан оёққа турғазиб олишга муваффақ бўлишса, албатта... Шунинг учун улар Яқин Шарқ билан машғуллар. Чунки фақат шу минтақа аҳли қўлидагина альтернатива тузум бор. Огоҳ бўлингизким, бу Ислом тузумидир. Шунинг учун биз Американинг Исломни ҳаёт майдонига қайтишига йўл қўймаслик учун кечаю кундуз ва тинимсиз равишда ҳаракат қилиб, барча имкониятларини ишга солаётганига гувоҳ бўляпмиз. Токи, келаётган глобал молиявий емирилиш муқаррар экан, шу вақт мобайнида ўзларини

ва тузумларини тиклаб олишмоқчи бўляпти... Инша Аллоҳ бунга ҳаргиз муваффақ бўлолмайдилар.

Шу боис, биз кўриб турибмизки, АҚШ Хитой лойиҳасига тўсқинлик қилмади, агар буни истаса эди, ўз малайларини гигант Хитойга дарвозаларини очиб беришларига йўл қўймаган бўларди. Бироқ, АҚШ бунга йўл қўйди ва ўзининг нима қилаётганини яхши билипти. Чунки, Америка Исломни альтернатива тузум сифатида майдонга кела олмаслигини таъминладим, деб ҳисоблагандан сўнг – албатта бу унинг хомхаёли – қуйидагиларни амалга оширишга муваффақ бўлган:

Биринчидан: Америка Яқин Шарқ ичкарасидаги нефть, энергетика ва хом ашё моллари манбаини ўз малайлари воситасида ёки бевосита эгаллаб олган. Шу боис, нафақат транспорт механизмини, балки Хитойнинг ўзини бўғиб қўйишга қодир.

Иккинчидан: Америка Хитойни катта масалага текиб қўйишга ҳаракат қиляпти. Улардан бири Хитойда содир этилаётган уйғурлар билан боғлиқ инсон ҳуқуқлари масаласидир.

Трамп Хитойни коронавирус пандемияси бўйича айблади. Бу ҳақда Ҳизб ут-Таҳрир амирининг 2020 йил 21 июнда нашр қилинган саволга жавоб варақасида ҳам бундай дейилган: «Корона эпидемияси инқирозидан кейин Америка турли баҳоналар асосида Хитойдан ғолиб бўлишнинг янги баҳонасини топди. Шунинг учун Вашингтон вирус тарқалиши жавобгарлигини Хитой зиммасига олиши зарурлиги ҳақида кўп гапирди ва бошқа давлатларни, шу жумладан Ҳиндистонни Ухан вируслар институтида текширув ўтказилишини талаб қилишга тортди». Бундай масалалар ҳамма учун муҳим бўлиб, давлатларни Хитойга қарши қўйишга олиб келади. Ўз навбатида, бу Хитойни айблаб, уни жазолаш ва ундан компенсация талаб қилишга олиб келади. Америка буни уруш чиқариш мақсадида қилаётгани йўқ. (Гарчи фойда келтирадиган, қисқа вақтли чекланган урушнинг унинг учун ҳеч зарари йўқ бўлса ҳам). Балки бундан Хитойни АҚШ билан ёки ҳозирдаги мавжуд халқаро ташкилотлар дохил капиталистик тузум вакиллари билан янги шартномаларни имзолашга мажбур қилиш мақсад қилинган. Бу шартномалардан қуйидагилар кафолатланади:

– Қўшма Штатларнинг «Битта камар, битта йўл» лойиҳасига энг камида, Хитой билан тенгма-тенг улушга эга бўладиган равишда шерик қилиш.

– Давлатларнинг Хитой билан алоқаларини чеклаш ва Хитойнинг хориж томон ҳаракати кўламини қисқартириш.

– Қўшма Штатларни келажакдаги барча технология ва саноат ишлаб чиқаришларига шерик қиладиган қонунлар ишлаб чиқиш. Токи, АҚШ айна соҳада ҳаммадан олдинда турсин. Бунинг

муқобили ўлароқ, АҚШ ўз шартлари ва назорати остида Хитой учун энергия манбалари ва хом ашёларни таъминловчи бўлсин.

– «Доллар йўқ қилингудек бўлса» шундай бир глобал валюта яратилсинки, уни АҚШ ёки капиталистик тузум тепасидаги раҳбарлар назорат қилиб турсин.

Бу ишлар жуда ҳам кўп, бу ерда ҳаммасини санаш имконсиз. Хитой олдида муваффақиятга эришиш учун энг катта муаммо турибди, у ҳам бўлса, Америка босимларига қарши курашиш. Чунки АҚШ «энг биринчи Америка» шиори остида ўзининг халқаро тизимга ҳукмронлик қилувчи ягона қутб мақомини қўлдан бермасликка ҳаракат қилмоқда.

Энди мусулмонларга нисбатан, гарчи ҳозирда уларнинг давлатлари йўқ бўлса-да:

Хитой ўзининг гигант тизимини капиталистик тузум асосида қуряпти. Ушбу асос емирилса, Хитой сарфлаган шунча нарсасининг аксарини бой беради ва янги глобал воқеликка бўйсунушга мажбур бўлади. Ислому – инша Аллоҳ – дунёни бошқарувчи альтернатива сифатида майдонга чиққанда Хитой олдида янги Халифалик давлати билан ё шартномаларга имзо чекишга мажбур бўлади ёки ҳамма нарсасини йўқотади. Чунки «Битта камар, битта йўл» лойиҳасига алоқадор давлатларнинг барчаси – Хитой истаса ҳам, истамаса ҳам – Халифалик давлатига эргашадилар. Чунки уларнинг барчаси қайта Халифалик бағрига киришлари керак бўлган давлатлардир. Бу фақат вақт масаласидир. Гарчи ушбу инфратузилма давлатга қарашли омма мулки ҳисобланса-да ҳамда Халифалик давлати ҳеч бир халқаро қарорларни ва халқаро ташкилотларни тан олмаса-да, бироқ бу инфратузилма ҳукмда давлатнинг мулки саналади. Давлат иқтисодий шартномаларни халифанинг раъйига биноан имзолайди. Лекин, бундан олдин мусулмонларга нисбатан репрессив муносабатда бўлинган барча масалалар устида албатта Хитойдан ҳисоб сўрайди. Мисол учун:

Уйғурлар масаласида. Бугун турли репрессиялар, барча ғайриинсоний муомалалар орқали уйғурларнинг мусулмон ўзлиги йўқ қилинди. Бунинг сабаби, бир томондан, Исломни ёмон кўриш бўлса, бошқа томондан, шимолдаги Шарқий Туркистон, деб ҳисобланган Синьцзян-Шинжон Уйғур автоном республикасининг Хитой учун муҳимлигидир. Бугун у ерда 90 %ни ташкил қилувчи мусулмонлар сони 50 %га тушиб кетди. Бунинг сабаби Хитойнинг мана шу «Битта камар, битта йўл» лойиҳасидир. Чунки Шинжон катта ресурсларга эга бўлган энг муҳим савдо ва саноат шаҳарларидан биридир. Бундан ташқари, Хитой Бирмадаги ҳодисаларга сукут қилмоқда. Чунки у билан савдо алоқаларига ҳамда нефть ва табиий газ қувурлари қурилишига эга. Хитой Бирма

билан унинг роҳинга мусулмонларига нисбатан геноцид содир этиш ва уларни юртдан қувиб чиқариш жиноятларига кўз юмган ҳолда муомала қилмоқда. Ваҳоланки, Хитойнинг Халифалик давлати билан бирор душманона тарихи йўқ. Фақат баъзи позициялар бўлиб ўтганки, уларнинг асосийларини айтиб ўтамиз: Аббосий Халифалиги билан Хитой Тан империяси ўртасидаги Талас жанги. Бу жанг оқибатида Хитой Марказий Осиёдан чиқиб кетишга мажбур бўлган ва ўз нуфузидан айрилган, ипак тижоратига путур етиб, бозорғирлиги йўқолган.

Хитой ўзининг экспансионистик сиёсатини амалга ошириш учун юмшоқ куч ишлатиш йўлини тутди. Ўзининг айна лойиҳасида у ноҳарбий ресурсларни қабул қилди. Масалан, иқтисодий кучлар, дипломатик воситалар ва маданий бойликлар каби. Бу куч халқаро тизим ичида намоён бўлмоқда. Аммо Хитой ушбу юмшоқ кучининг ташқарисидаги мақсадига етишиш учун очиқ курашчан равишда чиқадиган мабда-тузумга эга эмас. Шунинг учун Хитой роли ҳар қанча каттаймасин, капиталистик тузум ичидан чиқолмайди ва бу давлат келаётган ўзгаришларга гаров бўлиб қолаверади. Келаётган ўзгаришлар эса, капитализмни ҳам ичкарасидан, ҳам ташқарисидан оламшумул янги тузум келаётганидан огоҳлантирмоқда.

Афсуски, ҳамон Исломнинг давлати йўқ. Агар унинг давлати бўлганда эди, бутун инсониятга нимаки яхшилик бўлса олиб келган ва халқлар тақдири билан ўйнашаётган бу ҳукмронлардан уларни албатта қутқарган бўлур эди. Биз карами кенг ва қудрати улў Роббимиздан оламни барча эзгуликлар томон етаклайдиган Пайғамбарлик минҳожини асосидаги рошид Халифаликни тезроқ ато этишини сўраб қоламиз.

﴿إِنَّ اللَّهَ بَلِغُ أَمْرِهِ ۗ قَدْ جَعَلَ اللَّهُ لِكُلِّ شَيْءٍ قَدْرًا﴾

«Аллоҳ Ўз ишига албатта етгувчидир. Дарҳақиқат, Аллоҳ барча нарса учун миқдор-ўлчов қилиб қўйгандир» [Талоқ 3] □

КОНСЕНСУС ДЕМОКРАТИЯ: ЯНГИ ИНҚИРОЗЛАР ВА МУАММОЛАР (1)

Муҳандис Носир Ваҳон Лаҳабий – Яман

Демократия кўплаб мусулмонлар онгини эгаллаб олгани ажабланарли ҳол эмас. Чунки вақт омилининг ҳамда бугунги кунда биз бошдан кечираётган шарт-шароитларнинг бунда маълум даражада таъсири бор. Бундан ташқари, Ислом дунёда ҳукмрон эмас. Бугунги кунда ҳеч қайси бир давлат Ислом билан ҳукм юритмаяпти. Шу боис, бугун демократия, илманийлик ва капитализм маҳсули бўлган яроқсиз товарларнинг бозори чаққон бўлиб қолди. Айниқса, бундай товарларга бозорлар, тарғиботчилар ва алданган харидорлар топилмоқда. Бугунги кунда Ислом Уммати фикрий ва сиёсий бўшлиқдан азият чекмоқда... Ислом давлати ҳам йўқ... Бир тарафда Уматнинг душмани бўлган салибчилар, сионистлар ҳамда уларга эргашган хоин ва малай ҳукмдорлар томонидан мусулмонлар ўртасида низо ва курашлар келтириб чиқарилмоқда... Мана шуларнинг оқибати ўлароқ, демократияга ва уларнинг тили билан айтганда консенсус демократияга бўлган чақириқ жонланиб қолди. Айниқса, мустамлакачи босқинчиларга бўйсунган давлат ва жамиятларда бу чақириқ янада кучайди. Консенсус демократия тушунчаси, масалан, Америка ва Британияда мавжуд эмас. Моддий томондан ривожланган давлатларда ва ҳатто барқарор давлатларда ҳам мавжуд эмас. Чунки бу давлатлар ўзи қабул қилган конституция ва қонунга риоя қилишади. Одамлар ҳам ўша мамлакатларда татбиқ қилинаётган умумий тузум ва қонунчиликка риоя қилиб, ўша билан бошқарилади. Табиийки, улардаги бу умумий тузум ва қонунчилик биз мусулмонларнинг ақидамизга ва қадриятларимизга зиддир, бинобарин, улар бизга тўғри келмайди. Шунинг учун, демак, консенсус демократия тушунчаси ўз қарорларига ўзи тўлиқ эга бўлмаган давлатларда бўлади. Масалан, мустамлакачининг очиқ таъсири остида бўлган давлатларда..., ёки Ироқ, Афғонистон ва шуларга ўхшаган амалда босиб олинган давлатларда..., ёки Яман, Ливия каби низолардан ҳамда мустамлакачи ва уларнинг тарафдорларининг воситачилик урушларидан азият чекаётган давлатларда мавжуддир. Шунингдек, бу тушунча мустамлакачилар нуфузи кенгайган ва буюк давлатларнинг катта манфаатларга эгаллиги кузатилаётган «учинчи олам» давлатларида ҳам топилади.

Биз консенсус демократия тушунчасини ҳар томонлама муҳокама қилишимиз учун, демократиянинг ўзи консенсус эканлигини айтишимиз керак. Чунки унинг келиб чиқиш манбаси инсоннинг фикридир. Унинг асоси (динни ҳаётдан ажратиш) бўлиб, у черков билан диний ислоҳотнинг илк бошловчилари ўртасидаги кураш натижасидир. Унга (халқнинг ўзини ўзи бошқариши), дея таъриф берилган бўлиб, бу жамият синфлари ўртасидаги ижтимоий битимдир. Унда ҳукмронлик шариатники эмас, балки халқникидир. Ҳукм ва қонунларни чиқариш уларнинг тўғрилигига қараб эмас, балки кўпчиликнинг ёқлаши билан амалга ошади. Демократия кўпчиликни – гарчи у ноҳақ бўлса ҳам – ҳурмат қилади ва ер юзини бузғунчиликка тўлдирган эркинликларни тан олади. Демократияга консенсус лафзининг қўшилиши яхши гапириб алдашдан бошқа нарса эмас. Чунки демократиянинг асли консенсусга асосланади. У – худди «замонавий фуқаролик давлати» ибораси орқали мусулмонлар чалғитилганидек, яна уларни атамалар билан чалғитиш учун исломий муҳитга олиб кириладиган навбатдаги истилоҳдир. Чунки улар демократияга консенсус лафзини қўшишганидек, фуқаролик давлати иборасига (замонавий) лафзини қўшишган эди. Ҳолбуки, Яманга жумҳурият низоми кириб келганидан бери биз фуқаролик давлатида бошқарилиб келамиз.

Биз консенсус демократия баҳсида унга тўлиқ аниқлик киритадиган бешта элементни кўриб чиқамиз. Буни кўриб чиқиш билан унинг воқелигига мос тўғри хулосани чиқариш имконига эга бўламиз.

Ушбу беш элемент қуйидагилардир: Консенсуснинг мурожаат қилинадиган манбаси, мавзуси, томонлари, ғояси ва натижалари.

1 – Консенсуснинг мурожаат қилинадиган манбасига келсак, у миллий, тоифачилик, этник ёки илмоний кўз-қарашлар каби бир неча манбаларга таянади. Йўналиши хар хил, кўз-қарашда, фикри ва касб-корида бир-биридан фарқли бўлган ҳамда мустамлакачи томонидан бошқариладиган ушбу синф ва тоифалар исломий шариатнинг четлатилишини ҳамда демократиянинг манба бўлишини консенсуснинг асоси сифатида тан олиши, бинобарин, консенсус ёки диалог учун бирор бир мурожаат қилинадиган манбани тан олмаслиги керак. Шунинг учун, (диалогнинг мурожаат қилинадиган манбаси ва унинг энг сўнги нуқтаси йўқ) дейишади. Натижа қарама-қаршилик ва келишмовчилик, ундан кейин низо ва жанжал бўлади. Яман, Ироқ, Ливия, Ливан, Афғонистон ва булардан бошқа давлатларда бўлиб ўтган диалог конференциялари бунга очиқ далилдир. Анали душманлар қандай келишувга

эришдилар? Улар қандай манбага таянишди ва қандай демократияни қабул қилишди? Агар улар – миллий диалог таяниладиган асос сифатида барчани сиғдира олади ёки у барча унинг соясида яшаши мумкин бўлган соябон дейишса, бу ҳолатда (ватан) тарих ва география ўзгартирилганидан кейин мустамлакачи томонидан пайдо қилинган вужудни англатади. Улар бу билан (ватан) дея номланган жой ўз ичига олган, режим томонидан эътироф этилган барча фаол фикрий ва сиёсий оқимларни ҳам назарда тутадилар. Уларнинг даъво қилишича, миллий диалогдаги муурожаат қилинадиган манба (ватан) ҳудуди ичкарасидаги мавжуд сиёсий низомни эътироф этадиган турли фикр ва оқимларни – улар тўғри ёки яроқсиз, оддий ёки ғайритабиий бўлишидан ҳамда Исломга зид ёки мос келишидан қатъий назар – тан олади. Мисол тариқасида келтирадиган бўлсак, Ироқда Исломиё қаршилиқ оқимлари эътироф этилмаган бир пайтда, миллий диалогда собийлар, шайтонга сиғинувчилар ва ассирийлар тан олинади. Шунингдек, кўплаб исломий юртларда янги либерал оқимлар каби Америкага очиқ-ошкор малай бўлган фикрий оқимлар тан олинади. Айна пайтда Ҳизб ут-Таҳрир тан олинмайди. Чунки унинг Халифалиқ барпо этишга чақирувчи фикри мавжуд сиёсий низомга ва илмоний фикрларга зиддир. Халқнинг консенсусга ҳеч қандай алоқаси йўқ, балки у, Фарб қўллаб-қувватлаган оқимларга алоқалидир. Фарб ўз манфаатини рўёбга чиқариш учун бу оқимлар ҳоқимиятга эришгунларига қадар уларни қўллаб-қувватлайди. Айнақса, консенсус ва диалогга халқаро солибчи ташкилот (БМТ) ҳомийлик қилади ҳамда уларнинг муурожаат қилинадиган манбаси бизнинг ақидамизга ва буюқ динимиз аҳкомларига зиддир.

Миллий (диалог) ёки консенсус демократия тушунчасининг муурожаат қилинадиган манбаси Исломдаги диалог ёки баҳс-мунозарада муурожаат қилинадиган манбага тамоман зиддир. Қолаверса, ҳар бир нарсанинг муурожаат қилинадиган манбасида Исломни ягона асос деб ҳисоблашга зид келади. Шунингдек, у Аллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзига ҳам зиддир:

﴿فَإِن تَنَزَعْتُمْ فِي شَيْءٍ فَرُدُّوهُ إِلَى اللَّهِ وَالرَّسُولِ إِن كُنتُمْ تُؤْمِنُونَ بِاللَّهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ ذَلِكَ خَيْرٌ وَأَحْسَنُ تَأْوِيلًا﴾

«Бордию бирон нарса ҳақида талашиб қолсангиз, — агар ҳақиқатан Аллоҳга ва охираат кунига ишонсангиз — у нарсани Аллоҳга ва пайғамбарига қайтарингиз! Мана шу яхшироқ ва чиройлироқ ечимдир» [Нисо 59]

Бу оят ўзаро суҳбат қуриш ва ҳукм сўраб мурожаат қилишда Қуръон ва Суннатни ягона асос қилиб белгилайди. Шунинг учун Исломда Қуръон ва Суннатга таянмаган ҳар қандай фикрий оқимни асос, мурожаат қилинадиган манба ва ўлчов сифатида тан олиш жоиз эмас. Демак, консенсус демократия тушунчасини мурожаат қилинадиган манба бўлиши биз мусулмонлар учун шаръан ботилдир. Чунки у бизнинг исломий эътиқодимизга зид бўлган фикрий ва ақидавий плюрализмга таянади ҳамда Қуръон ва Суннатга асосланмайди. Бундан ташқари, демократия Аллоҳ билан ер юзида ҳокимият талашишга асосланган. Яъни ишлар ва нарсаларга ҳалол ва ҳаром, жоиз ва жоиз эмас деб ҳукм чиқарувчи Аллоҳми ёки инсонми? Ҳукм чиқарувчи Аллоҳдир, инсон эмас. Қонун чиқарувчи ҳам Аллоҳдир, инсон эмас. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَلَا لَهُ الْخَلْقُ وَالْأَمْرُ﴾

«Огоҳ бўлингизки, яратиш ва буюриш фақат Уникидир»

[Аъроф 54]

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَفَحُكْمَ الْجَهْلِيَّةِ يَبْغُونَ وَمَنْ أَحْسَنُ مِنَ اللَّهِ حُكْمًا لِّقَوْمٍ يُوقِنُونَ﴾

«Динсизлик ҳукмрон бўлишини истайдиларми?! Имонлари комил бўлган қавм учун Аллоҳдан ҳам гўзалроқ ҳукм қилгувчи ким бор?!»

[Моида 50]

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنِ الْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ أَمَرَ أَلَّا تَعْبُدُوا إِلَّا إِيَّاهُ ذَلِكَ الدِّينُ الْقَيِّمُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Ҳукм-ҳокимлик фақат Аллоҳникидир. У зот сизларни фақат Ўзигагина ибодат қилишга буюргандир. Энг тўғри дин мана шудир. Лекин одамларнинг кўплари буни билмайдилар»

[Юсуф 40]

Демократияга кўра, инсон қонун чиқарувчидир ва ҳукм чиқарувчи ҳамдир. У динни ҳаётдан ва давлатдан ажратиш орқали қонунларни чиқаради. Шунинг учун одамларнинг аҳволи Исломни ҳакам қилиш, исломий ақидани ишлар ва нарсалар устидан ҳукм чиқаришда ягона мурожаат қилинадиган манба қилиб олиш ҳамда татбиқ этиш ва қонун чиқаришда Исломга тўлиқ амал қилиш билангина яхшиланади.

2 – Консенсус демократия тушунчаси асосланган мавзуга келсак, у Ислом ақидасига ва шаръий аҳкомларга очиқ зиддир. Чунки бу ердаги мавзу қонунчилик мавзуси бўлиб, қонунчиликнинг асоси демократияда (динни ҳаётдан, шу жумладан давлатдан ажратиш)дир. Чунки гуруҳлар, жамият қатламлари, миллий ва

илмоний тоифалар Исломни бошқарув асоси сифатида қабул қилмайдилар. Исломий оқимлар учун худди мўътадил исломий жамоалар сингари Исломдан воз кечишдан ёки демократиядан чиқиб Исломни ушлашдан бошқа чора йўқ. Шунинг учун исломий жамоаларнинг миллий диалог ёки консенсусга кирганини ёки киритилганини ва илмоний оқимлар ичида юрганини кўрмоқдамиз. Улар Исломни мурожаат қилинадиган манба ва консенсуснинг асоси сифатида ушлашдан воз кечиб, бузуқ воқеликнинг бир қисмига, қолаверса бузуқ воқеликнинг айна ўзига айланишди. Аммо соф исломий оқимлар бузуқ воқеликни, халқ ҳоқимиятини рад этдилар ва Исломдан аниқ, равшан йўлни қабул қилиб, Умнатни унга чақирдилар.

Консенсуснинг асосий мавзуси диалогга кирган гуруҳлар эътибор қаратган нарсадир. Яъни уларнинг асосий ташвиши ҳоқимият ва бойликдан, аниқроғи, бошқарув низомидан иборат. Шунинг учун ҳоқим ким, унинг шартлари қандай бўлади, ҳоқим қандай тайинланади, бошқарувда туриш муддати қанча бўлади, ҳоқимнинг салоҳияти ва вазифалари қандай бўлади, каби ҳоқимиятга етиш йўлидаги тортишувлар диалогга кирганларни асосий ташвишлантирадиган мавзулардир. Шунинг учун улар ўртасидаги кураш бошқарувнинг тўғри методологияси устида эмас, балки фақат ҳоқимият устида бўлади.

Умнат азият чекаётган воқелик бунга яхши далилдир. Масалан, Ироқда ёки Яманда ва ёки Ливанда бўлиб ўтган консенсус ёки диалог юртни оғир аҳволдан олиб чиқиб кета олмади. Қанча-қанча ҳукуматлар, ҳукумат раҳбарлари ўз мансабида ҳеч қанча турмасдан ўзгаришди. Ушбу юрт ва бундан бошқа юртлар низолар ва жанглар гирдобига кирди.

Диалог ёки консенсус демократия мавзуси одамларнинг фикрига қараб ҳар хил ва ўзгарувчан бўлади. Шунинг учун Исломни ақида, шариат, сиёсат, давлат, бошқарув ва иқтисод сифатида қабул қилишгина Умнатни у азоб чекаётган оғир аҳволдан олиб чиқади. Масалан, ҳоқимни тайинлаш масаласида, Ислом ҳоқим билан Умнат ўртасидаги муносабатларни, (яъни, байъатни, итоатни, муҳосабани ва ҳоқимнинг мансабдан четлатишни талаб қилиш ҳуқуқини) аниқ аҳкомлар билан белгилаб берди. Ислом бу масалада аниқ ҳукмларни чиқарди ва бу тушунчаларга аниқ қилиб таъриф берди. Иқтисодий низомда ҳам мулкчиликни, унинг сабаблари ва ҳукмларини, мулкчилик турларини (хусусий мулк, жамоат мулки ва давлат мулкини), бойликни тасарруф қилиш ва уни тақсимлаш кайфиятини пухта ва аниқ низомлар билан белгилади. Шунингдек, молиявий низомни, байтулмол девонларини, тилла ва қумушга асосланган пул тизимини ҳамда ҳаётнинг барча жиҳатларидаги

аҳком ва қонунларни белгилади. Булар Аллоҳ Таолонинг қуйидаги сўзининг тасдиқидир:

﴿الْيَوْمَ أَكْمَلْتُ لَكُمْ دِينَكُمْ وَأَتَمَمْتُ عَلَيْكُمْ نِعْمَتِي وَرَضِيْتُ لَكُمُ الْإِسْلَامَ دِينًا﴾

«Бугун сизларга динингизни комил қилдим, неъматимни бенуқсон, тўқис қилиб бердим ва сизлар учун (фақат) Исломни дин қилиб танладим» [Моида 3]

Консенсус демократия Исломни ва мусулмонлар масалаларини зое кетказадиган балодир. Масалан, Фаластин масаласидаги консенсус демократия мавзусини оладиган бўлсак, унинг Исломга зид келиши тасдиқланганини кўрамиз. Чунки Фаластин масаласида диалогга кирганлар иш жадвалида ташланган асосий диалог мавзуси яҳудий давлатини ҳамда у билан тузилган иттифоқларни тан олишдир. У шунингдек, Фаластин масаласида мурожаат қилинадиган халқаро ва араб давлатлари манбаларини манба сифатида тан олишдир.

Маълумки, Фаластиннинг аксар қисмида босқинчи яҳудий вужудининг мавжуд бўлишини тан олиш шаръан ҳаромдир. Фаластин масаласида мурожаат қилинадиган манба сифатида ташланган манбаларнинг барчаси шаръан ҳаром қилинган. Чунки бу манбалар БМТ, Хавфсизлик Кенгаши ва Араб давлатлари лигаси қарорларига мурожаат қилишни тан олади. Буларнинг барчаси куфр ва ботил қарорлар бўлиб, шаръий аҳкомларга зид келади.

Агар Исломдаги шўро ва унинг аҳкомларини, шунингдек, шўронинг нима эканлигини, унда консенсус маъноси бор ёки йўқлигини кўриб чиқадиган бўлсак, унинг икки асосий масаладан келиб чиқишини биламиз. Улар:

1. У мусулмонлар оммасининг ҳуқуқи бўлиб, давлат раҳбарига Росулulloҳ ﷺ дан ўрнак олган ҳолда улардан маслаҳат сўраш вожибдир.

2. У шаръий аҳкомлардан ташқари масалаларда энг афзал ва энг тўғри фикрни топишга асосланади. Бунинг учун ақлларни уйғотиш, имконият ва тоқатларни сафарбар қилиш керак бўлади. Натижада, фикрлар пайдо бўлади, ҳар бир фикрдаги заиф ва кучли нуқталар кўринади. Сўнг тўғри фикр олинади. Жамоатчилик ишлари одамлар ҳаётига ва уларнинг манфаатларига тегишлидир. Шунинг учун улар тарафидан билдирилган маслаҳатларни ва улар билдирган фикрни эътиборсиз қолдириш тўғри эмас.

Шўро ёки фикр олиш халифа тарафидан ёки ҳар қандай амир тарафидан, ёки раҳбар, қўмондон ва масъул бўладими ҳеч бир фарқсиз ҳар қандай салоҳият соҳиби тарафидан бўлади. Шунингдек, эр-хотин ўртасида ва одамлар ўртасини ислоҳ қилишда бўлади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِنْ أَرَادَا فِضَالًا عَنْ تَرَاضٍ مِّنْهُمَا وَتَشَاوُرٍ فَلَا جُنَاحَ عَلَيْهِمَا﴾

«Агар (ота-она) ўзаро келишиб, маслаҳат билан болани сутдан ажратмоқчи бўлсалар, гуноҳкор бўлмайдилар»

[Бақара 233]

Ҳоким ёки қўмондон бўладими ё бошқасими, салоҳият соҳиби бўлган кишиларга фикр билдириш масаласига келсак, бунда ҳеч қандай тушунарсиз жойи йўқ. Чунки у маслаҳат беришнинг бир шаклидир. Шунинг учун у шаръан белгиланган масала бўлиб, муслмонларнинг раҳбарларига ва оддий одамларга фикр билдирилиши жоиз. Аммо ҳоким, амир ёки бошқасими, салоҳият соҳиби томонидан одамларга уларнинг фикрини олиш учун муурожаат қилиниши эса, тушунарсиз бўлиши мумкин бўлган мавзудир. Айниқса, демократик тушунчалар тарқалганидан ва бу тушунчалар кўпчилик муслмонлар онгини ўзгартирганидан кейин бу мавзу тушунарсиз мавзуга айланиб қолди.

Фикр олиш Ислолда (шўро) ва (маслаҳат) дея номланади. Билдирилган фикрни муслмонлардан ҳам, ғайримусулмонлардан ҳам эшитиш жоиз. Чунки Росулulloҳ ﷺ фазилатли қасамёд ўз ичига олган фикрни маъқулладилар. Росулulloҳ ﷺ айтадилар:

«... وَلَوْ دُعِيتُ بِهِ لَأَجِبْتُ، وَمَا أَحِبُّ أَنْ أَحِيسَ بِهِ وَأَنْ لِي بِهِ حُمْرَ النَّعَمِ»

«... Агар мен унга чақирилсам уни қабул қилардим ва мен учун қизил туя берилса ҳам уни бузишни истамасдим». (Сунани Байҳақий). Ҳолбуки, у мушрикларнинг фикри эди. Фикр олиш учун фақат муслмонларга муурожаат қилинади. Ўрни шўро фақат муслмонларнинг ҳаққидир. Чунки Аллоҳ Таоло Росулulloҳ ﷺ га хитоб қилиб шундай дейди:

﴿وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ فَإِذَا عَزَمْتَ فَتَوَكَّلْ عَلَى اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ يُحِبُّ الْمُتَوَكِّلِينَ﴾

«Ишларингизда уларга маслаҳат солинг! Энди (маслаҳат қилгач, бирон ишни) қасд қилсангиз, Аллоҳга таваккал қилинг! Албатта Аллоҳ Ўзига суяниб (иш қилгувчиларни) севади»

[Оли Имрон 159]

Ўрни муслмонларга маслаҳат солинг. Аллоҳ Азза ва Жалла яна айтади:

﴿وَالَّذِينَ اسْتَجَابُوا لِرَبِّهِمْ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَأَمْرُهُمْ شُورَى بَيْنَهُمْ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنفِقُونَ﴾

«Улар Парвардигорларига ижобат-итоат этган ва намозни тўқис адо қилган зотлардир. Уларнинг ишлари (мудом) ўзаро шўро-маслаҳат (билан) бўлур ва Биз уларни ризқлантирган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилурлар»

[Шўро 38]

Ўрни муслмонларнинг ишлари. Чунки биринчи оятда

﴿وَشَاوِرْهُمْ فِي الْأَمْرِ﴾

(Ишларингизда уларга маслаҳат солинг, деб келмоқда. Буларнинг барчаси Росулulloҳ ﷺ дан мусулмонларга бўлади. Иккинчи оятда

﴿وَالَّذِينَ اسْتَجَابُوا لِرَبِّهِمْ وَأَقَامُوا الصَّلَاةَ وَأَمْرُهُمْ شُورَى بَيْنَهُمْ وَمِمَّا رَزَقْنَاهُمْ يُنفِقُونَ﴾

(Улар Парвардигорларига ижобат-итоат этган ва намозни тўқис адо қилган зотлардир. Уларнинг ишлари (мудом) ўзаро шўро-маслаҳат (билан) бўлур ва Биз уларни ризқлантирган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилурлар), деб келмоқда. Бундай сифатлар фақат мусулмонларнинг ўзаро муносабатларида бўлади. Шунинг учун шўро мусулмонларга хос бўлиб, улар бир-бирларига маслаҳат соладилар. Мусулмонлар орасида шўро маълум ва машҳур масаладир. У Қуръони Каримда, Ҳадиси шарифда ва мусулмонларнинг сўзларида келган. Абу Ҳурайра رضي الله عنه айтади: «Мен Росулulloҳ ﷺ асҳобларига маслаҳат солганларидан кўра кўпроқ маслаҳат солувчи бирортасини кўрмадим». Сунани Байҳақий. Ҳасан رضي الله عنه айтади: «Маслаҳатлашган қавм ўз ишларининг энг тўғрисига йўл топади». Демак, фикр олиш, яъни маслаҳат ва шўро, Қуръон ва Ҳадис матни билан тасдиқланган. Бироқ, шўро ва маслаҳат қайси фикрда бўлади? – деган савол кўпчиликка тушунарсиздир. Яъни, қайси масалада фикр олинади, кейин бу фикрнинг ҳукми қандай? Тўғри ёки нотўғри бўлишидан қатъий назар кўпчиликнинг фикри олинадими? Ёки кўпчилик ёки озчилик ёки битта одамнинг фикри бўлишидан қатъий назар тўғри фикрни олиш вожибми? Бу консенсусни англатадими?

Бунинг жавобини билиш учун билдирилган фикр воқесини ҳамда фикр олиш тўғрисида келган тафсилий шаръий далилларни тушуниш лозим. Шунингдек, бу далилларни фикрнинг воқелигига шаръий жиҳатдан тушириш лозим.

Дунёдаги мавжуд фикрлар воқелигига келсак, улар (фикр (раъй) ёки амал) бўлишдан нарига ўтмайди. Фикрий раъйлар учтадир ва биттаси амалга йўлловчи фикрдир:

Биринчи: Фикрнинг шаръий фикр, яъни шаръий раъй бўлиши. (Шаръий фикрда консенсус бўлмайди ва унда Ҳудайбия сулҳидагидек Аллоҳнинг ҳукмига риоя қилинади).

Иккинчи: Бирор бир ишнинг таърифи бўлиши. Ёки у шаръий ҳукмнинг таърифи каби шаръий таъриф ёки ақл ва жамиятнинг таърифи каби бирор воқеликнинг таърифи бўлади. (Бунда ҳам консенсус бўлмайди ва бу соҳаларда илм аҳлининг раъйига риоя қилинади).

Учинчи: Мавзудаги фикрга ёки мутахассислар тушуна оладиган техник масаладаги фикрга далолат қиладиган раъй бўлиши. (Бунда консенсус бўлмайди ва Бадр воқеасида бўлганидек унда тажрибага эга бўлган мутахассиснинг раъйига риоя қилинади).

Тўртинчи: Бирор ишни бажаришга йўллайдиган раъй бўлиши. (Консенсус мана шудир. Бунга бошлиқ сайлаш ёки ишга чиқиш ёки Уҳуд ғазотида бўлганидек ҳаммани қизиқтирган ишни қилиш каби ишлар унинг майдонидир).

Бу эгри чизиқ олдига тўғри чизиқни қўйган бизнинг исломий шариатимиздир. Демак, қонунчиликда, илм-фанда, бирор соҳа мутахассислиги ва тажрибада консенсус бўлмайди, балки, фикрий бўлмаган амалий воқеликда консенсус бўлади. Шунга кўра, консенсус демократия мавзуси исломий фикрга ва шаръий ҳукмга зиддир. Чунки у бизга ҳар қандай бегона фикрларнинг кириб келишига эшик очади. Шунинг учун Аллоҳнинг шариатидан бошқа мавзуга оид диалогда шаръийлик йўқ ва унинг мурожаат қилинадиган манбаси ботилдир. Мумтоз ақида ва ҳазорат соҳиби бўлган, бутун дунёни капитализм ва демократия бахтсизлигидан Ислом бахт-саодатига олиб чиқишни истаган биз мусулмонларга у номуносибдир.

3 – Консенсус демократияда қатнашувчи томонларга келсак, диалог олиб борган томонлардан ҳеч бўлмаганда биттаси ёки кўпроғи доим ҳукмронлик қилувчи ҳокимиятда гавдаланади. Биз аниқ биламизки, бизнинг юртлардаги ҳукмронлик қилувчи ҳокимиятлар мустамлакачи буюк давлатлар манфаатларини тамсил этадиган вакилдан бошқа нарса эмас. Бу шуни англатадики, биз ҳукумат билан диалог олиб борган пайтимизда, аслида Қўшма Штатлар, Британия ва умумий турда буюк давлатлар вакиллари билан диалог олиб борган бўламиз. Шубҳасизки, улар билан олиб борилган бундай диалог шаръан ҳаромдир. Чунки у кофирлар учун мусулмонлар устига кенг йўл очади. Аллоҳ Субҳанаҳу айтади:

﴿وَلَنَجْعَلَ اللَّهُ لِلْكَافِرِينَ عَلَى الْمُؤْمِنِينَ سَبِيلًا﴾

«Аллоҳ ҳаргиз кофирлар учун мўминлар устига йўл бермагай» [Нисо 141]

Бошқа томондан, диалогга кирган оқимлар илмоний программаларни қабул қилади ва ҳокимиятга эришиш учун хорижга таянади ҳамда чет эл разведкаси ва элчихоналаридан куч олади. Ҳокимиятга эришгач Умнатга, унинг мабдасига, манфаатларига ҳамда бойликлари ва қадриятларига қарши тил бириктирувларни амалга оширади. Бу оқимларнинг хориж билан ўрнатган муносабатлари улар айтаётгандек ҳамкорлик эмас!!

4 – Консенсус демократиядан кўзланган ғояга келсак, ундан диалог олиб бораётган томонлар ўртасида ўртача ечимга эришиш кўзланади. Ўртача ечим эса, ҳеч шубҳасиз ғайриисломий ечимдир. Чунки диалог олиб борувчи томонлар ҳаммани рози қиладиган ечимга келиб олишлари учун ҳар бир томон ўзининг ўзгармас асосларининг бир қисмидан воз кечиши керак бўлади. Диалогда садоқатли исломий томон бор деб фараз қилсак ҳам, исломий томон илмоний оқимлар ва ҳукумат билан келишувга эришиш учун ўзгармас асосларининг бир қисмидан бўлса ҳам воз кечиши керак бўлади. Диалог олиб бораётган томонлар ўртасида эришиш кўзланган ғоя шаръий ғоялардан бутунлай йироқдир. Бу бир томондан. Бошқа томондан, ушбу ўртача ечим бизнинг Аллоҳ нозил қилган аҳкомлардан бошқа аҳкомлар билар бошқарувчи ҳокимиятни қабул қилишимизни ҳамда тоғутдан ҳукм сўрашга ва ҳаётимизда куфр қонунларини ҳакам қилишга рози бўлишимизни англатади. Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло бизни бундан огоҳлантириб шундай дейди:

﴿وَأَنِ احْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَّبِعْ أَهْوَاءَهُمْ وَاحْذَرْهُمْ أَنْ يَفْتِنُوكَ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكَ فَإِنْ تَوَلَّوْا فَاعْلَمْ أَنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ أَنْ يُصِيبَهُمْ بِبَعْضِ ذُنُوبِهِمْ وَإِنَّ كَثِيرًا مِّنَ النَّاسِ لَفَاسِقُونَ﴾

«(Эй Мухаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавойи нафсларига эргашманг ва Аллоҳ Сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан Сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг! Агар (Сизнинг ҳукмингиздан) юз ўгирсалар, билингки, Аллоҳ уларга айрим гуноҳлари сабабли мусибат етказишни истамоқда. Шубҳасиз, одамлардан кўплари итоатсиздирлар»

[Моида 49]

﴿أَلَمْ تَرَ إِلَى الَّذِينَ يَزْعُمُونَ أَنَّهُمْ ءَامَنُوا بِمَا أَنْزَلَ إِلَيْكَ وَمَا أَنْزَلَ مِن قَبْلِكَ يُرِيدُونَ أَنْ يَتَحَاكَمُوا إِلَى الطَّاغُوتِ وَقَدْ أُمِرُوا أَنْ يَكْفُرُوا بِهِ وَيُرِيدُ الشَّيْطَانُ أَنْ يُضِلَّهُمْ ضَلَالًا بَعِيدًا﴾

«(Эй Мухаммад), ўзларини сизга нозил қилинган нарсага (Қуръонга) ва сиздан илгари нозил қилинган нарсаларга имон келтирган деб ҳисоблайдиган (айрим) кимсаларнинг шайтонга ҳукм сўраб боришни истаётганларини кўрмадингизми? Ҳолбуки, уларга унга ишонмаслик буюрилган эди. (Чунки) шайтон уларни бутунлай йўлдан оздиришни истади»

[Нисо 60]

Консенсус демократиянинг натижаларига келсак, инша Аллоҳ бу ҳақда келгуси мақолада сўз юритамиз. □

УЙҒОНИШ ВА ҲАЗОРИЙ ТИКЛАНИШ (1)

Лутфий Абу Муҳаммад – Жазоир

Уйғониш – инсонда унинг фикр ва майлларига асос бўладиган ҳамда у учун ўзига хос турмуш тарзини белгилаб берадиган фикрий пойдеворни яратишдир. Инсоннинг уйғоқлиги ёки тубанлигига баҳо бериш унинг турмуш тарзига қараб белгиланади. Чунки унинг турмуш тарзи истакларини қондираётганида тушунча ва майллари реакциясининг муқаррар натижасидир. Истаклар деганда фариза ва узвий эҳтиёжлари тушунилади. Жуда кўп тадқиқотчи ва олимлар уйғонишга олиб борувчи йўлни излашган. Улар уйғониш жараёни ва унга олиб борувчи йўлга – айниқса, Уматнинг қолюқ аҳволдалигига нисбатан ҳаммалари бир фикрда бўлган ҳолда – изоҳ беришга ҳаракат қилишган. Бутун Уматни қолюқлик қамраб олганлиги унинг фарзандларини турли уйғониш йўлларини бирма-бир таққослаб кўришга ундамоқда. Алалоқибат, етиб келган нарсалари ички тушкунлик, мағлубият, заифлик ва ҳорғинлик бўлмоқда... Бундай фикрий заифлик ва тушкунликдан Фарб фойдаланиб, заиф ақллар устидан ўзининг фикрий ҳукмронлигини ўрнатишга ҳаракат қилмоқда. Бошқа томондан, инсонларнинг баъзи бирини баъзи бирлари билан даф қилиб туриш қонунига кўра, ҳазоратлар тўқнашуви юзага келиб, бир ҳазорат иккинчи ҳазоратни даф қилмоқда. Ҳазорий мағлубият мезони таслим бўлишдир ёки Ибн Халдун тарифлаганидек, «Мағлуб бўлган ҳар бир киши ғолибга мафтун бўлади».

Фарб ва Шарқ тамсил этган капиталистик ҳазорат ҳаёт учун муайян тушунчани қабул қилган бўлиб, у бутун дунёнинг мана шу тушунча билан шаклланишини истайди. Хантингтон айтади: «Фарблик бўлмаган кишилар барча қадриятларидан воз кечишлари ҳамда бошқарув, иқтисод ва таълимга, шунингдек, барча муассасаларига алоқадор ҳамма ишларида Фарб тушунчаларини қабул қилишлари керак. Чунки ёлғиз шу тушунчалар маданиятли бўлишга олиб боради». Капитализм оламни яратган зотнинг бандалар ишларини бошқаришга ҳеч қандай алоқаси йўқ, деб даъво қилади. Шунинг учун ушбу асосий мафкурадан инсонни эътиборсиз қолдириб, уни статистик маълумотларда келтириладиган шунчаки рақам деб ҳисоблайдиган, пулни кўпайтириб, унинг киримларини кенгайтиришга эътибор берадиган, турли номлар остида ўғирликни қонунийлаштирадиган ҳамда бойлар билан камбағаллар ўртасидаги жарликни кенгайтирадиган қонун келиб чиқади. Бутун дунё бошдан кечираётган дарбадарлик

капитализмнинг ҳамда у кўтариб чиқаётган фикрлар ва капиталистик муассасаларнинг табиий натижасидир. Шунинг учун бугун ушбу нотўғри йўналишни тўғрилашга ва уни ўз йўлига қайтаришга қодир ягона дин Ислом деган эътиборда, одамлар диққат-эътибори Исломга қарамоқда. Айниқса, Исломдаги мавжуд фикҳий ва тарихий мерос уни дунёга етакчилик қилишини табиий ҳақиқатга айлантормоқда. Чунки Ислом ва ундаги мумтоз қонунчиликнинг инсон ва жамиятни ривожлантиришга лойиқ экани тарихда ўз исботини топган. Айниқса, Ислом қонунчилигининг умумий соғлом мафкурадан балқиб чиққанлиги сабабли инсон ҳаёт, коинот ва инсонга Аллоҳнинг нури билан назар ташлай олади. Шунинг учун дунё шу қонунлар билан тўғри йўлга тушади ва ҳақиқий қуллик рўёбга чиқади. Ислом Уммати қандайдир бир (масъулиятни ҳис қилмаган) Уммат эмас. У ўзининг ва бошқа халқларнинг олдида масъулиятни зиммасига олган. Чунки у раббоний ва ҳазорий рисолат соҳиби бўлган улуғвор Умматдир. Юқорида айтиб ўтилганларга асосланиб, ушбу мақолада уйғониш тушунчасини, унинг ҳазорий тикланишга боғлиқлигини ҳамда бу иккисига алоқадор тушунчаларни муҳокама қилишга ҳаракат қиламиз. Бу мақолада «Нега биздан бошқалар юксалиб, биз қоқлашдик?», деган саволга доир мунозарага тўхталиб ўтилади.

Уйғониш мавзусида ҳар доимгидек кўп ёзилмоқда, мутахассислар ўртасида ҳазорий юксалишни пайдо қилиш йўлида самарали комбинацияга (маълум мақсад билан қилинган юриш) эришишга қаратилган баҳс мунозаралар ҳамон давом этмоқда. Айниқса, Ислом Уммати бошдан кечираётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришлар уйғониш мавзусини ҳар қандай жиддий баҳс-мунозаранинг деярли ажралмас бир қисмига айлантириб қўйди. Баҳс-мунозара қилувчиларнинг йўналишлари ҳар хиллигига қараб, бу мавзуда ҳавола қилинаётган асосий қоидалар ҳам бир-биридан фарқлидир. Кимдир уйғониш технология билан амалга ошади деса, яна кимдир ахлоқ билан, бошқаси иқтисод билан амалга ошади демоқда... Шундай қилиб, бундай йўл-йўриқлар тугамайди ҳамда нуқтаи назар ва муаммоларга қарашда асос вазифасини ўтайдиган асослар хилма-хиллигига қараб йўл-йўриқлар ҳам бир-биридан фарқ қилади. Уйғониш ва унинг фаровонлик ва тараққиётни рўёбга чиқаришдаги таъсири катта аҳамият касб этгани учун, қадимги тарихдан бошлаб, то бугунги асримизга қадар олдинги ва кейинги тарихчилар уйғониш ва қоқлик ҳаракатига изоҳ топишга ҳаракат қилишган. Улар уйғониш босқичларини тўрт босқичга бўлишдан келиб чиқиб фикр билдиришган:

1 – Бир неча минтақаларда шаклланган ва қолдирган ёдгорликлари ҳамон ўрганиб келинаётган қадимги ҳазорат. Бунга

Миср, Сумер, Ассирийлар, Бобил, Форс, Юнон ва булардан бошқа ҳазоратларни мисол қилиш мумкин. Буларнинг охириги Рум ҳазорати бўлиб, у Ўрта ер денгизи ҳавзасини ўзига хос қўлга айлантириш учун ўз ҳукмронлигини ўша ерда ёйди. Лекин бу ҳазоратнинг ҳаёт даври милодий бешинчи асрда ниҳоясига етди.

2 – Уйғонган умматлар қомусида янги вакил пайдо бўлиши билан ажралиб турган ўрта асрлар. Ушбу янги вакил исломий ҳазорат бўлиб, унинг қуёши шарқда порлади, шуъласи ер қуррасининг шарқ томондан Хитойдан бошлаб Атлантика океанига қадар чўзилган, ғарб томондан Европага кириб бориб, Испанияни ва Андалус юртларини босиб ўтиб, Франция чегарасигача етиб борди. Ўша пайтда Ғарб бир неча асрлар давомида қоронғи зулмат ичида яшаб келаётган эди. Европа бу даврда очарчилик, ваболар, қашшоқлик ва зулмни бошдан кечираётган эди. Бу ҳолат ўн бешинчи аср бошланишига қадар давом этди. Ўн бешинчи асрга келиб, кучлар мувозанати Европа, шунингдек, черков билан муфаккирлар ўртасида кечган қонли кураш натижасида пайдо бўлган капиталистик ҳазорат фойдасига оға бошлади.

3 – Ўн еттинчи аср бошланиши арафасида, Британияда «шонли инқилоб» (Glorious Revolution 1688-89) тугаши билан туб сиёсий ўзгариш амалга ошди. Демократик капиталистик низомга асос солган сиёсий ўзгариш шу инқилоб натижасидир. Ушбу сиёсий ўзгариш туфайли Британияда бошланиб, сўнг Европа ва Американинг аксар қисмларига кўчган саноат инқилоби даврида саноат ва ишлаб чиқариш оламига кириш йўллари белгиланди. Исломий ҳазоратга нисбатан ҳолат бундай эмас эди. Чунки сиёсий ва молиявий инқирозлар кучайиши ҳамда Европа давлатлари томонидан амалга оширилган босимлар натижасида исломий ҳазорат оғир даврни бошдан кечираётган эди. Иш шу даражага етиб бордики, Усманийларда гавдаланган исломий давлат «касал одам», деб сифатланадиган бўлиб қолди. Бу давр Европада фикрий оқим пайдо бўлиши билан ажралиб турди. Ушбу оқим Европа жамияти учун янги ҳисобланган кўплаб ижтимоий тушунчаларга, масалан, давлат, ҳоким билан халқ ўртасидаги муносабатлар, қадрият ва ҳуқуқлар тўплами, мулкчилик, бойликни тақсимлаш, солиқлар ва булардан бошқа бир қанча тушунчаларга асос солишга ҳаракат қилди.

4 – Йигирманчи аср кўплаб геосиёсий ўзгаришларга гувоҳ бўлди. Бундай ўзгаришларнинг энг кўзга кўрингани 1924 йили Усманий давлатнинг қулаши ва исломий ҳазоратнинг таназзулга учраши бўлди. Исломий ҳазорат узоқ асрлар давомида башариятга мумтоз турмуш тарзини тақдим эта олган эди. У бошқа ҳазоратларга солиштириб қараганда, узоқ давр сақланиб давом

этишга қодирлиги билан кўпчиликни ҳайратда қолдирди. Аммо ҳаёт қонуни мувозанатнинг Ғарб ҳазоратига ҳамда унинг иккинчи жаҳон урушидан кейинги ўн йилликлар давомида дунёга ҳукмронлик қилган сиёсий ва иқтисодий лойиҳасига оғишини, шунингдек, социалистик фикр ва унинг давлати пайдо бўлишини тақозо этди. Социалистик давлат капиталистик мабда эгалари тарафидан дуч келган сиёсий рақобат шароитида узоқ давом этмади. Капиталистик ҳазоратнинг асосий фикрлари кўп ёриқларга дуч келишига қарамай, у ҳамон биринчиликда давом этмоқда. Капитализмнинг асосий фикрлари шундай бир воқеликни келтириб чиқардики, инсон ва унинг қадриятларини энг паст даражага тушириб юборишда башарият бунга ўхшаганини билмаган.

Ҳазоратлар жараёни ва таназзулининг талқини турлича бўлган. Баъзилар, ҳазоратларнинг таназзулга юз тутиши муқаррар, ҳар бир бошланишнинг ниҳояси бор, деб талқин қилган. Бундай талқинни олға сурувчилардан бири 1936 йили вафот этган немис файласуфи Освальд Шпенглер бундай дейди: «Ҳар қандай ҳазоратнинг индивидуал (шахсий) қисмати бор бўлиб, у пайдо бўлиш, гуллаб яшнаш ва ўлим даврларини бошдан кечиради. Ўн тўққизинчи асрдан, яъни капитализм пайдо бўлишидан бошлаб Ғарб ҳазорати қулаш босқичига кирди. Унинг гуллаб яшнаши феодализм даврида бўлди».¹ Бошқа томондан, 1975 йили вафот этган британиялик тарихчи ва файласуф Жозеф Тойнби асосий эътиборни ички ва ташқи рақобатга қаратади. Унга кўра, ички ва ташқи рақобат ишлаб чиқариш омилларини бошқаришга самарали ҳисса қўшади. Бу эса, жамиятда фаолиятнинг жонланишига олиб келади. Бу фаолиятни онгли элита бошқаради ва жамиятнинг умумий манфаати йўлида ундан фойдаланади. У бундай дейди: «Дунё тарихи юксалиш ва таназзулга юз тутишнинг катта даврларини босиб ўтади. Бу бир хил босқичларни, яъни туғилиш, ўсиш, қулаш ва парчаланиб вайрон бўлиш босқичларини босиб ўтадиган турли ҳазоратларнинг умумий натижасидир».² Тойнбининг қўшимча қилишича, ҳазоратлар қулаши ортидаги сабабга элитанинг давом этаётган рақобатга дош бера олмаслиги ва унга альтернатива тақдим эта олмаслиги деб хулоса қилиш мумкин. У бундай дейди: «Ҳар қандай жамият тарихидаги бунёдкор озчилик ўзига лойиқ бўлмаган позицияни куч билан сақлаб қолишга уринадиган ҳукмрон озчиликка айланган пайтда, ҳукмрон элемент табиатидаги бундай ҳалокатли ўзгариш пролетариатни (кўпчиликни) ундан ажралиб чиқишга ҳамда ўз эркидан келиб чиқиб унга ихлос қилиш

(1) Фалсафий энциклопедия – Шпенглер ҳақидаги боб.

(2) Фалсафий энциклопедия – Тойнби ҳақидаги боб.

ва тақлид қилишдан воз кечишга ундайди»... Шундай қилиб, ҳазоратнинг қулаши ҳазорий ўсиш босқичи даврида бўлинмаган жамият ичида курашувчи синфни вужудга келтиради...¹ Ўз ҳаётида француз инқилобини бошдан кечирган, ғоявий жиҳатдан Декартнинг франуз рационализи, Юманинг инглиз экспериментал фалсафаси ва немис фалсафаси каби фалсафий мактаблардан қаттиқ таъсирланиб шаклланган немис файласуфи Гегель (1770-1831) бундай дейди: «Қарама-қаршилик – бу барча ҳодиса ва нарсаларнинг моҳияти бўлиб, бу кураш ривожланиш манбасидир». Унинг фикрича, уйғониш ва таназзулга юз тутиш бир-бирдан ажралмас икки ҳодисадир. Унда ҳодиса ва позициялар тўқнашади ва бундан янги вазиятлар пайдо бўлишига олиб келган ҳаракат келиб чиқади».

Гегель Ғарбдаги фалсафий жараёнга кучли таъсир кўрсатди. Айниқса унинг диалектика назарияси ўзига кўп тарафдорларни жалб қилди. Унинг тарафдорлари орасида асл келиб чиқиши япон бўлган Франсис Фукуяма ҳам бор. У ўзининг «Тарих ниҳояси ва сўнгги инсон» номли китобини нашр қилиш билан шуҳрат қозонди. Фукуяма бу китобида бутун Ғарб, айниқса Американинг моделини зўрлаб тиқиштиришга уринган. Унинг фикрича, либерализмнинг энг юқори чўққисига етиши билан тарих ниҳоясига етиши мумкин. Бу эса, либерализмдаги мавжуд моддий ва илмий бойликка нисбатан ишончни кучайтирмоқда ҳамда бошқа халқларни Америка тажрибасидан нусха олишга тинимсиз ҳаракат қилишга мажбур қилмоқда. Ғарб ва Шарқ тамсил этган капиталистик ҳазорат ҳаёт учун муайян тушунчани қабул қилган бўлиб, у бутун дунёнинг мана шу тушунча билан шаклланган бўлишини истайди. Хантингтон айтади: «Ғарблик бўлмаган кишилар барча қадриятларидан воз кечишлари ҳамда бошқарув, иқтисод ва таълимга, шунингдек, барча муассасаларига алоқадор ҳамма ишларида Ғарб тушунчаларини қабул қилишлари керак. Чунки ёлғиз шу тушунчалар маданиятли бўлишга олиб боради».²

Булар алоҳида эътибор қаратилган намуна (модел)ларнинг баъзиларидир. Буларнинг изоҳлари тарихчи ва зиёлилар орасида машҳурдир. Юқорида айтиб ўтилган қарашларни муҳокама қилиш учун, аввало уйғонишга ва уни келтириб чиқарувчи сабабларга таъриф бериш лозим.

Уйғонишнинг моҳияти Луғавий таъриф

(1) Имомуддин Халил – Тарихнинг исломий талқини.

(2) The clash of civilizations .(1993). Huntington, S.

Уйғониш النهضة сўзи نهض (турди, рост (тўғри) бўлди) феълидан ясалган арабча сўздир. Лисонул араб луғатида шундай келади: نهض – ўрнидан турди. ينهض نهضًا نهوضًا، نهض، – яъни, турди. انتهض – улар жангга турдилар. النهضة – энергия, куч. مكان ناهض – баланд жой.

Истилоҳий таъриф

Уйғонишга – жамиятнинг бир ҳолатдан яхшироқ ҳолатга кўчиши, деб таъриф берилган.¹ Зиёли ва муфаккирлар орасида ушбу истилоҳий маъно қўлланади. Араблар уйғониш сўзини ҳозирги даврда пайдо бўлган маънода ишлатишмаган. Шунга кўра, агар уйғониш сўзи ишлатилса ундан истилоҳий маъно тушунилади ва агар луғавий маънога далолат қилган қарина бўлмаса, луғавий маъно тушунилмайди. Уйғониш мавзусидаги энг муҳим савол қуйидагича бўлади: Уйғоқ халқ билан қолоқ халқ ўртасидаги фарқ қандай бўлади? Тўғри уйғониш билан нотўғри уйғониш ўртасини фарқлаб олиш имконини берадиган ўлчов қандай бўлади? Ушбу саволларга жавоб бериш уйғониш истилоҳини деконструкция қилишни (таркибини ўрганишни) ва уни ўрганишдан кўзланган ғоя бўлишини тақозо этади.

Уйғониш мавзусининг аҳамияти одамлар ўртасида ихтилофлашилмайдиган масаладир. Чунки у одамларнинг бу борлиқдаги фаолиятларига далолат қиладиган табиий ҳолатдир. Одамлар доим ўзларининг яшаш шароитларини яхшилашга, сиёсий ва ижтимоий барқарорликни рўёбга чиқаришга ҳаракат қиладилар ҳамда жамиятни юксалтирадиган қадриятларни қабул қиладилар. Гап жамиятнинг уйғониши ҳақида борар экан, уйғониши исталган нарса моҳиятини билиб олиш учун аввало жамиятга таъриф бериш лозим. Жамият – доимий алоқа уларни боғлаб турган одамлар жамоатидир. Маълумки, одамлар жамоати – уларни боғлаб турган доимий алоқалар бўлмаса – жамиятни ҳосил қилмайди. Ушбу алоқаларнинг мавжудлиги жамиятга уйғоқ ёки қолоқ деб баҳо бериш мезонидир. Чунки доимий алоқалар жамият ҳақиқатини акс эттирувчи кўзгудир: «Одамлар ҳаётини шу алоқалар тартибга солади, улар орқали одат ва анъаналар билиб олинади. Ушбу алоқалар жараёнини ҳамда одамларнинг ўз алоқалари ва манфаатларини юритишларини кузатиш орқали биз бу жамиятни яхши (яроқли) жамият деб баҳолаймиз».²

Бу айтилганлар доимий алоқалар ҳақидадир. Шахс ҳақида айтадиган бўлсак, у ўзининг турмуш тарзи билан ажралиб туради. Инсоннинг қанчалик юксалган ёки юксалмаганлигини очиб берувчи

(1) Уйғониш – Ҳофиз Солиҳ.

(2) Уйғониш – Ҳофиз Солиҳ.

ягона нарса унинг турмуш тарзига баҳо беришдир. Бир шахс иккинчи шахсга унинг турмуш тарзи ва эҳтиёжларини қондириш пайтидаги хатти-ҳаракатлари орқалигина баҳо бера олади. «Биз одамларни уларнинг турмуш тарзи ва хатти-ҳаракатларига қараб юксак ёки тубан деб сифатлай оламиз. Шунда бу сифат уларнинг воқелигига ортиқчасиз ва ҳеч бир камчиликсиз мос келади».¹ Шу боис, инсон турмуш тарзининг манбасини ва уни чегаралаб берадиган қоидаларни топиш учун уни ҳаракатга ундовчи асосий омилни билиш зарурдир. Маълумки, инсонни фикрлари бошқаради ва агар унинг онгида маълум бир хатти-ҳаракатга олиб борадиган фикр мавжуд бўлмаса, у ҳаракатга келмайди. Турмуш тарз инсон ва инсон хатти-ҳаракатининг таржимаи ҳолидир. Маҳмуд Холидий турмуш тарзга шундай тариф беради: «Турмуш тарз – инсоннинг ғариза ва узвий эҳтиёжларини қондириш учун қилган ишларидир. Эҳтиёжларни қондириш пайтида инсоннинг ўзидаги майлларга мувофиқ юриши муқаррар». У – инсоннинг турмуш тарзи унинг ҳаёт ҳақидаги тушунчаларига боғлиқ, деб қўшимча қилади. Бунинг маъноси шуки, муайян истакни қондириш пайтида инсонда иккита асосий савол пайдо бўлади: Бу саволларнинг биринчиси нарсага ва унинг моҳиятига боғлиқ. Иккинчиси, инсоннинг турмуш тарзига, ишга киришиши ёки ундан тийилишига боғлиқ.

Агар очлик ҳолатини мисол қилиб келтирадиган бўлсак, ҳар қандай инсон – унинг эътиқоди қандай бўлишидан қатъий назар – онгида биринчи пайдо бўладиган савол: Тановул қилиш ирода қилинган нарса ошқозон очлигини тўйдирадими? – деган саволдир. Бундай саволнинг жавоби аксарият одамларда бир хил бўлиши мумкин. Ушбу нарса билан тўйдиришнинг жоиз ёки жоиз эмаслигига боғлиқ бўлган иккинчи савол жавобига келсак, бунга жавоб топиш нарсанинг зотидан ва инсоннинг зотидан ташқари масаладир. Қолаверса, бунга жавоб топиш инсон ўз амаллари учун ўлчов қилиб олган қоидага ёки бир неча қоидаларга мурожаат қилишни тақозо этади. Яъни бу инсоннинг ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назарига мурожаат қилишни тақозо этади. Агар инсон бу таомда ўзи қабул қилган ўлчовга, яъни ҳаёт ҳақидаги нуқта-назарига зид нарса борлигини билса, масалан, унинг нажаслигини ёки унда тўнғиз гўшти борлигини ёки соҳиби унга рухсат бермаганлигини билса... Бундай ҳолатда, ўзида унга нисбатан майл бўлишига қарамай, ундан тийилади ва ўзидан бу майлни йироқлаштиришга ҳаракат қилади. Бу – инсон ўзининг талаб ёки истакларини қондириш пайтида (бу талаб ва истаклар ейиш ва ичиш каби узвий эҳтиёж бўладими ёки тадайюн, нав ва бақо каби ғаризалар талаби

⁽¹⁾ Исломий уйғониш тушунчалари – Саботин, Нажоҳ Юсуф, 14 саҳифа.

бўладими ҳеч бир фарқсиз) дуч келиши мумкин бўлган ҳар қандай нарсага мос келади. Шундай қилиб, биз муҳим хулосага келамиз. Яъни, инсоннинг барча ишлари ўзи имон келтирган ва ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назари, яъни ақидаси белгилаб берган ўлчов ва қоидалар билан чекланган. Унинг барча ишлари ҳам – улар асосий ёки иккиламчи, катта ёки ҳақир, қадрли ёки арзимас бўлишидан қатъий назар – уларга қадам қўйиш ёки улардан тийилиш жиҳатидан ҳаёт ҳақидаги тушунча билан юргизилади. Шунинг учун ақида инсоннинг фикр ва тушунчалари учун асосий пойдевор бўлиб, ундан ҳаётнинг барча низомлари ҳамда ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назар келиб чиқади, шунингдек, яхшини ёмондан у орқали фарқлаб олинган қоида ва ўлчовлар олинади.

Шунга кўра, инсонга унинг амаллари орқали баҳо бериш аслида у имон келтирган ҳамда ўзи учун ўлчов ва ҳаёт ҳақидаги нуқтаи назар қилиб олган фикрларга баҳо беришдир. Ушбу фикрларга баҳо бериш хулоса чиқариш пайтида мурожаат қилинадиган ақлий қоидалар бўлишини тақозо этади. Фикрлар аслида фикрий қоида бўлиб, инсон ҳаётдаги ишларини юритишда уни асос сифатида ушлайди. Шунинг учун инсоннинг турмуш тарзини ўзгартириш ушбу асосий тушунчаларни тубдан ўзгартириб, уларни бошқа тўғри фикрларга алмаштиришдир. Бу шахсга тегишли гап. Аммо жамият ҳақида айтадиган бўлсак, фикрлар, туйғулар ва қонунлар билан чегараланган доимий алоқаларда шу уч омилнинг мавжуд бўлиши ва уларнинг бир бирига мувофиқлиги мумтоз жамиятни барпо қилишга олиб келади. Исломи жамият фикрлар, туйғулар ва қонунларни ўз ичига олган мумтоз ҳаёт тарзини гавдалантирган инсоний тузилмадир. Ундаги руҳий томон Ислом ақидаси билан ҳар томонлама боғлиқдир. Шахс ва мусулмон жамоат ҳаётининг ҳар бир жабҳаси учун Ислом адолатни рўёбга чиқарадиган муолажаларни белгилаган. Масалан, қашшоқликни тугатиш молиявий ишларни тартибга соладиган шаръий аҳкомларни татбиқ этиш билан бўлади. Закот, вақфлар, бойликни хазина қилиб сақлашни тақиқлаш, пул бирлигини олтин ва кумушга боғлаш механизми ва булардан бошқа аҳкомларни татбиқ қилиш орқали жамиятни қашшоқлик ҳамда қашшоқлардан холи жамиятга айлантиришга эришамиз. Сиёсий низом ягона манбадан келиб чиқишини таъминлаб берадиган доимий алоқалар шахслар билан низом ўртасида уйғунликни пайдо қилади ва ҳар бир киши битта кема ичида ҳаракат қилади. Абдуллоҳ Уравий табиий давлатни сифатлаган пайтида буни шундай изоҳлайди: «Бу – аъзолари ва низоми ягона йўлда бўлган давлатдир».

Жамиятни шу сурат асосида сифатлаш ҳақиқий сифатлашдир. Агар ушбу сурат жамоат урфи билан низом ўртасида уйғунликни

акс эттирса, яъни фикр ва туйғулар низомнинг жинсидан бўлса, биз бундай жамиятни ҳоким билан халқ ўртасида тўлиқ уйғунлик мавжуд бўлган уйғун жамият деймиз. Уйғониш асрида Европада низом билан одамлар эга бўлган фикр ва туйғулар ўртасида уйғунлик бўлган пайтда айна шу ҳолат юз берди. Уйғониш даврининг илк белгиларига гувоҳ бўлган Британияда, улар «шонли инқилоб», деб номлаган инқилобдан кейин ишлар юқорига қараб кўтарила бошлади. Чунки бу инқилоб саноат инқилоби учун мустаҳкам замин яратган сиёсий низомни олиб келди.¹ Америка ва Францияда ҳам шундай бўлди. Шунга кўра, ҳоким билан халқ ўртасида фикрлар, туйғулар ва қонунларнинг бир хиллашиши жамиятни бойлик манбаларини излашга, бойликни ўстиришга, шунингдек, ижтимоий, иқтисодий ва тарбиявий соҳани шакллантиришга қодир суверен институтларни таъсис этиш орқали жамиятда сифатли ўтиш даврини таъминлайдиган стратегияларни қабул қилишга ундайди.

Аммо, алоқалари ноаниқ, фикрлари тарқоқ, туйғулари хилма-хил, низомдан нафратланувчи ва уни парчалашга ҳаракат қилувчи жамиятга келсак, бундай жамият анархизм деб сифатланади. Чунки бундай жамият ҳоким билан халқ ўртасидаги мавжуд кураш натижасида асло олдинга қадам ташлай олмайди. Бу эса, бундай жамият аъзоларини атрофдагилардан ажратиб қўяди, уларга худбинлик ва лоқайдлик ҳукмронлик қилади. Шунга кўра, уйғоқ инсон – хатти-ҳаракатлари битта яхлит мафкурадан келиб чиққан инсондир. Уйғоқ жамият – алоқалари битта фикрий қоидадан келиб чиққан жамиятдир. Уйғонмаган шахсга, шунингдек, уйғонмаган жамиятга анархия ҳукмронлик қилади. Уни уйғотиш учун ушбу анархияни битта манба ёки ягона фикрий қоида билан алмаштириш керак. Фикрий қоида – коинот, инсон ва ҳаётнинг табиати ҳақидаги саволларга жавоб берадиган мабдаий фикрдир. Бу саволлар жавоби учтадан нарига ўтмайди:

1 – Коинотни яратиб, унда низомларни белгилаган яратувчи бор.

2 – Яратувчи бор, лекин унинг қонунлари ҳаётдан ажралган.

3 – Яратувчи йўқ.

Ушбу жавоблардан борлиқни яратиб, уни бошқарадиган яратувчи бор деб биладиган Ислом, динни ҳаётдан ажратадиган капитализм, шу жумладан илмонийлик ва динни халқларни қарахт қилувчи афюн деб ҳисоблайдиган социализмда гавдаланган мабда ва идеологиялар келиб чиққан.

⁽¹⁾ Нима учун халқлар муваффақиятсизликка учрайди «fail nation Why» 100 бет.

Ушбу идеологияларни ўрганган киши уларнинг барчаси уйғонишни рўёбга чиқарганлигини билади. Бироқ капитализм ва социализм рўёбга чиқарган уйғониш тўғри уйғониш бўлмади. Чунки бу икки мабда фикрий қоида тўғри бўлишининг икки асосий шартига, яъни ақлни қаноатлантириб, фитратга мос келишига риоя қилмади. Гарчи бу икки мабдада уйғониш белгилари рўёбга чиққан бўлсада, уйғонишнинг тўғри ёки нотўғрилигига хулоса қилишда шу икки шарт асосдир. Исломга келсак, у ушбу уч мабда орасида коинотнинг ҳақиқати ҳақида фитратга мос келадиган жавобларга эга бўлган ягона дин ва идеологиядир. Ислом фикрлашга тўсик қўймайди, аксинча ҳар бир инсоннинг ёрқин ва самарали фикрлаш орқали ҳақиқатни топишини истайди. Ислом фикрини қабул қилган инсон ўзини нима учун яратилганини ва яратилишидан кўзланган ғояни тушуниб ета олади. Шунинг учун Ислом қисқа давр ичида Араб Ярим ороли ва оламнинг хусусиятларини ўзгартира олди ва унинг акс-садоси бутун ер юзига етиб борди. У башарият илгари учратмаган-мислсиз бир ҳазоратни яратди. Исломда шундай фикрий, фикҳий ва илмий хазина борки, бу билан ҳамма вақт барча ҳазоратларнинг етакчисига айланишга лойиқдир. □

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
Даҳлон оқими Амирликлар позициясини қўллаб-қувватламоқда		
<p>Фатҳ ҳаракатидан ажралиб чиққан етакчи Муҳаммад Даҳлон Абу-Даби босқинчи (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириш келишувига эришганидан кейин Амирликларнинг позициясини қўллаб-қувватлашни билдирди. Даҳлон ўзининг баёнотида бундай деди: «Биз Бирлашган Араб Амирликларининг халқимиз ва инқилобимиз қатъиятини кучайтиришдаги тарихий ролини, халқимизнинг мустақиллик ва озодлик йўлидаги курашини ҳар доим қўллаб-қувватлаб келганини унутмаймиз». Яна қўшимча қилди: «Амирликлар ўзининг барча муносабатларини босқинчиликдан халос бўлишга қаратилган стратегия доирасида ишга солиб, доимо Фаластин халқининг олий манфаатларини ҳисобга олажак». Яна давом этди: «Амирликлар тўлиқ аннексия қилиш режасига яқун яшаш, Трампнинг режасини халқаро ва араб давлатлари ташаббуси қарорларига ўзгартириш ҳамда Трампнинг босқинчи давлат пойтахти Қуддус эканига оид қарорига қарши айна давлатлар позицияларини қўллаб-қувватлаш учун ўзининг барча саъй-ҳаракатларини АҚШ маъмурияти ва бошқаларга тўғридан-тўғри босим қилишга сарфлайди».</p>		
<p>Даҳлон ҳозирда Абу-Даби ҳоқимига маслаҳатчи бўлиб ишламоқда. Уни «Исроил» билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида муносабатларни нормаллаштириш шартномасининг яширин «муҳандис»и дейишади. 2011 йил Даҳлон порахўрликда айбланиб ҳамда Фаластин маъмурияти раҳбари Маҳмуд Аббосга қарши инқилоб қилишга уринишда гумонланиб, Фатҳ ҳаракати марказий кўмитасидан ҳайдалган. У Фаластинни тарк этиб Мисрга, у ердан кейин Амирликларга келган ва ўша ерда шахзода Муҳаммад ибн Зойидга маслаҳатчи бўлиб олган.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Даҳлон Маҳмуд Аббосдан кейин раҳбарлик мақомини эгаллашга тайёрланыпти. У ҳам Форс Кўрфази давлатлари ва «Исроил» ҳукмдорлари каби ҳамма иш бизнинг қўлимизда, дейдиганлардан бири. У ҳукмдорларнинг ҳукмдор бўлиш шартларидан бирига айланган хиёнатда мусулмон юртларидаги ҳукмдорлардан фарқ қилмайди.</p>		
Судандаги ўтиш даври ҳукумати илмонийлик ва динни давлатдан ажратиш принципига асосланган шартномага имзо чекмоқда		
<p>2020 йил 4 сентябр Эфиопия пойтахти Аддис-Абебада Бутунжаҳон озиқ-овқат дастури директори Дэвид Бисли иштирокида ёпиқ музокаралар бўлиб ўтди. Музокара сўнггида</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>Судан бош вазири Абдуллоҳ Ҳамдук билан Судан Озодлик Халқ ҳаракати раиси Абдулазиз Ҳулв қўшма шартномани имзолашди. Шартномада бундай дейилган: «Маданий, этник ва диний плюрализмни тан олиш ва ўзлаштириш, Судан халқлари ўртасида сиёсий тенгликни таъминлаш ва уларни қонун билан ҳимоялаш, шунингдек, Суданда динни давлатдан ажратишни рўёбга чиқарувчи демократик давлат бино қилиш». Яна бундай дейилган: «Судан барча фуқаролар ҳуқуқи таъминланган демократик давлатга айланиши учун динни давлатдан ажратиш принципига амал қилиниши шарт. Бу принцип мавжуд бўлмаган тақдирда, ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи ҳурмат қилинади. Барча суданлик фуқаролар эътиқод, ибодат ва диний маросимлар эркинлиги билан тўлиқ кафолатланган. Шунингдек, давлат бирор расмий динни тайин этиши ва фуқароларни динига қараб ажратиши ножоиз». Ҳа, бу шартнома «фуқаролар урушларига сабаб бўлган энг мураккаб муаммолардан бирини ҳал этишга қаратилган», деган гап билан безатилди. Халқ ҳаракати музокарачилари делегациясидан бир манба бундай деди: «Биз ушбу мураккаб муаммони илдизи билан ҳал этишни муҳокама қилмоқдамиз. Айни муаммонинг асосийси бирор яқдил келишувга эришилмасдан Суданга зўрлаб тиқиштирилган бир томонлама араб-ислом ўзлигидир. Ўтган ўнлаб йиллар мобайнида Судан тепасига келган ҳар бир режим ўзининг ўзлигини ёйиш ва тарихий ҳокимиятини муҳофаза қилиш мақсадида халққа диний ва ирқий қонунларни зўрлаб ўтказиб келди». Манба яна қўшимча қилди: «Бу қонунлар сиёсий ислом лойиҳаси пайдо бўлишига сабаб бўлди».</p> <p>Ал-Ваъй: Шу нарса очиқ кўриниб турибдики, Исломга қарши курашиш ва уни йўқ қилиш учун кураш кетаётган ушбу шиддатли босқичда, Фарб ва унинг малай ҳукмдорлари Исломга алоқадор бўлган ҳар бир нарсага қарши мисли кўрилмаган даражада уруш олиб боришмоқда. Судандаги Фарбга малай бўлган ва армия билан қаттиқ ҳимояланган бу фуқаровий илмоний ҳокимият малайликда ҳам, жинояткорликда ҳам аввалгилардан ўтиб тушди. Бу ҳокимиятдагилар Суданда ҳокимият тепасида Ислом бўлишини қўллаб-қувватловчи жамоатчилик фикрини эътиборга ҳам олишмаяпти. Аксинча, улар Фарб режалари доирасида Исломни бир четга суришга ва уни асл ҳақиқатига зид равишда кучсиз қилиб кўрсатишга ҳаракат қилишмоқда.</p> <p>Ушбу шартноманинг амалга ошмаслиги ва қаттиқ қаршиликка учраб бекор қилиниши турган гап. Нусрати Шариат ҳаракати раиси шайх Муҳаммад Абдулкарим твиттерда бундай баёнот тарқатди:</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالى: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мўминлар ҳеч шак-шубҳасиз ога-инилардир»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>«Ҳамдук билан Ҳулвнинг динни давлатдан ажратиш принципига имзо чекиши Судан аҳлини тамсил этмайди. Чунки бу иккала кимса ҳам бир танганинг икки томони бўлиб, Суданнинг исломий ўзлигига зид илмоний коммунистик йўналишдан юришади. Барча суданлик ҳалол фарзандларимизнинг эркинлик, деган нарсани бекор қилишлари ва хоину малайлар ҳукумати ўзгартиришлари вақти келди».</p>		
<p align="center">Абдураҳмон Судайснинг Макка Ҳарамида қилган жума хутбаси Саудиянинг «Исроил»га нисбатан позицияси билан боғлиқ саволларни келтириб чиқарди</p>		
<p>Макка Ҳарами имоми Абдурраҳмон Судайснинг (ҳижрий 1442 йил 16 муҳаррам, милодий 2020 йил 9 сентябрда) жума хутбасида айтган яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштиришга оид баъзи сўзлари кенг жамоатчилик тортишувларига сабаб бўлди. Бу хутба ёмонлик белгиси, дея баҳоланмоқда ҳамда Саудия раҳбариятининг яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштиришга нисбатан позициясида ўзгариш бошланаётганидан дарак бермоқда. Судайснинг хутбадаги сўзларидан бири мана бу: «Эътиқод масалаларида керак бўлган баъзи фойдали огоҳлантиришлардан бири ал-вало вал-баро (дўст тутиш ва душманлашиш) бобини яхши тушунмаслик ҳамда қалбий ақида билан шахс ва давлат муносабатларидаги яхши муомала ўртасини яхши фарқлай олмасликдир». Яна қўшимча қилди: «Ғайримусулмонга яхши муомала қилиш ва унинг қалбини шакллантириб, динимизга олиб киришга ҳаракат қилиш ҳам ал-вало бобидандир». У ўз сўзларига Набий ﷺ нинг яҳудийлар билан муомала қилишларида кўринган воқеаларни ҳужжат қилди. Ул зотнинг ўз совутларини бир яҳудийга омонатга берганини ҳамда Ҳайбар яҳудийлари билан деҳқончиликда шерик бўлганликларини таъкидлади. Судайс хутбасини Фаластинни дуо қилиш билан тамомлашдан олдин бундай деди: «Соғлом ақида билан раҳбарга итоат қилишнинг вожиблиги бошқа нарса, «кофир хаворижлар, адашган ҳизблар ва қуролли зўравон жамоалар» айтаётган нарса бошқа нарсадир».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Бугунги кундаги ҳукмдорлар ёмонликда шу даражага етишдики, бунга ишонмайдиган бирорта ҳам мусулмон қолмади. Бу ёмонлик ҳукмдорларига итоат қилишда уламолардан бирортасининг ҳам қўлида Аллоҳ, Росули ва мўминларга кўрсатадиган ҳужжати қолмади, ҳаммаси фош бўлиб бўлди. Мана шу ёлланган ҳукмдорларга эргашган ёмонлик уламолари шариатга бутунлай тескари ва ҳукмдорлар қарорларига эса, тўла-тўқис мос</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْذُلُهُ وَلَا يَحْقِرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>фатво чиқаришда ҳаддан ошгандан ошишди. Худди шунга ўхшашлар ҳақида шариат бизни эҳтиёт бўлишга чақириб, қаттиқ хавотир ила огоҳлантирган. Дарҳақиқат, имом Термизий санадларини ўрганиб чиқиб ривоят қилган, Насоий билан Ҳоким саҳиҳ деган ушбу ривоятда Росулulloҳ ﷺ бундай марҳамат қиладилар:</p>		
<p>«سَيَكُونُ بَعْدِي أُمَرَاءُ، فَمَنْ دَخَلَ عَلَيْهِمْ فَصَدَّقَهُمْ بِكَذِبِهِمْ، وَأَعَانَهُمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ، فَلَيْسَ مِنِّي، وَاسْتَمْتُ مِنْهُ، وَلَيْسَ يُوَارِدُ عَلَيَّ الْحَوْضَ. وَمَنْ لَمْ يَدْخُلْ عَلَيْهِمْ، وَلَمْ يُعْنَهُمْ عَلَى ظُلْمِهِمْ، وَلَمْ يُصَدِّقْهُمْ بِكَذِبِهِمْ، فَهُوَ مِنِّي، وَأَنَا مِنْهُ، وَهُوَ وَارِدٌ عَلَيَّ الْحَوْضَ»</p>		
<p>«Мендан кейин шундай раҳбарлар бўладики, ким уларнинг олдига кирса ва ёлғонларини тасдиқласа ва зулмларига ёрдамлашса, бас, у мендан эмас, мен ундан эмасман ва у менинг ҳавзимдан сув ичмайди. Ким уларнинг олдига кирмаса ва зулмларига ёрдамлашмаса, ёлғонларини тасдиқламаса, бас, у мендан, мен ҳам унданман ва у менинг ҳавзимдан сув ичади».</p>		
<p>Абу Довуд билан Байҳақий Абу Ҳурайра <small>رضي الله عنه</small> дан, ривоят қиладики, Росулulloҳ ﷺ бундай деганлар:</p> <p>«... وَمَنْ أَتَى أَبْوَابَ السَّلْطِينِ افْتَتَنَ، وَمَا ارْزَادَ عَبْدٌ مِنَ السُّلْطَانِ دُنُوًّا إِلَّا ارْزَادًا مِنَ اللَّهِ بُعْدًا»</p>		
<p>«... Ким бундай султонлар ҳузурига кирса фитналанеди. Банда бундай султонга қанчалик яқинлашса, Аллоҳдан шунчалик узоқлашади». Бу фитна фақат ҳукмдорларники эмас, балки уламоларники ҳамдир, чунки улар ҳам гуноҳга шерикдирлар.</p>		
<p align="center">Томас Фридман: 2020 йилдаги сайловлар АҚШ демократиясининг якуни бўладими?!</p>		
<p>Америкалик ёзувчи Томас Фридман «Нью-Йорк таймс» газетасида нашр қилинган ўз мақоласини 2020 йилдаги сайловлар АҚШ демократиясининг якуни бўладими?! – деган савол билан бошлади. Фридманнинг айтишича, бундай савол хаёлига ҳеч қачон келган эмас. Бироқ у Қўшма Штатлар ўз тарихида биринчи бор келаси ноябр сайловларини эркин ва шаффоф ўтказишга муваффақ бўлмаслиги мумкин, деб ўйляпти. Шунингдек, агар Демократлардан номзод Жо Байден Республикачилардан номзод бўлган президент Дональд Трампни мағлуб этса, ҳокимият тинч ва қонуний йўл билан ўтказилмайди, деб ҳисобляпти. Унга кўра, агар америкаликларнинг ярми Трамп маъмурияти қасддан почта</p>		

хизматини саботаж қилиб, бизнинг овозимизни тўлиқ санамади, деб ҳисоблайдиган бўлса, бу ёқда Трамп ҳам қолган ярим овозларда, яъни Байденга почта орқали берилган овозларда фирибгарлик қилинганини даъвои қилса, ана унда, бундай ҳолат нафақат баҳсли сайловларни келтириб чиқаради, балки демократияни тугатади. Фридман «Навбатдаги фуқаролик урушининг уруғини сепади, десак муболаға қилмаган бўлаемиз», дея қўшимча қилди. У – бу ерда «реал таҳдид» борлигини, ҳар қандай шубҳага барҳам бериш учун ўз округидаги сайлов участкасига бориб, Жо Байден ва Камала Харрисга овоз бериш учун қўлидан келган барча имкониятини сарфлаши»ни таъкидлади. Ёзувчига кўра, янги почта хизмати раҳбари Луис Деджойга ишониб бўлмайди, чунки у Трампга яқин бўлган ва унинг томонидан тайинлаган кимса, ҳатто президентнинг ўзи ҳам сайловни ўз истаги бўйича ўтказиши мумкин бўлган кимсадир. Мақоласи сўнггида Фридман америкаликларнинг кимни сайлашларига қизиқмаётганини, бироқ бу сайловларнинг ўғирланишидан огоҳ этаётганини, чунки маълум кимсалар сайловни ҳамма овоз бера олмайдиган, ҳатто берилган овозларни санашнинг имкони бўлмайдиган тарзда қасддан сохталаштиришлари мумкинлигини айтиб ўтди.

Ал-Ваъй: Президент Трамп ижтимоий сўровларда Жо Байдендан ортда қолмоқда. Трамп қанча сайловда оз одам қатнашса, шунчалик ўзини қайта сайланиш имконияти туғилажагига ишонмоқда. Шунинг учун унинг фикрича, сайлов бюллетенларини санамасликнинг муҳим сабабларидан бири шу бюллетенларнинг сайлов идораларига санаб чиқиладиган муддатдан кейин етиб келишидир. Бу йил кузда бериладиган овозларнинг 50 фоизи covid-19 пандемияси сабабли почта орқали берилиши кутилмоқда. Бу мисли кўрилмаган улкан рақам, чунки илгари овозларнинг чорак қисми бўлар эди, холос.

Почта хизмати раҳбарлиги лавозимига Луис Деджой ўтириши ортидан айна кечикишлар тўғрисида хавотирлар пайдо бўлди. Чунки бу кимса Трампнинг иттифоқчиси бўлиб, почта идорасининг раҳбаридир. У почта хизмати ҳайъатидаги энг юқори ролни бажаради. Ҳозирда Трамп билан Деджой қасддан почта хизмати масаласини пайсалга солишяпти, шу орқали овоз беришни янада мушкуллаштиришмоқчи, деган гап тарқалган. Зеро, почта орқали овоз беришни қийинлаштириш мақсадида айна хизмат учун 25 миллиард доллар ёрдамни тўсиб қўйганини Трампнинг ўзи эътироф этди. □

ҚУРЪОНИ КАРИМ СУҲБАТИДА



﴿وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَىٰ سَفَرٍ وَلَمْ تَجِدُوا كَاتِبًا فَرِهْنَ مَقْبُوضَةٌ فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُم بَعْضًا فَلْيُؤَدِّ الَّذِي أُؤْتِمِنَ أَمْنَتَهُ وَلِيَتَّقِ اللَّهَ رَبَّهُ وَلَا تَكْتُمُوا الشَّهَادَةَ وَمَنْ يَكْتُمْهَا فَإِنَّهُ آثِمٌ قَلْبُهُ وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ﴾

«283. Агар сафарда бўлсангиз ва котиб топа олмасангиз (берилган нарса эвазига) қўл билан тутгудек гаров олинг! Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз, омонат қўйилган киши омонатини адо қилсин ва Парвардигори — Аллоҳдан қўрқсин! Гувоҳликни яширмангиз! Ким (гувоҳликдан бош тортиш билан) уни яширса, бас, албатта унинг қалби осий-гуноҳқордир. Аллоҳ қилаётган амалингизни билгувчидир»

[Бақара 283]

Ҳизб ут-Таҳрир амири Ато ибн Халил Абу Роштанинг (у кишини Аллоҳ ҳифзу ҳимоясида асрасин) «Тайсир фи Усулит Тафсир» номли китобида қуйидагича келади:

Аллоҳ Таоло бу муборак оятда баён қиляптики, дайн муомаласини қилаётганлар сафарда бўлиб қолсалар ва сафар чоғида ёзадиган одам топа олмасалар, қарз берувчи қарз олаётган одамдан гаровга бирор нарсани олиши мумкин.

Агар бир-бирларига ишонсалар, ёзувчининг ҳам, гувоҳнинг ҳам, гаровнинг ҳам ҳожати йўқ. Қарз берувчининг ишончига кирган қарздор Аллоҳдан қўрқиб, қарз берган кишининг ҳаққини кўп сўратмасдан бериши, у қилган яхшилиқни унутмаслиги лозим.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло гувоҳликни яшириш оғир гуноҳлигини айтиб, уни яширмасликка ундайди. Оятнинг охирида эса, Ўзининг ҳамма нарсани билишини, улар барибир ҳеч нарсани яшира олмаслиқларини, чунки Ўзининг ғайбларни ҳам билгувчи Зот эканлигини, еру осмондаги заррадек нарса ҳам Унинг назаридан четда қолмаслигини баён қилади.

﴿وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ﴾

(**Аллоҳ қилаётган амалингизни билгувчидир**) бас, унга қараб сизларга жазо ёки мукофот беради.

(**وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَىٰ سَفَرٍ** **Агар сафарда бўлсангиз**) яъни, мусофир бўлсалар.

(**فَرِهْنٌ** **гаров**) гаров сўзининг кўплиги. Аслида бу сўз масдар. Масдар исми мафъул маъносида қўлланиши мумкинлиги эътибори билан бу ерда гаровга қўйилган нарса маъносида қўлланяпти.

(**مَقْبُوضَةٌ** **қўл билан тутгудек**) гаровни қарз берувчига бериш ва унинг олишига яна бир далил.

(**وَلَمْ يَتَّخِذُوا كَاتِبًا فَرِهْنٌ مَّقْبُوضَةٌ** **ва котиб топа олмасангиз** (берилган нарса эвазига) **қўл билан тутгудек гаров олинг!**) яъни, гаровга нарса беришдан мақсад сафарда, ёзувчи топилмай қолган пайтда қилинаётган қарз савдосини ҳужжатлаштиришдир. Чунки гаровга нарса қўйиш ёзиб ҳужжатлаштиришнинг ўрнини босади. Бинобарин, гаровга нарса қўйишнинг ҳукми мана шундай ҳолатда худди ёзиш каби мандуб бўлади.

Шу ерда бир савол туғилади: Модомики, муқимликда қарз савдосини ёзиш, сафарда, ёзувчи топилмай қолган пайтда эса гаровга нарса бериш мандуб экан, энди муқимликда ёзувчи топилиб турган пайтда ҳам гаровга нарса қўйиш мумкинми? Ёки сафарда ёзувчи топилиб турган пайтда ҳам гаровга нарса қўйиш мумкинми?

Бунга жавоб шуки, ҳа, шундай қилиш жоиз. Фақат бу пайтда гаровга нарса қўйишнинг ҳукми мандуб эмас, мубоҳ бўлади.

Бунга далил қуйидагича бўлади:

а) Аввало муқимликдаги ҳолат ҳақида гапирадиган бўлсак, Бухорий Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилган ҳадисда шундай дейилади:

«أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ اشْتَرَىٰ مِنْ يَهُودِيٍّ طَعَامًا إِلَىٰ أَجَلٍ وَرَهْنَهُ دَرْعًا لَهُ مِنْ حَدِيدٍ»

«**Пайғамбар ﷺ бир яҳудийдан маълум муддатга** (пулини кейинроқ тўлайдиган бўлиб) **бир ейимлик сотиб олганлар ва ўзларининг темир совутларини гаров сифатида қолдирганлар**».¹ Насойй Ибн Аббосдан ривоят қилган ҳадисда эса бундай дейилган:

«تُوْفِيَ رَسُولُ اللَّهِ ﷺ وَدَرَعُهُ مَرْهُونَةً عِنْدَ يَهُودِيٍّ بِثَلَاثِينَ صَاعًا مِنْ شَعِيرٍ لِأَهْلِهِ»

«**Пайғамбар ﷺ вафот этган пайтларида у кишининг совутлари бир яҳудийда ўз оиласи учун сотиб олган ўттиз соъ** (ўлчов бирлиги) **арпага гаровда эди**».²

(1) Бухорий: 2700.

(2) Насойй: 4572. Бухорий: 2759, 4197. Аҳмад: 1/46, 361. Ибн Ҳиббон: 13/262.

Пайғамбар ﷺ нинг қилган ишлари талабни ифодалайди. Қатъий қарина ҳам, таржих қилувчи қарина ҳам бўлмаганлиги ва бу иш қурбат (Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш) ҳам саналмаганлиги учун муқимликдаги гаровга қўйиш мубоҳ бўлади. Ёзишнинг имкони бор бўлган тақдирда ҳам ёзиш мандуб, гаровга қўйиш эса мандуб бўлаверади.

б) Сафардаги ҳолат хусусида тўхталадиган бўлсак, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَىٰ سَفَرٍ وَلَمْ تَجِدُوا كَاتِبًا فَرِهَنَّ مَقْبُوضَةً﴾

(Агар сафарда бўлсангиз ва котиб топа олмасангиз (берилган нарса эвазига) **қўл билан тутгудек гаров олинг!**) сафарда ёзувчининг бўлмаслиги кўпинча учрайдиган ҳолат эътибори биландир. Яъни, у замонларда саводли одамлар кам бўлгани сабабли кўпинча сафарда ёзувчи топилмай қолган. Шунинг учун бу ердаги қайднинг (васфнинг)

﴿وَلَمْ تَجِدُوا كَاتِبًا﴾

(Ва котиб топа олмасангиз) мафҳумига амал қилинмайди. Демак, ёзувчи топилиши ёки топилмаслигидан қатъий назар, гаровга нарса қўйиш жоиз. Фақат ҳукм ўзгаради, холос. Сафарда ёзувчи топилмай қолган пайтда гаровга нарса қўйиш ёзишнинг ўрнини босади ва шу сабабли у ҳам мандуб бўлади. Сафарда ёзувчи топилиб турган бир пайтда гаровга нарса қўйиш эса мубоҳдир.

Хулоса қуйидагича бўлади:

Муқимликда ёзиш мандуб, гаровга нарса қўйиш эса мубоҳ.

Сафар ҳолатида агар ёзувчи топилмаса, гаровга нарса қўйишнинг ҳукми мандублик бўлади. Агар ёзувчи топилса, унинг ҳукми мубоҳлик, ёзишнинг ҳукми эса мандублик бўлади.

(وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَىٰ سَفَرٍ وَلَمْ تَجِدُوا كَاتِبًا فَرِهَنَّ مَقْبُوضَةً) **Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз** яъни, қарз бераётган одам билан қарз олаётган одам сафарда ёки муқимликда бир-бирларига ишонсалар, қарз бераётган одам қарз олаётган одам хусусида яхши фикрда бўлиб, унинг омонатдорлигига, чўзмаслигига ишонса, бундай ҳолатда қарзни ёзиш, гаровга нарса қўйиш ёки гувоҳ чақириш билан ҳужжатлаштиришнинг ҳожати қолмайди. Ҳужжатлаштириш мубоҳ бўлиб қолади. Хоҳласа, қилади, хоҳламаса, қилмайди.

(وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَىٰ سَفَرٍ وَلَمْ تَجِدُوا كَاتِبًا فَرِهَنَّ مَقْبُوضَةً) **Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз** фақат сафар ва гаровга қўйишгагина хос эмас. Негаки, гарчи у сафар билан бошланаётган оятда нозил қилинган бўлса-да,

﴿فَرِهَنَّ مَقْبُوضَةً﴾

(**Қўл билан тутгудек гаров олинг!**) деган жойга келиб маъно тўла бўляпти, яъни, ундан кейинги гапда худди олдингидагидек, сафар ва муқимликда ёзиш, гувоҳ чақириш ва гаровга нарса қўйиш каби дайнга алоқадор ҳукмлар айтиляпти.

Шу оятда

﴿وَلَا تَكْتُمُوا الشَّهَادَةَ﴾

(**Гувоҳликни яширмангиз!**) деган гапнинг айтилаётгани ҳам фикримизни қувватлайди. Сафарда гаровга нарса қўйиш ҳақида гапирилди, лекин гувоҳ чақириш хусусида ҳеч нарса айтилмади. У фақат муқимликдаги ҳолат устида кетаётган гапдагина айтилди. Шунга қарамасдан, сафар билан бошланган оятда

﴿وَإِنْ كُنْتُمْ عَلَىٰ سَفَرٍ﴾

(**Агар сафарда бўлсангиз**) дейилди. Шунга биноан, рожиҳ гап шуки,

﴿فَرِهَلْنُ مَقْبُوضَةً﴾

дан кейин келган гап олдинги сафар ва муқимликда бўладиган дайн мавзусига тегишлидир.

Маъно мана бундай бўлади: Агар қарз берувчи билан қарз олаётган одам ўртасида бир ишонч бўлиб, қарз берувчи қарз олувчининг омонатдорлигига, қарзни қайтаришни чўзмаслигига ишонса, муқимликда ҳам, сафарда ҳам ёзиш, гувоҳ чақириш, гаровга нарса қўйиш каби воситалар билан бу ишни ҳужжатлаштиришнинг ҳожати қолмайди. Аллоҳ Таолонинг

﴿فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُم بَعْضًا﴾

(**Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз**) деган гапида ўз аксини топган бундай ҳолатда ҳужжатлаштириш мандуб эмас, мубоҳ бўлиб, қолади.

(**فَلْيُؤَدِّ الَّذِي أُؤْتِمِنَ أَمْنَتَهُ،** **омонат қўйилган киши омонатини адо қилсин**) яъни, қарздор қарз берувчига олган қарзини қайтарсин. Бу ерда дайн омонат, деб номланяпти. Чунки қарз олаётган кишининг омонатдорлиги билан ҳужжатлаштиришдан беҳожат бўлиняпти.

Бу ердаги талаб вожибликни ифодалайди. Яъни, қарзни адо этиш вожиб. Бунга қарина (أَمْنَتَهُ) лафзи қаринадир. Омонатни адо этиш фарздир.

﴿لَا إِيمَانَ لِمَنْ لَا أَمَانَةَ لَهُ﴾

«**Омонатдорлиги йўқ кишининг имони ҳам йўқ**».¹ ва бундан бошқа ҳадислар ҳам бор. Демак, бу ерда омонат сўзи қўлланяпти. У адо этилиши фарз бўлган тавсифдир. Бу ердаги қарзни омонатга ўхшатилиши ва талаб мавзусига омонатни адо қилиш қўйилиши (فَلْيُؤَدِّ) буйруқнинг фарзликни ифодалашига қаринадир.

(وَلْيَتَّقِ اللَّهَ رَبَّهُ) **Парвардигори – Аллоҳдан қўрқсин!** у ҳақни инкор қилиш ёки уни адо қилмасликдан огоҳлантириляпти.

(وَلَا تَكُونُوا الشَّاهِدَةَ) **гувоҳликни яширмангиз!** гувоҳларга ҳам, қарз берувчига ҳам, қарз олувчига ҳам тегишли бўлган умумий хитоб. Яширмасинлар, ўзгартирмасинлар. Бу ердаги тақиқ қатъий тақиқдир. Унга қарина Аллоҳ Таолонинг

﴿وَمَنْ يَكْتُمْهَا فَإِنَّهُ رَءَايُمْ قَلْبُهُ﴾

(**Ким (гувоҳликдан бош тортиш билан) уни яширса, бас, албатта унинг қалби осий — гуноҳкордир**), деган гапидир.

(رَءَايُمْ)дан кейин (قَلْبُهُ)нинг зикр қилиниши гуноҳнинг нақадар катталигини кўрсатади. Бир иш қилиб бўлинганидан кейин уни ифодалашда ҳис этувчи аъзонинг ҳам қўшиб айтилиши маънони янада кучайтиради. Масалан, уни кўрдим, деган гапдан кўра уни ўз кўзим билан кўрдим, деган гапдаги маъно кучлироқ. Уни эшитдим, деган гапдан кўра уни ўз қулоғим билан эшитдим, деган гапдаги маъно кучлироқ. Худди шунга ўхшаб, «ومن يكتمها فإنه إثم» **ким уни беркитса, гуноҳкор бўлади**», деган гапдан кўра

﴿وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ﴾

(**Ким (гувоҳликдан бош тортиш билан) уни яширса, бас, албатта унинг қалби осий-гуноҳкордир**), деган гапдаги маъно кучлироқ.

(وَاللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ عَلِيمٌ) **Аллоҳ қилаётган амалингизни билгувчидир**) яъни, сизларнинг яширину ошкора барча ишларингизни билади. Зеро, Аллоҳ Таолодан ҳеч нарса махфий эмас. У сизларнинг амалларингизни биладиган, ҳисоблайдиган ва уларнинг яхши ёмонлигига қараб, жазо ёки мукофот берадиган Зотдир. □

(1) Аҳмад: 3/154, 210.

УММАТИМНИНГ ҲАР БИРИ МАҒФИРАТ ҚИЛИНАДИ, ГУНОҲЛАРИНИ ОШКОР ҚИЛУВЧИЛАРГИНА БУНДАН МУСТАСНО

– Абу Ҳурайра رضي الله عنه ривоят қиладики, мен Расулуллоҳ ﷺнинг бундай деганларини эшитгандим:

«كُلُّ أُمَّتِي مُعَافَى إِلَّا الْمُجَاهِرِينَ، وَإِنَّ مِنَ الْجَهَارِ أَنْ يَعْْمَلَ الرَّجُلُ بِاللَّيْلِ عَمَلًا ثُمَّ يُصْبِحُ وَقَدْ سَتَرَهُ اللَّهُ تَعَالَى فَيَقُولُ: عَمِلْتُ الْبَارِحَةَ كَذَا وَكَذَا، وَقَدْ بَاتَ يَسْتُرُهُ رَبُّهُ، وَيُصْبِحُ يَكْشِفُ سِتْرَ اللَّهِ عَنْهُ»

«Умматимнинг ҳар бири мағфират қилинади, гуноҳларини ошкор қилувчиларгина бундан мустасно. Ошкора қилиш шуки, киши кечаси бир қилмиш содир этган бўлади. Сўнг тонг оттиргач, Аллоҳ унинг қилмишини ёпган бўлса ҳам, у эй фалончи, мен кечаси ундай ва бундай иш қилдим, деб ошкор қилади. Парвардигори тунда унинг қилмишини пардалайди, аммо тонг отганда Аллоҳ ёпган пардани очиб ташлайди». (Бухорий ривояти).

– Ибн Умар رضي الله عنه ушбу ҳадисни ривоят қилади:

«اجْتَنِبُوا هَذِهِ الْفَاذُورَةَ الَّتِي نَهَى اللَّهُ عَنْهَا فَمَنْ أَمَّ مِنْهَا بِشَيْءٍ فَلَيْسَتْ بِسِتْرِ اللَّهِ وَلَيْتَبُ إِلَى اللَّهِ فَإِنَّهُ مَنْ يُبْدِلُنَا صَفْحَتَهُ نَقِمَ عَلَيْهِ كِتَابَ اللَّهِ»

«Аллоҳ қайтарган бундай ифлос ишдан узоқ бўлинглар. Бас, ким шундай қилиб қўйган бўлса, уни Аллоҳнинг пардаси билан беркитсин ва дарҳол унинг учун Аллоҳга тавба қилсин. Кимнинг башараси бизга очилиб қолса, унга Аллоҳнинг Китобини қўллаймиз». (Байҳақий ривоят қилган, Ҳоким ҳам уни ривоят қилиб, саҳиҳ деган, уни Заҳабий маъқуллаган). Расулуллоҳ ﷺ бунди Моиз رضي الله عنهни тошбўрон қилгандан сўнг гапирганлар. Ушбу ҳадисдан мурод шуки, ким фаҳш-зино иш қилиб қўйса, бас, уни яширсин ва тавба қилсин, ўзини одамларга фош қилмасин, бу ишини ҳукмдорга ҳам кўтармасин. Чунки бу иш ҳукмдорга етгудек бўлса, унга жазо қўллаш шарт бўлади. Нававий

роҳимаҳуллоҳ бундай деган: «Гуноҳ ишни қилиб қўйган киши бу ҳақда бировга, ҳатто бир кишига бўлса ҳам айтиши макруҳдир. Аксинча, бу гуноҳдан буткул суғурилиб, пушаймон бўлиши ва қайтиб қилмасликка аҳд қилмоғи лозим».

– Бу ҳадис исломий жамиятни муҳофаза этиш ва мўминлар манфаатини кўзлаб, уларнинг динлари ва ифбатларини сақлашга қаратилган. Чунки қачон фаҳш яширилса, у гўё содир этилмагандек бўлиб, жамият ва мусулмонлар ҳақида яхши тасаввур пайдо қилади. Аммо уни овоза қилинса, гўё ҳамма ёққа тарқалиб ёйилади ва мусулмонлар ва уларнинг жамияти ҳақида ёмон тасаввур пайдо қилади. Бу динимизнинг буюклиги ва Аллоҳнинг мўминларга марҳаматини кўрсатмоқда.

– Ушбу ҳадисда шундай маъно борки, ким маъсиятга қўл уриб, сўнг уни ошкор этса, икки гуноҳни содир этган бўлади: бири ўша маъсиятнинг гуноҳи, иккинчиси уни ошкор этиш гуноҳи. Мусулмон киши осийликни ошкор этса, уни Исломда фосиқ, дейилади. Исломда фосиқни гапириш ғийбат эмас. Чунки бундай ҳолатда гапиришнинг зиёни йўқ. Имом Аҳмад роҳимаҳуллоҳ бундай деганлар: «Киши очиқ фосиқлик қилса, уни гапириш ғийбат эмас. Аммо у осийлик қилиб қўйиб, ундан уялаётган бўлса ва уни яшириб, бировнинг билишини истамаса, бирорта ҳам мусулмонга унинг пардасини очиб, қилган осийлигини ошкор этмоқ жоиз бўлмайди. Агар шундай қилса гуноҳкор бўлади». Фузайл ибн Иёз роҳимаҳуллоҳ «Мўмин пардаланади ва насиҳат қилинади, фожир-бузук эса, фош этилади ва уялтирилади», деганлар. Шунга кўра, Росулulloҳ ﷺ бундай марҳамат қилганлар:

«مَنْ سَتَرَ مُسْلِمًا سَتَرَهُ اللَّهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَمَنْ كَشَفَ عَوْرَةَ أَخِيهِ الْمُسْلِمِ كَشَفَ اللَّهُ

عَوْرَتَهُ، حَتَّى يَفْضَحَهُ اللَّهُ بِهَا فِي بَيْتِهِ»

«Ким мусулмон биродарининг айбини ёпса, Аллоҳ қиёмат куни унинг айбини ёпади. Ким мусулмон биродарининг айбини фош қилса, Аллоҳ унинг айбини фош қилади, ҳатто уни уйда яшириб қилган ишини ҳам фош қилади». (Ибн Можа ривоят қилган ва саҳиҳ деган).

Сафвон ибн Муҳриз Мозиний бундай ривоят қилади: Мен Ибн Умар رضي الله عنه билан кетаётган эдим, уни қўлидан ушлаб олгандим. Бир киши рўпара келиб, ундан Росулulloҳ ﷺ нинг

муножот-ибодатларини эшитганмисиз, деб сўради. Ибн Умар Росулulloҳ ﷺнинг бундай деганларини эшитганман, деди:

«إِنَّ اللَّهَ يُدْنِي الْمُؤْمِنَ فَيَضَعُ عَلَيْهِ كَنَفَهُ وَيَسْتَرْهُ فَيَقُولُ: أَتَعْرِفُ ذَنْبَ كَذَا؟ أَتَعْرِفُ ذَنْبَ كَذَا؟»

Кَذَا؟ فَيَقُولُ نَعَمْ أَي رَبِّ. حَتَّى إِذَا فَرَّرَهُ بِدُنُوبِهِ وَرَأَى فِي نَفْسِهِ أَنَّهُ هَلَكَ قَالَ: سَتَرْتَهَا

عَلَيْكَ فِي الدُّنْيَا، وَأَنَا أَعْفِرُهَا لَكَ الْيَوْمَ، فَيُعْطِي كِتَابَ حَسَنَاتِهِ وَأَمَّا الْكَافِرُ وَالْمُنَافِقُونَ

فَيَقُولُ الْأَشْهَادُ هَؤُلَاءِ الَّذِينَ كَذَبُوا عَلَىٰ رَبِّهِمْ أَلَا لَعْنَةُ اللَّهِ عَلَى الظَّالِمِينَ»

«**Аллоҳ (қиёмат куни) мўминга яқин бўлади ва уни сояси остига олиб, айбини ёпиб, фалон гуноҳингни биласанми, пистон гуноҳингни биласанми, дейди. Мўмин – ҳа биламан, Роббим, дейди. Ниҳоят у ўз гуноҳига иқрор бўлиб, у билан ҳалок бўлдим, дея ташвиш қилади. Робби – уларни сендан ёпаман ва бугун сенинг гуноҳларингни мағфират қиламан, дейди. Кейин унга савоб амаллари китоби берилади. Аммо кофир ва мунофиқларга келсак, гувоҳлар улар ҳақида – булар Роббилари шаънига ёлғон сўзларни сўзладилар, огоҳ бўлинглар, бундай золимларга Аллоҳнинг лаънати бўлгай, дейишади».**

– Ушбу ҳадис шунга далолат қилмоқдаки, ким очиқ-ошкор бўлмаган ҳолда гуноҳ иш қилиб қўйса, афв этилганлардан бўлади ва бу Аллоҳ Таолонинг мусулмонларга бўлган марҳаматидир. Унда банда ўзи Аллоҳга имон келтирган ҳолда гуноҳни ошкор қилмаса Аллоҳ унинг ҳам гуноҳини ошкор қилмаслигига ҳамда Аллоҳ бу гуноҳни кечириб, тавбасини қабул қилишига далолат қилмоқда. Аммо банда гуноҳни очиқ-ошкор қилса, бу билан банда ўзининг имонининг заиф эканини ва яширишни писанд қилмаганини ошкор этган бўлади ва бу Аллоҳ наздида оғир гуноҳдир.

– Бу ҳадисда гуноҳни ошкор этиш Аллоҳнинг наздида оғир гуноҳ экани таъкидланмоқда. Чунки унинг гуноҳи ёйилиш билан оммага етади ва шахсийликдан чиқиб, овоза бўлади, фаҳш ишларнинг тарғиб этишга олиб боради. Чунки уни зикр қилиниши бошқаларга ҳам шундай ишни қилишга ундаши мумкин, айниқса, уни чиройли гаплар билан зийнатланса. Баъзан бошқа томоннинг ҳам айни гуноҳга шериклиги очилиб ҳам қолиши мумкин, хусусан, овоза қилиш имондан узоқроқ бир вазиятда бўлади.

– Яна бу ҳадисда Росулulloҳнинг

«إِنَّ اللَّهَ حَيِّيٌّ سِتِيرٌ يُحِبُّ الْحَيَاءَ وَالسَّتْرَ»

«Аллоҳ, шубҳасиз, ҳаёлидир, айбларни ёпувчидир, ҳаёни ва яширишни севади», деган ҳадислари ҳам ўз тасдиқини топмоқда. Шунинг учун гуноҳ қилиб қўйган киши уни яшириши, бировларга очмаслиги керак. Агар очса, карами кенг, қудрати улуғ айбларни ёпувчи зот томонидан ёпиб қўйилган пардани йиртган бўлади. Набий ﷺнинг олдига бир киши келиб, жазога лойиқ иш қилдим, мени жазоланг, дейди, у яширинча гуноҳ қилган бўлади. Шунда Росули акрам ундан юз ўгирадилар. Мана шу ишда жазо қўллашни талаб қилган кишига қулоқ солмаслик кераклигига йўлланма бор. Чунки гуноҳни қилиб қўйдими, бас, тавба қилиши кифоя. Бу – Аллоҳ билан унинг ўртасидаги масаладир.

Салафлардан бири бундай деган эканлар: «Аллоҳга шунча осийлик қилсак ҳам, лекин У Зот биз учун берган неъматларини санаб адоғига етолмаймиз. Шу боис, яхшиликларни беҳисоб бергани учунми ёки гуноҳларимизни ёпгани учунми, қай бирига шукр қилишни билмай қолдим»... □

ҚАСИДАНАВИСЛАР (РАВОДИДЛАР) ЭРОН РЕЖИМИНИНГ ЭНГ МУҲИМ ТАШВИҚОТ ҚУРОЛЛАРИДАН БИРИДИР

Эрон режимига яқин гуруҳлар катта имтиёзларга эга бўлиб, ҳузур-ҳаловатда яшайдилар. Улар орасида диний нашида кўйловчилар ёки Эрон урфида қасиданавислар (раводидлар) дея танилган синф ҳам бор. Ҳисоботда улар «вилоятул фақиҳнинг машхур одамлари», деб тасвирланади. Улар Эрон режими зодагонларига алоқадор бўлганликлари учун, уларнинг баъзилари шундай мартабага етишдики, бу мартаба улар учун бизнес-менеджерлар тайин этилишига туртки бўлди. Ҳусайния таъзия маросимлари ҳам фақат улар орқали чақириш мумкин. Баъзи қасиданависларнинг ойлик маошлари ва уларнинг эгаллаган мавқелари Эрон ҳукумати томонидан уларнинг ёлланиши орқали бўлиши маълум. Уларнинг баъзилари пойтахт Техронга келишса, уларга минглаб долларлик шартномадан ташқари баъзи имтиёзлар, масалан, турар жой виллалари берилади. Фарда радиосининг қўшимча қилишича, айрим қасиданавислар товарларни таъзия маросимларида реклама қилиб пул топиш даражасига етган. Фард радиоси ҳисоботида келтирилган норасмий статистик маълумотларга кўра, Эронда қасиданависларнинг сони 300 мингга етади. Бирок, шухрат ва бойликка инқилоб посбонлари ва Эрон олий раҳнамоси каби давлат муассасаларига яқинлашиш билангина эришилади. Инқилоб посбонлари ва Хоманайи хонадонига яқин бўлган қасиданавислар орасида: Марсур Арзий, Маҳмуд Каримий, ака-ука Тоҳирийлар, Абдуризо Ҳилолий, Мажид Бани Фотима, Майсам Мутийи ва Саид Ҳаддодиён кабилар бор. Баъзилар ушбу синфнинг шаклланиш сабабини Эроннинг ҳозирги муршиди Али Хоманайига боғлашади. Чунки улар ўтган асрнинг саксонинчи йилларидан бошлаб Али Хоманайини вақти-вақти билан зиёрат қилишни бошлашган. Хоманайи ўтган феврал ойда уларни «Нуфузли жамият... Ёшларни маънавий уруш қуроллари билан қуроллантириш ва исломий ҳаёт услубини кучайтириш уларнинг зиммасида», деб тасвирлаган.

Хоманайининг сеvimли, ёш ва энг машхур қасиданависларидан бири бўлган Майсам Мутийи Эрон олий раҳнамоси томонидан берилган ушбу баёнотга «вилоятул фақиҳ аскарлари» ҳисобланган «қасиданавислар йўл харитаси», деб изоҳлади. Мутийи Эрон олий раҳнамосининг ўғли Мужтабо Хоманайига яқин ҳисобланади. Шунингдек, у 2017 йили рамазон ҳайитида ядровий келишувга эътироз билдириб ўқиган қасидасида Эрон президенти Ҳасан Рухонийни ҳақоратлагани билан ҳам машхурдир. Кейинчалик Хоманайидан бу воқеа ҳақида сўралганида, буни Рухоний учун ҳақорат деб ҳисобламаслигини айтган. Ҳисоботда Эрон намойишларининг қўзғолон посбонлари томонидан боштирилганини қасиданавислар қўллаб-қувватлаганига ойдинлик киритилган. Ўтган декабр ойда Эрон намойишлари оммалашиб кетган бир пайтда Жиллон муҳофазасининг Рашт шаҳрида инқилоб посбонлари кучлари қўмондони қасиданавислар таъсири инкор қилиб бўлмайдиган даражада кучли бўлгани тўғрисида уларнинг имкониятидан максимал даражада фойдаланиш зарурлигини таъкидлади. Шунингдек, инқилоб посбонлари махсус «инқилоб посбонлари қасиданавислари», дея танилган қасиданавислар гуруҳини таъсис этди. Сўнги йилларда инқилоб посбонлари Эроннинг ҳар тарафида қасиданависларнинг махсус катта конференциясини ўтказди. Қасиданавислар режимнинг ташвиқот қуролига айланишди. Улар ҳозирги сиёсий инқирозларни тарихий воқеаларга таққослаб диндан ноўрин фойдаланишди. Чунки улар Хоманайини ҳозирги давр Ҳусайни деб, мамлакат ичкарасидаги ва ташқарисидаги мухолафатни Шимр ибн зи Жавшан ва Язид ибн Муовия (Ҳусайннинг душманлари) деб тасвирлашди. □

FOREIGN POLICY TAҲЛИЛЛАРИ ЯҚИН ШАРҚ КЕЛАЖАГИНИНГ ПЕССИМИСТИК МАНЗАРАСИНИ АКС ЭТТИРАДИ

Foreign Policy «Яқин Шарқдаги умиднинг охири» сарлавҳаси остида минтақа келажагига доир ҳисоботни нашр этди. Бу ҳисоботни Америка ташқи алоқалар кенгашидаги яқин шарқ ишлари бўйича тадқиқотчи (Стивен Кук) сўнги пайтларда минтақада юз берган воқеаларга таяниб тайёрлаган. Минтақада сўнги пайтларда юз берган бундай воқеаларнинг энг кўзга кўрингани Байрут портининг портлашидир. Муаллиф бу ҳисоботда, Яқин Шарқ давлатларидаги фарқларга қарамай, уларнинг муштарак жиҳатлари бор, уларнинг барчасида суверенитет ва ўзлик устида низола бўлиб, барчаси ёмон бошқарувдан ва сиёсий синфларнинг қайта ҳокимиятга келишидан азият чекмоқда – деб тушунтиради... Кук Ливия, Яман, Сурия ва Ироқ каби давлатларни қулаш арафасида турибди деб тасвирлаб, айтадики – кучлироқ эҳтиmolга кўра, бу давлатлар қуролни ташлаш даражасига етмаган ва баъзилар ҳанузгача айрим бундай давлатларни бўлиниши мумкин деб ҳисоблайди... Муаллиф ўз таҳлилига далил келтириб бундай дейди: «Ушбу давлатларда юз бераётган воқеаларга бир қарашдаёқ мавжуд низога гувоҳ бўлишингиз мумкин. Ливияда Файз Саррож етакчилигидаги халқаро миқёсда тан олинган миллий Вифоқ ҳукумати билан Халифа Ҳафтарга тобе кучлар ўртасида кураш кетмоқда. Яманда Абдуроббиҳ Мансур Ҳодийнинг халқаро миқёсда тан олинган ҳукумати билан мамлакат жанубидаги Ҳусий бўлгинчилари (сепаратистлари) ўртасида зиддият давом этмоқда. Сурияда Туркия ўзининг жанубий чегарасида курдлар давлати барпо этилишига йўл қўймасликка қатъий қарор қилган. Бу давлатларнинг барчаси ҳеч бўлмаганда иккита давлат бўлишга номзоддир. Саудияга ўхшаган бошқа давлатларга келсак, валиаҳд Муҳаммад ибн Салмон қирол оиласи аъзоларини ва қирол оиласи аъзолари бўлмаган элиталарни қамоққа олди. Чунки у уларни ўз режаси ва манфаатлари учун катта таҳдид деб ҳисоблади». Муаллиф «Миср халқининг 18 ой ичида икки раҳбарни қулатишига ишонини романтизм (хаёлпарастлик)», деб ҳисоблайди. Унга кўра, аслида нима бўлган бўлса, бу ўша вазифани амалга оширган генералларнинг ишидир. У Яқин Шарқ табиатини «бахтсиз» ва «тикланиш нуқтасидан ўтган» деб тасвирлайди. Унинг фикрича, Яқин Шарқдаги бу аҳвол нафақат давлатларнинг лоқайдлиги туфайли юз берди, балки улар томонидан бир оз қўллаб-қувватланди ҳам. У «Биз ишлар доим ёмон бўлиши мумкинлигини эсга олишимиз лозим ва барқарорлик келиши муқаррар деб ҳисоблашимиз хатодир», дейди. Унинг айтишича, корона пандемияси ва глобал турғунлик манзарасида, минтақа чет эл аралашувидан, мустабид раҳбарлардан, бузиб кўрсатилган иқтисодий ривожланишдан, экстремизмдан ҳамда фуқаролик урушлари ва низолардан азият чекмоқда.

Ал-Ваъй: Ушбу «бахтиқаро» ҳисобот Умматда умидсизлик уйғотиш учун тайёрланган. Улар Умматнинг жиноятчи малай ҳукмдор ва генераллар амалга ошираётган Америка режасига таслим бўлишини истайдилар. Бироқ, улар буни асло амалга оширолмайдилар. Чунки Уммат улар тасаввур қилгандан бошқачадир. Ушбу оғир вазият ва бундай қабиҳ найранглар Умматни жонлантириб, Халифаликни барпо этиш орқали Аллоҳ нозил қилган аҳкомлар бошқарувини тиклаш ҳамда Ғарбнинг мусулмонлар юртларидаги вужудини бутунлай йўқ қилиш қарорини кучайтиради. Биз уларга айтамызки, сизларнинг Исломига қарши найрангларингиз ва мусулмонларга нисбатан содир этаётган жиноятларингиз ҳар бир нарсадан олдин ҳазоратингиз омадсизликка учраганини кўрсатади. Бу эса, ҳазоратингиз ўлими ва ҳеч ачинмасдан дафн этилиши тезлашишига сабаб бўлади. □